


87.99

D 99

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД


ОЗОД ИЗТИРОБ ҚУВОНЧЛАРИ



87.66
D-88

Х. ДЎСТМУҲАММАД

ОЗОД ИЗТИРОБ ҚУВОНЧЛАРИ



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2000

Ватан, инсон ва тафаккурғина эмас, изтироб ҳам озодлик
истайди. Истиқлолга етишган озод изтироб чексиз қонотни, бе-
поён дунёни, халқи, ўзлиги, қадрияти ва маънавиятини янада
чуқур, янада тираш идрок эълмаётганидан озор чекади.

Муаллиф гоҳ адиб, гоҳ публицист, гоҳ адабиётшунос, гоҳ
фикрга ташпа зиёли сифатида Сиз азиз китобхонни маърифий
суҳбатларга қорлайди.

Д 99

Дўстмуҳаммад, Хуршид.

Озод изтироб қувончлари.—Т.: «Маънавият»,
2000.—112 б.

ББК 87+66.3(5У)

Д 4702620204 — 26 3—00
М 25(04)—00

© «Маънавият», 2000

ДАВОМ ЭТАЁТГАН ФАСЛ

Фикрлаш эркинлигидан кўра буюкроқ неъмат йўқ. Фикри озод бўлмаган одамнинг ўзи озод ҳисобланмайди. Турли заминий кучлар одамни истаган кўйига солиши мумкин, ҳатто унинг тафаккурига зулм ўтказишдан тоймаслиги мумкин, лекин энг қаттол шароитда ҳам фикр — озоддир!

Фикрни бўғишдан кўра тубанроқ, разилроқ гуноҳ йўқ, аммо-лекин фикрдан кўра бўйсунмасроқ куч ҳам йўқ. Қўз очган, «оёққа» туриб олган фикр — фикр эгасидан ҳам қудратли, энди у теварак-атрофдаги одамларга, дунёга, бутун оламга ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Жисм ўлади, лекин фикр қолади. Ҳар қандай заминий ёвуз куч ҳам фикрни ўлдиришга ожизлик қилади.

Чунки фикр — илоҳий, самовий ҳодисадир!

Мустақиллик бизга ана шу бемисл марҳаматни қайтариб берди. Ҳар бир инсонга бу ёруғ оламнинг энг олий ҳақиқатларини англаб етиши учун имкон яратди. Ҳаётнинг энг олий ҳикматларини белгилаб олмай яшаш нақадар аянчли эканини, зўравон ва ёлғон ҳақиқатларга алданиб умр созуриш нақадар кечирилмас фожиаларга олиб келиши мумкинлигини намоён этди.

Ҳисобли умрнинг ўз фасллари бор, бизнинг замондошларимиз эса, мана, ўн йилдирки, қайта англаш фаслида яшамоқда. Дунёни қайта англаш имкони ҳам озодлик, зеро, изтиробу қувончларга тўла бу саодатли дамларга етказгани учун ҳам Яратганга беадад шукр!..

Муаллиф

ИСТИҚЛОЛ ТОНГИНИНГ ҲИКМАТИ

Кўп ҳолларда «Маънавият нима?» деган саволга дурустроқ жавоб тополмай ўнғайсиз аҳволга тушиб қолишади. Маънавият — ўзинг яшаб турган даврнинг энг муқаддас ҳақиқатларини ва ҳикматларини англаб етиш, уларнинг қадрига ета билишдир!

Истиқлол тонги одамлари учун Мустақилликни қадрлай билиш — маънавият, Мустақилликка садоқат ва фидойилик — маънавият!

ЎН ЙИЛ УТМОҚДА

Ўзбекистон мустақилликка эришса, вассалом, олам гулистон бўлиб кетади деб ўйлаш хомхаёл экани, мана, ўн йил ўтаяпти ҳамки, бот-бот ўз тасдиғини топмоқда. Мустақиллик — тинимсиз меҳнат, тинимсиз бедорлик, тинимсиз изланишдан иборат эканлигини эндиликда одамларимиз тобора равшанроқ тушуниб, англаб етмоқдалар. Жамият ўзгариши учун одамлар ўзгариши, одамлар ўзгариши учун эса, биринчи навбатда, тафаккур ва дунёқараш янгиланиши зарурлиги ҳам истиқлол тонги аён қилаётган улўф ҳақиқатлардан бирига айланди.

«Янгиланиш» сўзи қанчалар ширин, аммо-лекин унга эришиш машаққатларга ниҳоятда бой! Нима, ўзбеклар янгиликдан қўрқадиларми? Эскиликка тармашиб оладиларми?

Республика Президенти Ислом Қаримовнинг ўн йилдан бери юргизаётган сиёсати, қилаётган саъй-ҳаракатлари бундай саволларга жавоб бериш унчалик осон эмаслигидан далолат бермоқда.

Гап — дунёқараш ва тафаккурнинг янгиланиши ҳақида, одамларимиз заррадан то Зухал юлдузигача бўлган воқеа-ҳодисаларга Ўзбекистон, ўзбек халқи ва инсоният манфаатлари нуқтаи назаридан қарай билишга одатланишлари ҳақида бормоқда...

Ҳар бир тарихий давр муайян миллат ва жамият

олдига ўта муҳим вазифаларни кўндаланг қўяди. XX асрнинг сўнгги ўн йили ўзбек учун ўзлигини англаш, миллий қадр-қиммати ва ғурурини қайта тиклаш, барча инсоний қадриятларни жой-жойига қўйиш даврига айланди.

Бу давр давом этмоқда, эҳтимол, узоқ давом этар, чунки оломоннинг халққа айланиши, миллий қадриятларнинг умуммиллий тафаккур ва мафкура даражасига кўтарилиши, бу сифат ўзгаришларини умуминсоний демократик анъаналар мақомига олиб чиқиш ғоятда мураккаб жараёнлардан эсон-омон ўтишни тақозо этади.

Жараён осон кечмайди, осон кечмаётган жараённи осонлаштириш учун эса оғир саволлардан қочмаслик, нозик муаммоларни-да четлаб ўтмасликка тўғри келади. Мулоҳазалар хилма-хиллиги, фикрлар ранг-баранглиги керак, ғоялар, мулоҳазалар мунозарасидан туғилажак энг оқил ғоялар амалга оширилмоғи лозим. Жамиятнинг гуллаб-яшнаши, одамлар турмушининг фаровонлашуви соғлом ғоядан топилажак оқилona тадбирларга боғлиқ.

Сизга, бизга, ҳаммамизга боғлиқ...

Кун кетидан кун, йил кетидан йил қувиб ўтаверади, лекин мустақиллик тонгида яшаш ҳамонки бизга насиб этибдими, халқимиз ва ватанимизнинг истиқболи ҳар жиҳатдан айна шу йилларда қилинган ишларга боғлиқ бўлади. Бугун биз ўтмишимизни, шахсимизни англамоқдамиз, шахслар жамиятига айланиш йўлларини топаяпмиз, ўзбек ҳам ер юзида қаддини ғоз тутиб юришга тўла ҳақли халқ ва миллат эканини англаб етаяпмиз.

Бугун ва келажак олдида масъулмиз. Яна ўн, юз йиллар ўтади, авлодлар истиқлолнинг дастлабки ўн йили воқеа-ҳодисаларига қайта-қайта мурожаат қилдилар, шу давр ўзбек ТАФАККУРИНИ ўрганадилар, улар юзасидан хулосалар чиқарадилар, ана ўшанда ҳар сафар айна ҳозирги даврда яшаган сизу бизнинг замондошларимизни тилга оладилар...

ЎН БЕШ ДАҚИҚАЛИК ЙЎЛ

Онгли инсон борки, ҳаёт қонуниятларини, чексиз коиноту тубсиз баҳри салтанатни, ер қаърини ва улар орқали ўз онги ва шуури сир-синаатларини кашф этади. Одам одамлигини англай бошлаган, тафаккурнинг ибтидоий куртаклари ниш ура бошлаган олис ўтмиш замонларидан то ҳозирга қадар тафаккур соҳиблари ОЛАМ НИМА, ОДАМ НИМА деган жумбоқ устида бош қотирадилар. Айтишларича, дастлабки онгли аجدодлар ақл-идроки билан ҳозирги онг тараққиёти оралиғидаги масофани ўн беш дақиқалик йўлга қиёслаш мумкин!..

УЧ ФАРАЗ

ОЛАМНИНГ ЯХЛИТЛИГИ

ёхуд биринчи фараз

Инсоният тафаккури англаб етган энг улкан ҳақиқат — Оламнинг яхлит бир бутунлигидир! Ушбу Оламни тутиб турган Мутлақ мувозанат — Мутлақ уйғунлик — иккинчи ҳақиқат! Ана шу икки ҳақиқатдан келиб чиқувчи учинчи ҳақиқат — инсоннинг Билишга мойиллиги!

Замин қаъридан тортиб то Коинот чексизлиги қадар нимаики мавжуд экан, шу оралиқда қандайин ходисалар, жараёнлар кечар экан, уларнинг барчаси бир-бирига алоқадор мазкур уч ҳақиқат-ҳикмат измида!

Ақл-идрок оддийликдан мураккаблик даражасига етишгани сайин олис ўтмишда узук-юлуқ идрок этилган воқеа-ҳодисалар орасидаги алоқадорлик қонуниятлари — сабаб ва оқибатлар сирлари кашф этила борган, шу тариқа дунё аслида парча-пурча кўринишда эмас, балки яхлит бир бутунликдан иборат эканлиги аёнлашаверган. Бундай ривожланишнинг табиий ҳосилаи сифатида инсон ақлининг қаймоғи, Форобий айтмоқчи, «ҳикматни тақдирловчилар илми» — фалсафа вужудга келган.

Фалсафа учун бегона тушунча ё нарсанинг ўзи йўқ. У «қаро ер қаъридан то овиси зуҳал» (Ибн Сино ибораси) қадар чексизликдаги маконни қамраб олган оламнинг бутунлиги ва яхлитлигини ўрганади.

«Чексиз макон» деганда устоз олимлардан бирининг, «Олам» сўзи «дунё» ва «қоинот» сўзларига нисбатан мазмунан кенгдир» деган таърифи ёдга тушади.

Демак, ўлчами йўқ чексиз макон, бу — Оламдир.

Қиёсланг: тасаввуримизга сигмас даражадаги Олам баайни инсон танаси янглиғ яхлит бир организм!

Ўтмишда яшаган буюк алломаи донишлар Оламнинг яхлитлигини тўғри тушунган. Чунончи, Арасту Оламни «мавжудлик» деб атайти. Илм-фан соҳаларга бўлиниб, янги-янги кашфиётлар кўпайгани сайин мазкур Мавжудлик, яъни Олам тушунчаси парчалана борган.

Фан тармоқларининг тараққиётига тил теккизмаган ҳолда айтиш лозимки, тарихда шундай даврлар бўладики, табиий шарт-шароит фавқулодда тафаккур соҳиблари туғилишини тақозо этади. Аллоҳ таолонинг назари тушган бундай зотлар Оламни яхлит ҳолда кўриш, таҳлил этиш, чоғиштириш, шулардан келиб чиққан ҳолда башорат қилиш салоҳиятига қодир бўладилар. Чунончи, XII асрда яшаган Шайх Азизиддин Насафий инсон камолотини кўтарилиш (уруж) ва тушиш (нузул) таълимоти асосида тушунтира туриб, улуғ олам (макромир) ва кичик олам (микромир) тушунчасидан келиб чиқиб, олами сағир (кичик олам) ва олами кабир (улуғ олам) таълимотини такомиллаштирган. Яъни, «Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуд. ...инсон юқори олам — олами кабирнинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб ҳисобланади» (Н. Комилов).

Динга «идеалистик бемаънилиқ» деб таъриф берган Маркс ва Энгельс одамлар тафаккуридаги айни шу тушунчага тиш-тирноғи билан қарши турди. Оқибатда тарбия ва инсонийлик аъмоли фақат ва фақат моддий маъмурлик меъзони билан ўлчанадиган бўлди. Заминий фаровонликни устун қўйиш билан чекланмай, илоҳий фаровонлик буткул рад этилди.

Бундай таълимотнинг даҳшати шундаки, Оламнинг яхлит ягона бир вужуд экани ҳақидаги тушунча упутилди. Инсон кичик олам сифатида Оламнинг, яъни олами кабирнинг акси ва узвий бўлакчаси эканлиги инкор этилди. Маркс ва Энгельс асос солган тузум мазкур мафкурани бутун ер юзи одамлари онгига синг-

дирмоққа чоғланди, шу мақсад йўлида кўпгина ниятларига эришди ҳам. Бироқ Олам бунга ортиқ «тоқат» қилолмади. Машҳур рус файласуфи В. Соловьёв руҳий таназзул авжига чиққан жойда фалсафага эҳтиёж зўраяди, деган фикрни ёзган.

Кучли фалсафага бўлган эҳтиёжнинг ортиши Оламнинг «тоқат» қилолмаслиги эди. Худди шунга яқин мулоҳаза Форобийда учрайди. «Фалсафани ўрганишдан олдинга қўйилган мақсадга келганда, бу (мақсад) ягона ва ҳаракатсиз олий яратувчини билишдир. У барча нарсаларнинг ҳаракати сабабчисидир ва у ўзининг билими, адолатлиги ва саҳийлиги туфайли бу оламни тартибга солиб тургувчидир».

Қаранг, оламнинг яхлитлиги, бир бутунлиги тушунчасини Форобий салгина бошқача — «ягона олий яратувчи» тарзида қўлламоқда. Моҳият эса ўша-ўша — бир бутунлик, ягоналик, олийлик ва яратувчиликка бориб тақалмоқда.

Қуръони каримнинг «Бақара» сурасида Парвардигор «ерни қароргоҳ, осмонни том» қилиб қўйгани, кўкни етти осмон қилиб тиклагани, «ер ва осмондаги ҳамма нарсалар... ҳаммаси унга бўйинсуниши» баён этилган.

Муқаддас «Инжил»да «Худо даставвал осмон ва ерни яратди» деб зикр этилгани, биринчидан, Коинотнинг бирламчи эканлигидан далолат бўлса, иккинчидан, Коинот ва Замин яхлит Оламни ташкил этишига тасдиқ ҳамдир. Қуръони каримнинг «Таквир» сурасида «Ҳаққи рост кун» — қиёматда Осмон Ернинг устидан сириб олиниши дарак берилади.

Бундан қандай хулоса чиқади?

Самовот билан Замин орасидаги энг олий жуфтлик (яхлитлик) мувозанати Олам мавжудлигининг бош омилидир, бордию, бу мувозанатга путур етса, ҳалокат муқаррар!..

Хулоса ясайлик: Ер Осмонсиз мавжуд бўлолмайди, бордию, Самовотга шикаст етса Ернинг «жони» сирқирайди ва аксинча.

«Олам — улкан бир одамдир» деган эди. П. Флоренский. Е. Блаватская янада очиқроқ таърифлаган: «Коинотни биз ўзимиз ривожлантирамыз. Шу боис ҳам у (Коинот) биз ҳақимизда шу қадар қайғурадики, нафақат биз унингсиз, айни чоқда у ҳам бизнингсиз яшай олмайди. Айни шунинг учун ҳам Худо бизни севади ва кўплаб хатоларимизни кечиради».

МУТЛАҚ МУВОЗАНАТ

ёхуд иккинчи фараз

Оламнинг бир бутун ва яхлитлигига ишонмасак, Осмон ва Ер ушбу бутунликнинг икки ажралмас палласи эканини тан олмасак, Мутлақ мувозанат ҳикмати-ни тушуниш ва эътироф этиш қийин.

Жуда жўн мисолдан бошлай: одам мувозанатини сақлай олмаса икки оёқда қоматини тик тутиб туролмайди. Мувозанатсиз қуш парвоз эта олмайди. Мувозанат қонунияти бузилса ҳатто тўрт оёқли ҳайвон ҳам қадам босолмайди.

Қумурсқадан тортиб то чексиз олабий жараёнлар мавжудлигини таъмин этувчи мислсиз куч — мувозанат!

Олам яралган биринчи лаҳзалардаёқ уни ҳалокатдан асровчи мувозанатни ҳам яратишга киришилган. Эътибор берсак, табиатда кечадиган ҳар қандай катта-кичик ҳодиса Мутлақ мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Тасаввур қилинг: Ой ёки Қуёш Аллоҳ таоло уларнинг зиммасига юклаган буюк миссияни адо этишдан заррача чекинса ёки курраи заминимиз ўз ўқи атрофида айланишни «истамай» қолса, оқибати нима кечади?

Жавоби аён.

Фикри ожизимизча, инсон — Мутлақ мувозанат бардавомлигини сақлаш йўлидаги Парвардигори оламнинг бемисл кашфиётидир!

Ўзимизга бир савол берайлик: бу ёруғ олам учун инсон қавмининг нима зарурати бор?

«Зарийёт» сурасида келадиган «Ҳар бир нарсани жуфт қилиб яратдик» (49-оят) деган ҳикматдан келиб чиқилса, жуфти бўлмаган нарса ё тушунчанинг ўзи йўқ. Энг оддий яхши-ёмон, оқ-қорадан тортиб Еру Осмонгача жуфти билан яралган. «Яккалик Худога ярашур» деган гап ҳам бошқа жамики нарсанинг жуфти борлигидан далолат беради.

Хаёлга пича эрк берсак, дунё яралган илк лаҳзалардаёқ жуфтлик тартиботи мукаммал даражада яратиб улгурилмаган. Лоақал инсон бошқа жондорлардан кейин, шунда ҳам аввал эркак — Одам Ато, сўнгра унинг қобурғасидан аёл — Момо Ҳаво яратилганини назарда тутайлик.

Демак, Олам пайдо бўлган дастлабки вақтларда фалакиёт билан замин — икки қутб орасидаги мувозанатда қандайдир кемтиклик ҳукм сурган. Бошқача

айтганда, Замин Самога нисбатан жуфтлик вазифасини тўла равишда ўтай олмаган.

Жуфтликнинг боқий парадокси шундаки, томонлар бир-бирини қўллаб-қувватловчи ва айни вақтда... емирувчи кучга эга бўлади. Яъни, эътироф ва эътироз аралаш кечади. Эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, руҳонийлик ва дахрийлик... бунинг сингарни мисолни истаганча келтириш мумкин.

Худди шу фароздан келиб чиқилса, Олам яралгач, самовий жисмлар ва уларнинг ҳаракатлари Ерга ўз таъсирини ўткази бошлаган. Ерда жондорлар бор эди, фақат онгсиз махлуқлар кўкдан ёғилаётган ҳаётбахш неъматлар ёғинига муносиб жавоб қайтара олмаган. Яъни, онгсиз жондор Ерга соҳиблик вазифасини ўтай олмаган.

Ерга чинакам соҳиблик вазифаси онгли жондор — инсонга ато этилган!

Инсон организмнинг имкониятлари ва ташқи муҳит мавзунда батафсилроқ тўхташга тўғри келади.

Замонавий фан-техника воситалари инсон танасининг, вужудининг чексиз имкониятларини тасдиқловчи далилларни кашф қилмоқда. Инсон танасининг тузилиши қуйидаги занжир тартибида яратилган: аъзолар — атом-молекулалар — нуклонлар — кварклар. Физикавий тушунчага кўра, кварклар — қувват қуйқаси ҳисобланади.

Уэльс университети Математика институтининг профессори Д. Леннокс «Мен нега Яратувчининг қудратига ишонаман?» деган мақоласида фавқуллоҳда фарозни илгари сурган. У шундай ёзади: «Инжил» моддий дунё, хусусан, биологик дунё қўп-қўруқ материядан иборат эмас, балки ахборот ташувчи материядан ташкил топганига диққатимизни қаратган... Одам ҳужайраси талаффуз воситаси бўлмиш тилга хос барча хусусиятларга эга. Ҳақиқий олим тирик ҳужайралардаги ахборот оқимини эътиборсиз қолдирмайди».

«Қувват қуйқаси», «ахборот ташувчи материя», «ҳужайрадаги ахборот оқими» ибораларини чуқурроқ мулоҳаза қилиш даркор. Инглиз олими, инсон танасидаги ҳужайралар баайни тилли-забонли жондор янглиғ ахборот қабул қилиш ва узатиш қобилиятига эга деган фарозни тасдиқламоқда.

Табиий савол туғилади: ҳужайра ким билан ахборот олди-берди қилади?

Коинот билан!

«Йог» атамаси одамда самовий онгни камолга етиштириш орқали унга руҳан бирикиб кетиш, у билан уйғунлашиш деган маънони англатади. Бунга кўра одам танасининг зирҳ қатлами бўлмиш биомайдон ташқи муҳит билан алоқага киришиш — ахборот алмашиш воситаси ҳисобланади. Зирҳ қатлами, биомайдон организмнинг жамики руҳий-жисмоний аҳволи ҳақида ташқарига хабар етказиб туради. Мазкур қувват майдони коинот қувват майдонининг таркибий қисмини ташкил этади. Шунга биноан, ҳар бир одам нафақат ўзи туғилган ва яшаётган жойнинг, балки Самовотнинг фарзанди ҳам ҳисобланади!

«Ирода воситаси-ла одам аксинча ташқи дунёга таъсир ўтказади. Шу йўл билан у ўз ички моҳиятини ташқи дунёга юктиради. ...Ташқи дунёдан у истак-майлолади. Тана қалб учун бошпана вазифасини ўтайди».

Немис мутафаккири, антропософия асосчиси Р. Штайнер бу хулосаси билан Оламнинг яхлитлигини, одам ушбу яхлитликнинг бир зарраси эканлигини, айни чоқда Заминнинг хожаси сифатида Фалакиёт билан қувват алмашинувини йўлга қўя оладиган ва қўя олган **бирдан-бир** махлуқ эканлигини тушунтиришга уринади.

Шуниси ҳам борки, Фалакиёт билан қувват алмашиш имконияти ҳар кимда бирдек кечмайди, зеро, руҳий-маънавий жиҳатдан етарли даражада тобланмаган одамларда бундай қобилият заиф бўлади (у сўзни «иймон заифлиги» деб ўқисак ҳам янглишмаймиз). «Руҳоний ва даҳрий одамларнинг биоқувват майдони таъсирчанлиги кескин фарқланади» деб ёзади тадқиқотчи Ю. Иванов. Бу олим Қуръони каримни ўқиганми-йўқми — менга қоронғи, лекин у шу гапи билан мусулмонларнинг илоҳий китобидаги «Фотиҳа» сурасида зикр этилган «Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир» (65-оят) деган ҳикматни айнан тасдиқлаяпти.

Бу муҳаббат қаттиқлиги иймонли кишининг биоқувват майдони орқали воқеликка айланади десак, янглиш бўлмас. Зеро, ушбу оятдан пича юқорида (52-оят) «Бас, мени эслангиз, мен ҳам сизларни эслайман» деган яратган Эгамизнинг иқрори келади. (Яъни, сиз қанчалик эсласангиз, мен ҳам шунчалик эслайман). Мазкур оят бандаларни Олам билан уйғунликка даъват этаётганидан ташқари унинг мағзида «қарс икки қўлдан» деган маъно ҳам мужассам.

«Инсон бахти билан Коинотнинг тузилиши орасида жуда чуқур мувозанат бор,—деб ёзган эди Р. Тагор.—Шу мувозанат билан инсон онги ўртасида яширин алоқа бор».

Бу «яширин алоқа» қай тартибда кечишига ҳозиргина келтирилган ояти карима ойдинлик киритмоқда.

Қиссадан ҳисса шуки, моддиюнчиликка берилиб, Самовотни заминдан ажратиб тушунсак ва Олам деганда фақат Ерни — моддий борлиқни назарда тутсак, ҳар бир тирик инсон она қорнидаёқ Самовот билан чамбарчас боғланишини, бу боғлиқлик у эсон-омон туғилиб то вафотига қадар давом этажagini тан олмаган ҳисобланамиз. Бу аҳволда... иймон заифлиги туфайли Коинот билан доимий алоқада бўлмаган тана (одам) жисман тирик бўлса-да, руҳан жонсиз ҳисобланади. Аксинча, биомайдон ва ҳиссий сезгилар воситаси-ла Коинот билан алоқага киришиб руҳий-маънавий-раҳмоний қувватни тинимсиз бойитиш комиллик ёки тириклик ҳисобланади. Бу — тана тириклиги эмас, руҳ тириклигидир!

Шу ўринда «ғалати» фараз туғилади: сўзимизнинг аввалроғига қайтсак, руҳий бедор жондор — одам бўлмаган замонларда Ердан юқорига жавоб боравермаслик Коинотнинг «сабр косасини» тўлдирган. Ушбу ҳолатни ҳинд мутафаккири ва адиби Р. Тагор қуйидагича изоҳлаган: «Қалб борлиқ билан аввало ҳиссий алоқа воситаси-ла боғланади. Лекин бир томонда ҳиссий муносабат пайдо бўлган жойда бошқа томонда ҳам ҳиссий муносабат пайдо бўлиши керак».

Яъни, одам яралмасидан илгари Самодан келаётган ҳиссий муносабатга жавоб тариқасидаги Заминий ҳиссий муносабат қуввати вужудга келмаган. Заминнинг бу «бепарво-бетаъсирлиги» Коинотдаги қоникмаслик ҳиссини шу даражага етказганки, ўша қоникмаслик туйғуси Ерга фавқуллодда бир яратувчи куч сифатида тушган-да, «Уни (Одамни) тупроқдан яратиб, сўнгра «Бўл» деди. Бас, у (жонли одам) бўлди». («Оли имрон» сураси, 59-оят.)

Хулоса шуки, инсон яхлит-ягона олам мавжудлигининг зарурий шarti бўлмиш Осмон ва Ер ўртасидаги Мутлақ мувозанатни — Мутлақ уйғунликни таъминлаш учун яратилган онгли махлуқ! Худо фаришталарни Одамга таъзим этишга ундаши бежиз эмас эди, Одамнинг зиммасига дунёдаги бошқа ҳеч бир махлуқ зим-

масига юклаб бўлмайдиган вазифа — Ягона оламнинг «жони» бўлмиш Мутлақ мувозанатни сақлаш вазифаси юклатилган...

БИЛИШГА МОЙИЛЛИК

ёхуд учинчи фараз

Оламнинг яхлитлигини, бу яхлитлик Мутлақ мувозанат туфайли мавжуд эканини тан олмаган киши Инсонийлик жавҳари бўлмиш Билишга мойиллик — билишга мубталолик ҳикмати англаб етиши маҳол. Қолаверса, мазкур ҳақиқатни англаш учун ҳам билишга ташналик, қалб ва шуур бедорлиги даркор.

Одамнинг яратилиши билан Мутлақ мувозанатнинг мавжудлиги пухталанган дедик. Аммо-лекин яна бир мулоҳаза шундаки, одамнинг шакл-шамойли яратилгани билан у ўз зиммасидаги вазифани дабдурустдан тўла-тўқис адо этишга тайёр бўлмаган. Одам самовий қувватдан баҳра ола билмоғи, ўз навбатида, унга етарли баҳра бера билмоғи учун узоқ фурсатли руҳий тарбия даврини бошдан кечирган. Бундай тарбия масъулияти, шубҳасиз, яна Коинот зиммасига тушган. Коинот руҳий ва ақлий тарбияни аён этиш йўли билан адо этган. Фалсафа илмининг тушунтиришига кўра, билиш тартиботи узоқ йиллар мобайнида изга тушган, шаклланган.

«Билиш»га улуғ донишманд Р. Тагор қуйидагича ўхшатиб таъриф берган: «Одам Коинотни одам билан, одамни Коинот билан бирга қўшишга ҳаракат қилади. Коинот билан қайтадан бирга қўшилиш усулларидан бири — одамнинг ўзини-ўзи ифода қилишидир. ...Одам қалби жонидан кечиб бўлса-да, ўзини ифода қилгиси келади».

Ҳақиқатан ҳам, одам зоти борки, ўз зеҳни-идрокига яраша, қобилиятига яраша билишга, кашф этишга мубталодир. Бу мубталолик идрок этиш ва ҳис қилиш қобилиятини тинимсиз такомилга етиштиради. Билишга мубтало инсон ҳар қандай дақиқада ҳам дунё сирларини англашда, кашф этишда давом этади, уни бу йўлдан ҳеч нарса қайтаролмайди, чунки, унга бу қудрат Самодан инъом этилган. Аллоҳнинг ўзи томонидан раво қўрилган марҳаматни бандаси тортиб ололмайди. Шу боисдан ҳам, билишдаги комилликни «иймоний комиллик» деб атасак ҳам янглишмаймиз. Бу комилликнинг

энг улуғ вазифаси Ер билан Само орасида қувват ал-
машинишига, демак, мувозанатнинг сақланишига хиз-
мат қилишидир.

Ноёб истеъдод эгалари ҳақида сўз борганида кўпин-
ча «туғма истеъдод» деган ибора қулоққа чалинади.
Бунга ишонмайдиганлар ҳам бор. Тўғри, туғма истеъ-
доддан бебаҳра одамлар жуда катта меҳнат, изланиш
эвазига муайян натижаларга эришадилар. Лекин та-
биатан закий ва зукко шахслар оддий одамлар минг
бир уқубат-ла эришадиган даражага жуда осонлик би-
лан етишадилар.

Ҳаётнинг теран ҳикматларини англаган авлиё зотлар
эса унча-бунча туғма истеъдод эгасидан ҳам юқори
турадилар. Негаки, авлиё зотлар руҳ уйғоқлиги бора-
сида оддий истеъдод эгаларидан кўра ҳийла устундир-
лар. «Илмий тараққиётлар, ижодий фикрлар ҳаммаси
шу руҳ натижасидир» деб ёзадилар Алихонтўра Соғу-
ний. Яъни, билиш — одам шуурини мунаввар қилган
руҳнинг «табиат усти — ҳақиқат олами» билан фаол
ахборот алмашинуви маҳсулидир! Руҳ нечоғли ҳарака-
чан, Аллоҳ нурига нечоғли тўйинган бўлса, у ҳақиқат
оламида яширинган янгиликни ўзгалардан кўпроқ, осон-
роқ ва теран илғаб олади ва табиий, билганини Ердаги
одамларга етказди. Демокчиманки, инсоният учун кўн-
даланг бўлган ва бўлаётган зарурият аломатлари даст-
аввал Заминни бошқариб турган Коинотнинг муайян
марказларида пайдо бўлади, жамланади. Ўз навбатида
ўша марказдан Ерга қувват ёғилади, руҳан ва ақлан
зийрак одам биомайдонлари воситаси-ла ва ҳаётий,
илмий-назарий тажрибалардан келиб чиқиб ёғилаётган
қувват «таркибидагй» зарурият уруғларини илғаб ола-
ди... ушбу билиш лаҳзалари (илҳом онлари, деб одат-
ланганмиз) билувчи учун чексиз ҳузур-ҳаловот дақиқа-
ларига айланади! «Инсон ухлагон чоғида,—деб ёзади-
лар Алихонтўра Соғуний ҳазратлари,—руҳ (жон) тан
хизматидин бўшаниб, юқориға, ўз оламига сайр қилиб
чиққай. Дунёда бўладиган ҳодисаларнинг маълумоти
тамомила ул жойда бордур. Инсон руҳи шу дунёда бў-
ладурғон баъзи воқеаларни ул жойда кўргай».

Бу сўзлар ҳам билишнинг манбаи Фалакда экани-
га ишорадир. («Ижоднинг юлдузли онлари» деганда ана
шундай — Самовий ва Заминий руҳ марказлари — ола-
ми кабир ва олами сағир қовушиб кетган лаззатли
сониялар назарда тутилгандек бўлади.)

Пайғамбарларга туширилган ваҳий эса оддий билиш

ёки илҳом онларига қиёслаб бўлмайдиган даражада фавқулодда илоҳий бир ҳолат. «Бу даражага фақат Аллоҳнинг тавфиқию илҳоми ила етишилур» деб ёзган эди алломалардан бири.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг мутлақо ўзларига хосликлари бутун оламлар Хожаси билан мулоқотга чиқишлари эди! Маълумки, ваҳий пайғамбаримизга хилма-хил йўсинда нозил бўлган. У туш орқали бўладими, Жаброил фаришта орқали кечадими ёхуд бевосита юз берадими, такрорланмас ҳақиқат шундаки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қалби-иймони ваҳийни қабул қилишга шай турган! Рухнинг поклиги бўлмай туриб, иймон тўқислигига эришмай туриб ваҳийдан баҳрамандлик ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас эди. Жаноби пайғамбаримизга эса мазкур сифатлар Илоҳий марҳамат ва муъжиза сифатида раво кўрилган!

Хўп, жаноби пайғамбаримизга нозил этилган мислсиз кўрсатмаларни илм-фан тили билан «билиш» десак-чи?..

Кўринадими, ҳар қандай одам Самодан ёғилаётган илму ҳикмат нурини қабул этиш даражасидан келиб чиқиб билишга муваффақ бўлади, шу тариқа билиш — инсон ҳаётининг бош мазмунига айланади.

Мухтасар хулоса

Одамнинг асли қандай мавжудот экани ҳақида бош қотирмаган бирорта донишманд бўлмаган, яшашдан мақсад нима деган саволга жавоб изламаган оддий одамлар ҳам кам. Қизиқ, бундай жумбоқлар жавобини беихтиёр ташқаридан — теварак-атрофимиздан, ўтмишдан... кoinнотдан излаётганимизни сезмай қоламиз. Оғир ўйга чўмган лаҳзаларда оёғимиз остидаги замин қатрига ёқи само кенгликларига термиламиз. Гуё шу билан барча моҳиятни тўла англаб етмоқчидек бўламиз.

Аслида эса инсон — чексиз Олам бағридаги ғоятда кичик зарра, унинг билағонлиги эса бу Олам мураккаблиги олдида ҳеч нарса. Мантиқан ёндошсак, Оламни англамоқ учун Оламнинг ўзи қадар қамровли ақл-идрок керак.

Бироқ инсоннинг табииати шундай яралганки, у ўзининг қисқа умри мобайнида муттасил билишга интилади, кашфиёт йўлларини излайди. Кашфиёт жараёни шу қадар роҳат ва ҳузурбахшки, ҳақиқатнинг жамолини кўриш истагидаги қалб ва шуур соҳиби бу йўлда ҳеч

қандай машаққатдан қайтмайди. Ҳақиқатнинг жозибаси тинмай ўзига чорлайди, ҳаловотингизни ўғирлайди, лекин унга сари неча масофа яқинлашсангиз у сиздан шунча масофа узоқлашади, ғирромлик қилсангиз — устингиздан кулади, зўравонлик қилсангиз — ғойиб бўлади...

Нима, одам қандайдир кўринмас куч қўлида ўйинчоқми? У шу қадар увол махлуқми? Унинг саъй-ҳаракатлари шунчалар бесамарми?..

Ўйинчоқ ва увол махлуққа айланиб қолмаслик, бесамарликдан самар топиш учун ҳам одам ЎЗ ҳақиқатларини ўзи учун белгилаб олмоғи лозим. Одам ўзининг гап-сўзи, фикр-мулоҳазалари, яшаш тарзи ўзгалар учун фойдали эканини билишининг ўзи улкан саодат. Ана шу саодатнинг ўзи бандасини юқорида баён этилган улкан ҳақиқатларга яқинлаштиради, одамни ана ўша ҳақиқатларнинг фаол «аъзоси»га айлантиради. Барча фазилатларимиз жамланиб, баён этилган уч фаразимиз сингари улкан ҳақиқатларга, заррача бўлса-да, наф келтиради. Бунинг савобию ҳикматини тўла-тўқис таърифлашга ақл ва тил ожизлик қилади.

ОЛИЖАНОБ ДАРД, АРДОҚЛИ ЁЛҒОН

«Ҳақиқат азобидан ўлиб кетмаслигимиз учун ҳам бизга санъат, яна бир бор санъат ато этилган» дейди Ницше. Чунки бадий тафаккур қудрати ила инсон кўнчилиги яшаётган ҳаёт реаллигидан кўра юксакроқ, олийроқ реаллик яратади ва ўзи сезмаган ҳолда ана ўша реалликка интилиб яшайди. Бадий дид ва савия шу маънода ҳам халқнинг турмуш тарзини, дунёқарашини, тийнатиш юксалишига ундовчи даъваткор сеҳрли куч вазифасини ўтайди.

Инсон зоти борки, бу сеҳрга мубтало, бу сеҳрли ҳаёлот дунёси бўлмаганида олам аллақачон чанг-тўзонга айланиб кетган бўлур эди.

Бадий ижодга мойил банда ҳаёлидаги ўша юқори босқични «ёлғон дунё» деб ҳам таърифлашади, ижодкор қалб эгаси эса ўша «ёлғон» дунёни рост деб билади, бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга уринади, жилла қурса, турмушининг кундалик ўткинчи ҳақиқатларидан ўзини боқийроқ ҳақиқатлар осмонида тутиб юриш учун ҳам ўша бадийятидан... ёлғонидан воз кечолмайди.

Инсонни, ҳаётни, адабиётни сеҳру жозибаларга бой ана шу мўъжизакор «ёлғон» асрайди, асраб келмоқда ҳам.

АДАБИЁТ-ОДАМ

1992 йил апрелининг ўрталари. Жаҳон адабиётига дахлдор бир саволга жавоб истаб Талъат ака ёлғиз яшаётган уйга қўнгироқ қилдим. Жавоб бўлмади. Икки-уч қайта, уч-тўрт кун яна, яна телефон рақамини тердим. Жавоб йўқ. Орада ой охирлади. ТошДУ филология факультети чет эл адабиёти кафедрасига йўлиқдим, «Талъат Рустамович уч-тўрт кундан буён кўринмадилар» деган жавобни айтишди. Ойнинг йигирма тўққизи, асрдан кейин хабар келди — Талъат ака вафот этибдилар...

Жанозага тумонат йиғилди, раҳматли домламиниз қа-

қида армонли сўзлар айтилди. Шу тариқа яна бир билимдон, ориф ўзбек фарзанди кечиккан ва бесамар пушаймонлар билан тупроққа қўйилди.

Талъат ака ҳақида нафақат салбий, ҳатто бундайроқ мулоҳаза айтган одамни учратмаганман. «Ажойиб домла», «Яхши инсон», «Зукко олим» ҳоказо ва ҳоказо. Аммо «ажойиб» ёки «яхши» тушунчалари ҳам бениҳоя кенг! Уларни истаганча олиб қочиш, талқин этиш мумкин. Хусусан, Талъат аканинг яхшилигию, закийлигию беозорлиги шу реал ҳаётда ўз ҳою ҳавасларимиз, орзумидларимиз гирдобиди яшаб юрган бизлар тушунганимиздан мутлақо ўзгачароқ эди.

Устоз умр бўйи адабиёт, адабиёт бўлганида ҳам КАТТА АДАБИЁТ дунёсида яшадилар. Ётганда ҳам, турганда ҳам, юрганда ҳам у киши ўзлари севган асар қаҳрамонлари оламига фарқ бўлиб — ўша ёқда яшар эдилар.

Кўчада, хийла наридан кўринадилар: ўрта бўй, ихчам, қорамағиз, қуюқ мошкичири соч елкага тушган, йирик ойнакли кўзойнак, бармоқлар орасида сигарет, Манглайда тарам-тарам ажин, яноқ суягибилан даҳанни туташтирган ботиқ бир йўл ажин, бўйин терисига хуруж қилган ажинлар. Билмаган-нетмаган одам шундай қиёфадаги кишига дил тортиб мурожаат қилиши маҳол. Ким билсин, эҳтимол, ўзгаларни ўзидан нарироқ тутиш учун тангрим ато этган зирҳ эди бу қиёфа?.. Талъат ака ўша ёқда — адабиёт оламида тинч-хотиржам яшамоғи учун беминнат хизмат қилар эди бу қиёфа. Устознинг қадам олиши, қўлларини ёнбошга босганча ҳаракатлантирмай юриши, айниқса, ерга озор етмасин дегандек одимни ғоятда енгил ва авайлаб қўйишлари бу инсоннинг нечоғли беозорлигидан... ичида бир дунё гап борлигидан далолат бериб турарди.

Узоқдан мўлжални олиб, ниҳоят, юзма-юз келасиз (домланинг хаёлини бузмаслик фикрида неча бор индамай-нетмай ўтиб кетганман), саломлашасиз. Қандайдир бир лаҳза устознинг чеҳрасида тараддуд аломатини илгайсиз — бир зумгина, сўнг ҳозиргина ўйчан, бир оз тунд чеҳра шундайин ёришиб кетадики!.. Гўё шу лаҳзада сиз билан омонлашиш у кишининг асрий орзусидек, нуқул сизни орзиқиб кутгандек!.. Қорамағиздан келган, серажин юзда табассум, жилмайиш.

Тараддуд онлари Талъат устозни ўша ёқдан бу ёққа — ҳаёт реаллигига олиб чиқади.

— Уйлар тинчми, соғлиқлар?..

Домланинг ҳол-аҳвол сураши шундан нарига ўтмайди, шу саволлар ҳам беихтиёр берилар эди чамамда. Ихтиёрсиз хатти-ҳаракатлар, гап-сўзлар замирида ҳам катта мантиқлар бўлишидан келиб чиқсак, Устознинг ушбу икки саволи остида мураккаб ва ғоятда ўзига хос кечган бир инсон умрининг ғаройиб тақдири, қисмати пинҳон эди... Талъат ака учун уйнинг, оиланинг, хонадоннинг тинч-хотиржамлиги инсоннинг саломатлигидан-да муҳимроқ эди. Бироқ, назаримда, ҳозиргина берилган шу икки саволнинг жавоби домлани қизиқтирмас эди. Ахир мутлақ тинч-тотув онла, мутлақ соғлом-хотиржам одам борми дунёда?! Сўрашамиз, хўш-лашамиз, бир-бировимизнинг жонимизга оро кираётгандек бўламиз, лекин ўз тақдири, ўз қисмати олдида ҳар ким ўзи ёлғиз! Ёр-дўстларин, қариндош-уруғин, таниш-билишни хабарлаб хашар уюштириш, тўй-хашам ўтказиш табиий, аммо дунёнинг лашкарини қалқон қилганингда ҳам қисматинг рўпарасида ёлғизсан, ёлғиз!

Шу мавзуда неча бор оғиз очмоққа шайланганман, лекин мен варақлагандан кўра неча ўн карра кўпроқ адабиётни сув қилиб ичган одамга нималар деб ақл ўргатаман?! Ақл ўргатиш эмас, ҳар қандай одам Афлотун мақомига кутарилиб кетган тақдирида ҳам руҳий мададга, биргина илиқ сўзга муҳтож, зеро, гап қўзғаш — дардлашиш, ҳасратлашиш ортиқлик қилмас эди. Бундай десам, ҳасрат, гина-қудурат, зорланиш, ғийбат вақтинча кўнгилни бўшатишга хизмат қилса-қилар, вақт-бевақт Талъат ака бир ҳасрат қилсалар анча енгил тортар эдилар, деган хаёлга борганман ҳам, бироқ у кишидан кўпчилик тасаввуридаги ҳасрат-надомат қабиллида бир оғиз ҳам сўз эшитмаганман. Чунки ҳар бир учрашув қисқа ва одатий салом-аликдан сўнг муқаррар адабиёт ҳақидаги суҳбатга айланар эди.

Умрини адабиётга, ижодга бағишлаган одамлар орасида ҳам фақат ва фақат адабиёт билан яшайдиган кишилар оз. **Адабиёт-одам йўқ** ҳисоби! У киши адабиётнинг ичида яшар эди, ҳаёт у киши учун адабиётда эди. Уттиз йилдан зиёд бўлғуси адабиётчиларга, журналистларга чет эл адабиётидан маъруза қилган бўлса — маърузалар маъруза эмас, Талъат ака танҳо ўзи яшайдиган паноҳ, қўним топадиган сирларга лиммо-лим ва муҳташам бошпана эди! Янглиш бўлса ҳам айтай, Талъат устоз талабаларга янгилик, билим беришдан кўра ўзи яшайдиган ўша бошпана дунёсига бўлган ҳайратларини изҳор этиш имкониятидан фойдаланиб берилиб,

ўзини-ўзлигини унутиб маъруза ўқир эди! Маърузалар Талъат устознинг истиффорига айланиб кетарди. «Бу маърузаларни тинглаётганларнинг жуда кам қисми тушунади-ку» деб бир куни савол қотдим. Талъат ака жиддий тортди ва жуда бамайлихотир, «Ҳозирча иккитаси тушунсаям етади, кўпчилиги кейин, эҳтимол бир неча йиллардан кейин тушунишар» дедилар.

Домла ручканинг учини остки лабга, гоҳо даҳан чуқурчасига босганча соатлаб маъруза қилиши мумкин эди. Ўйчан нигоҳ, маъюс чеҳра, вазисиздек кўринадиган бу жусса, бу вужудни тутиб хаёл, тасаввур, хотира, меҳр-муҳаббат, тафаккурнинг беқиёслиги тингловчиларни беихтиёр ўзига қаттиқ ром этарди!

Талъат устознинг маърузалари тингловчиларни бу ёқдан ўша ёққа ғойибона олиб кетар, адабиёт оламиндан, ўша томоннинг муъжизакор гузалликларидан бир бора баҳра олган киши қалбида умрбод қўмсаш, исташ гунча отар эди. Энг мураккаб, ҳазми оғир асарларини икки оғиз изоҳда, заррача эҳтиросларсиз лўнда қилиб тушунтириш борасида Устозга тенг келадиган мутахассисни учратмаганман. Маъруза онлари Талъат ака ҳаётининг энг масрур дамлари эди! Жаҳон адабиётининг сара асарлари мавзусидаги маърузалар Талъат аканинг меърожи эди!

Ўша меърож қадар юксала олган ИНСОНнинг маъруза тугагач яна бу ёққа қайтиши нақадар уқубатли кечганини сўраб-суриштирамаганимга ҳали-ҳамон афсусланаман...

Катта сўз санъатига меҳр қўйган талабалар Талъат аканинг изидан қолишмас эди. Домла адабиётни кенгроқ, бойроқ, чуқурроқ тушунадиган ўзбек зиёлилари кўнайиб бораётганини севиниб айтдилар бир куни.

— Жойс, Пруст, Камю, Кафкани бизнинг китобхоналар қачон қўлма-қўл қилиб ўқир экан?—деб сўрадим.

— Уларни ўз юртларида ҳам кенг омма ўқимайди, ҳатто шундай ёзувчилар яшаб ўтганини билишмайди ҳам. Фақат жамият ҳаётида шундай мушоҳадали ёзувчиларга вақти-вақти билан эҳтиёж туғилади, шунда сен айтган ёзувчилар оғизга тушади, бир муддат қўлма-қўл бўлади.

— Шунга ўхшаш эҳтиёж нега бизда сезилмайди?

— Эҳтиёж сезилиши учун эҳтиёжни англаб етadиган одамлар керак. Тушунапсанми, эҳтиёжни эҳтиёж эканлигини тушуниб етмоқ зарур. Адабиётимизнинг савиясидан норозилик билдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Адабиёт бадий тафаккур маҳсули. Ҳикоями, қиссами, романми — ёзилаётган, нашр этилаётган экан, уларнинг бари бадий тафаккуримиз меваси. Бу жараён у ёки бу одамнинг ихтиёридан ташқарида. «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тушлар», «Тошкентликлар»... шу каби романларда катта адабиёт аломатлари бор. Фақат уларни аниқлаб, ўқувчилар кўзига кўрсата билиш керак.

— Қодирийда, айниқса, Чўлпонда ҳам кўп бундай аломатлар.

— Чўлпон Европани кўп ўқиган!

Талъат акани фақат жаҳон адабиётининг билимдонин деб янглишган эканман. У кишининг жаҳон мусиқа тарихи, маданияти ривожланиш-тарқалиш қонуниятларин, рок мусиқа моҳиятидаги умуминсоний жиҳатлар ва оммалашиб омиллари мавзуидаги суҳбатларини тинглаб ҳайратга тушганман. Кобул университетида ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий ва Бобур ижодидан соатлаб маърузалар қилганини, магнит тасмасига муҳрланган маърузалар афғон зиёлилари орасида қўлма-қўл бўлганини эшитганман.

— «Иностранная литература»да Кафканинг «Қалъа» сидан кейин берилган сўнгсўзни ўқиб ҳафсалам пир бўлди,— дедим бир куни.

— У сўнгсўзни ўқимаслик керак эди, чалғитади.

— «Улисс»га сира тиш ўтмаяпти.

Талъат аканинг чехрасини майин табассум ёриштириб юборди.

— Дам-бадам ўқийвер, романи яхлит идрок этиш оғир, дастлабига парча-парчаларини илғаб олсанг ҳам катта бахт.

— Шу ҳақда бирор мақола ёзсангизчи?

— Ҳў-ў!.. «Уллис» ҳақида ёзиш... Ўйлаб кўрмаган эканман... Умуман, ёзса бўлади, фақат бунинг учун узо-оқ хотиржамлик керак, хотиржамлик...

Ўзбек адабиётшунослари, ёзувчилари орасида «Улисс»ни қойилмақом қилиб тушунтириб бера оладиган мард йўқ ҳозирча...

XIX аср рус мутафаккири Н. Чернишевский худди ўзбек адабиётшуноси Талъат Рустам ўғли Солиҳовни таниган-билгандек таърифини келтириб ёзганини ўқиб ҳайратдан ёқа тутасиз. Мана, ўқинг: «У фақат ўйларди ва ёзарди — шундан бошқа ҳеч нарса қилмас эди, ҳатто бирон тузукроқ мансаб эгаси бўлишга ҳам ҳаракат

қилмади, ҳатто ўз ҳаётини таъминлаш, шуҳрат қозониш учун ҳам ҳаракат қилмади... у ҳеч кимдан табриқ сўзи эшитмади, унга ҳеч ким далда бермади, унга жуда содиқ бўлган бир неча кишиларгина унинг ўтқир ақлига, олижаноб қалбига қойил бўлди... У шуҳрат ҳам қозонмади, лекин у туфайли минг-минглаб киши одам бўлиб қолди. У бутун бир авлодни тарбиялаб етиштирди. Кўп кишиларнинг номини у тилга олганлиги туфайлиёқ улар шуҳратли одамлар бўлиб қолдилар, бошқа кўп кишилар эса унинг бир-икки фикрини тушуниб олганликлари учунгина ном чиқардилар»...

БАДИИЙ ДИД ВА САВИЯ

Бадий воқеликни англаш савияси ниҳоятда хилма-хил, ранг-баранг. Шунинг учун кимнидир дидсизликда айблаш, ҳатто одобдан ҳисобланмайди. Лекин шахсий дид — тамоман шахсий ҳодиса эмас, зеро шахсий дидлар йиғиндисидан умумхалқ, умумжамият диди, савияси вужудга келади. Жамият равнақи кўп жиҳатдан миллатнинг, халқнинг бадий дидига ҳам боғлиқ.

Биз халқимизнинг маънавий илдизлари ниҳоятда чуқур томир отганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Бадий камолот чўққисига кўтарилган, умумжаҳоний Уйғониш даврнинг гултожи сифатида тан олинган бетакрор шоиру мусаввирларимиз борлиги кўксимизни осмон қадар юксалтиради. Бироқ, мумтоз ўзбек бадий тафаккурининг узвий тараққиёти узоқ даврлар мобайнида издан чиқди, хусусан, ҳозирги замон адабиёти бамисоли тап-тақир яланг майдонда қайтадан қад ростлашга мажбур бўлди. XX аср аввалида бадийлик мезонлари қайта яратилди, бадий дидни янги замонга муносиб тарзда шакллантириш мажбурияти бош вазифага айланди.

Адабиётнинг боқий қадриятлари, ўлчамлари ҳамма даврларда ҳам сақланади, аммо-лекин мазкур қадрият ва ўлчамлар турли тарихий даврларда турли синовларни бошдан кечиради ҳам. Бошқача айтганда, ҳар бир давр адабиёти қиёфасини боқий ва ўткинчи қадриятлар орасидаги муносабатлар «ҳарорати» белгилайди.

Чинакам бадий тафаккур мангу ва боқий қадриятлар қанотида яшайди, бироқ у ўзи «яшаб» турган давр ҳақиқатлари билан муайян маънода муносабатга киришади ҳам. Бу муносабат осон кечмайди.

Аслида боқий қадриятлар турли давр қадриятлари

дан ўзига энг «маъқули»ни танлаб-саралаб олиш эва-
зига тўхтовсиз бойиб боради, аммо-лекин тарихда шун-
дай пайтлар келадикки, даврининг долзарб (эҳтимол,
ўткинчи) қадриятлари боқий қадриятни ўз «изми»га
юришга мажбур қилади. Бундай шароитда, биринчи
навбатда, бадний тафаккур шикаст ейди.

Мантиқли савол туғилади: ҳамон бадний тафаккур
воқеликнинг инъикоси ва маҳсули экан, реал воқелик-
нинг бадний манзараларини акс эттирар экан, нима
учун у долзарб қадриятлардан юз ўгириши керак?

Мен ҳам юз ўгириши шарт демоқчи эмасман. Бадний
тафаккур Бугун яратилса-да, у фақат Бугун билан
яшамайди, балки Бугун гўзал ва эзгу фазилатлар деб
ҳисобланаётган қадриятларни Боқийлик тарозусида
ўлчашга уринади. Уни тарбиялайди, эъозлайди, қадр-
қимматини оширади. Бадний тафаккурнинг «оёғи» Бу-
гунда турса-да, ўзи, хаёли Мангу, Боқий қадриятлар
осмонидан пастга тушмайди. Бадний тафаккурнинг од-
дий ва жўн тафаккурдан фазилатли фарқларидан бири
шундаки, бадний тафаккурнинг «ҳиссий инъикоси»
(В. Белинский) бўлмиш бадний асарда Бугунги реал
воқелик қадриятлари билан мангу умуммиллий, умум-
инсоний қадриятлар оралиғидаги мутлақ ҳақиқат из-
ланади. Шу тариқа ҳар қандай бадний асар зиммасида-
ги буюк миссияни адо этмоқлик учун қуйидаги ўлмас
саволга жавоб излайди: Ҳозирнинг қадрияти Мангу
қадриятларни нимаси билан бойитади ёхуд Мангу қад-
риятлар ҳозирги (эҳтимол, ўткинчи) қадриятларни не-
чоғли тартибга солади?..

Нафақат тартибга солади, бадний тафаккур киши-
лар бадний диди ва савиясини тарбиялайди, юксалти-
ради ва шу тариқа реал ҳақиқатдан кўра янада гўзал-
роқ, янада улғувороқ реалликлар мавжудлигидан улар-
ни бохабар қилади, ўша реалликлар сари даъват этади.

Фавқулодда истеъдод эгаларининг халқ тақдиридаги
бемисл аҳамияти ҳам, кенг омманинг идрок этиш бо-
расидаги дид ва савияси муттасил улғая бориши зару-
рияти ҳам шунда!

Бадний тафаккур, бадний ижод сеҳру жозибасидаги
лоақал мана шу ҳикмат тўғри англаб етилса, Боқийлик
ва Долзарблик ўртасидаги диалектик мувозанатнинг
аҳамиятини илғаб олиш анчагина осон кўчади.

Бугуннинг ўткинчи ва долзарб қадриятлари одатда
ҳукмрон гоё ва мафкура билан қуролланган бўлади.
Камдан-кам истеъдод эгаларигина бундай куч олдида

ўзларининг асл қиёфаларини сақлаб қола оладилар, аксарият ижодкорлар эса ўзларидаги Боқий қадриятларни даврнинг ғоя ва мафкураси соясидаги долзарб қадриятлар қурбонига айлантирадилар.

Бугуннинг талабига жавоб берган, Бугуннинг воқеасига айланган асарларнинг Эртагаёқ ўз кадр-қиммати-ни йўқотиши мана шундай истеъдодни қурбон бериш оқибатидир. Ваҳоланки, чинакам санъаткорнинг миссияси айнан шифокорнинг бурчини эслатади, яъни, ёзувчи инсонни ғоявий қарашларидан келиб чиқиб эмас, аввало эзгу **инсонпарварлик** муддаосидан келиб чиқиб ўрганади, тадқиқ этади, унинг дардларини бирга баҳам кўради.

ОСТОНАДАГИ ОДАМ

Фёдор Достоевскийнинг «Телба» романи Швейцариядан қайтган княз Мишкиннинг генерал Епанчин хонадонига бориши билан бошланади. Мишкиннинг генерал хонадонига кириши, танишиш воқеалари бир неча саҳифада ҳикоя қилинади, шунда уч табақа вакиллари иштирок этади, бироқ адиб персонажларнинг табақаланишига эмас, авваламбор эшикдан келган — остонадаги ОДАМга мезбонлар муносабатини тасвирлайди. Аслида ҳам ёзувчи учун одамларнинг синфий мансублигидан кўра, уларнинг инсонийлик даражаси муҳимроқ.

«Ўткан кунлар»даги Отабекнинг Ҳасаналига гўзал инсоний муносабати, қулни маънавий падар ўрнида кўриши ҳақида кўп ёзилди. Эътибор берилса, Кумуш ҳам ўз хонадонининг чўриси Тўйбекани туғишган опасидек кўради. Яъни, романда табақалар муносабати эмас, ОДАМЛАР муносабати, мулоқотидаги инсонийлик мақоми биринчи ўринда кўрсатилади.

Ҳасанали Зиё шоҳичиникига келади. Марғилоннинг катта бойларидан бўлган Зиё шоҳичи бевақт ташрифдан андек оғринади, ҳатто «нима қилиб юрибсан» деган маънода Ҳасаналига қараб олади. «Қуллар билан жиддий муомалада бўлинмоқ, айниқса Зиё шоҳичилардек одамларга фавқулудда бир иш». Шунга қарамай, бой одоб юзасидан ичидагини сиртига чиқармайди, ҳатто, «Келинг, ота, тинчликми?» деб савол қотади. (Таъкид бизники.—Х. Д.)

Абдулла Қодирийнинг ўз қаҳрамонларига бундай муносабати, яъни инсонпарварлик концепцияси Ф. Достоевский қарашларига яқин туради. Орадан чамаси ўн

йил ўтар-ўтмас «Обид кетмон» яратилди. Хўш, Қодирий дастлабки икки романида китобхон муҳаббатини қозонган инсон концепциясини мазкур асарда сақлаб қолдимми, бойитдимми, кенгайтирдимми ёки?..

Берди татар ўн беш йил Шодмонбойнинг хизматини қилиб, яна ўн тўрт йил шаҳарда саргардон кезиб қишлоққа қайтади-да, Шодмон оқсоқолга рўпара келади.

— Мен... сизга икки оғиз арзим бор эди.

— Арзингни эртага айтсанг ҳам бўлар эди, болам, бунчалик бемаврид...

Бундай муомалани Зиё шоҳичи, Юсуфбек ҳожи, Отабек ўзларига эп кўрмас эдилар.

— «Ўзи икки оғиз гап» — дейди Берди.

— Хўп, хўп, гапир, болам.

«Хўп»нинг такрор айтилиши суҳбатдошга рўйхуш берилмаётганини, уни назар-писанд қилинмаётганини англатади. Нега бундай бўлди? Нега Қодирий ўз идеалидаги ўзбекона лутф одобини (Шодмонбекнинг шахсидан қатъи назар) бузаяпти? Чунки... Шодмонбой синфий душман, синфий душман бўлгани учун ҳам у муомала одобини билмаслиги керак! Мулла Обид, Берди татарнинг инсонийлик фазилати уларнинг колхозпарварлигида кўринса, Шодмонбой ва унинг ҳамтовоқлари салбийлиги колхоз тузумига қаршилигида ўз ифодасини топади. Тажрибали адиб буни асослашга уринади ҳам — Шодмонбой бир замонлар Бердини ўн беш йил ишлатиб «унга беш сўм бермаган ва беришни ҳам ўйлаб кўрмаган». Савол туғилади: мозийнинг энг кир, қора кунларидаги қулга бўлган инсоний лутфу карам қаерда қолди?.. Одамлар ўртасидаги муносабат одоби шу қадар ўзгардимми ёхуд шу қадар ўзгарди қилиб кўрсатиш Қодирийга зарур бўлиб қолдимми?..

Бу — «Обид кетмон» яратилган давр мафкураси учун зарур эди! Янаям аниқроғи, соф ўзбекона лутф жамиятдаги парокандалик таъсирида ғорат бўлаётган, адиб ана шу бузилишни тасвирлашга уринган эди. Бошқача айтганда, ёзувчининг концепцияси мафкура қурбонига айланиб қолган эди! Оқибатда романларида аёлни қадрлаш ғоясини чўққига кўтарган А. Қодирий колхоз режасини эртaroқ бажариш мақсадида аёлларни («Хотинларнинг чопиқ қилганини етти отадан бу ёққа эшитмаган эдик» дейди улар) ғўза чопиғига солган Мулла Обиднинг ташаббусини олқишлайди. Мулла Обиднинг ақл-фаросати хотин-қизларни ғўза чопиғига ҳайдаб чиқишнинг касофатини англаб етмайди. (Далада, офтоб ти-

ғида қатқалоқ юмшатаётган хотин-қизлар теңасида ғўдайиб турган Отабек ё Мирзо Анварини тасаввур қилиш мумкинми?!). Алалхусус, Мулла Обиднинг кўзи очилди — у Берди татар орқали Шўролар ҳукуматини танийди — «партияга ариза беради», пиравордида унинг етакчилигидаги хўжаликдан социализмнинг ҳиди кела бошлайди...

А. Қодирийдек буюк адибнинг ёзувчи сифатидаги ғўзал ва бетакрор истеъдоди ва инсон концепцияси унинг учинчи эпик асарида социалистик, яъни ўткинчи ғояни зўрма-зўраки образ тўқимасига сингдириш йўлида увол бўлди... Таассуфлар бўлсинким, мазкур «анъана» Ойбекнинг «Қутлуг қон»ида ҳам бўй кўрсатди.

Йўлчи Мирзакаримбойнинг ҳовлисига кириб келди. Мирзакаримбойдаги, унинг кеккайган кампиридаги димоғ-фироқ, ҳатто муаллиф изоҳлари ҳам бойнинг салбийлигини, камбағалнинг ижобийлигини кучайтиришга «сафарбар» этилган. Мирзакаримбойнинг пул фалсафаси ҳам, ер фалсафаси ҳам, ҳатто нонни жуда майда ушатгани ҳам қора бўёқни қуюқлаштиришга хизмат қилади. Мирзакаримбойдек доврўғи етти иқлимга таралган бойнинг аёлларга муносабати, унинг, «Хотин эрнинг қули: хотиннинг кўнглига, раъйига қараб иш қилган эркак одам эмас, жиян» дея сўқиган фалсафаси «Ўткан кунлар»даги аллақандай безори Ҳомидникидан деярли фарқланмайди («Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ. Хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи кифоя» дейди у).

Берди татар бойниқидан насибаси узилганини пайқаб кетишга чоғланади. Янги кийимларини «Меҳмонхонадан эмас, жувозхонанинг бурчагидан бир эски қопга тиқилган ҳолда топади». (Энгил-боши меҳмонхонадан топилса ғўё бой ижобийлашиб қоладигандек!) Йўлчи ҳам шу: у алла-паллага қадар меҳмон кутишга ёрдамлашади, ясоғлиқ патнуслар, лагандаги иси оч қоринни кемирадиган мантиларни, косаларда шўрвани ташийди-да... ўзи оч қолади. Нима, муболағами, бу? Муболаға бўлса, муаллифнинг қайси ниятларини бўрттиришга хизмат қиляпти? Наҳотки, мазкур майда деталлар ҳам бойни, бой хонадонининг салбий рангини қуюқлаштириш учун бўлса?! Бир уй меҳмон-излом кутилатаётган хонадонда ўзига бир коса овқат тополмаган Йўлчига китобхон ачиниши керакми ёки унинг ношудлигидан энсаси қотиши тўғрими?

Устоз Ойбек бу билан чекланмайди, оқ-қора бўёқ

ни янада қуюқлаштиради: «Йўлчи меҳмонлардан қолган (1) овқатдан еди-да, Ёрмат тоғиб берган (2) бир эски (3) кўрпачани қуруқ (4) ерга ёйиб, бошини бир бог ҳўл бедага (5) қўйиб уйқуга кетди...»

Бориб турган атайинлик эмасми бу?! Бир гапнинг ўзида Йўлчининг ночорлигини ифодаловчи беш муболағанинг қаторлаштириб келтиришдан мақсад ўқувчида Мирзакаримбойларга, Ҳакимбойваччаларга нисбатан газаб уйғотиш эди, холос. Бундай қилиш, ишонч билан айтиш лозимки, адиб—Ойбекнинг ижодий концепциясидан эмас, балки ғоявий, мафкуравий мажбуриятдан келиб чиққандир.

Соцреализмнинг этагини маҳкам тутган XX аср адабиётининг аксарият қисмида одамни мафкурасига, яъни айни кундаги ғоявий талабларига кўра ижобий ё салбийга ажратиш бош мақсадга айланди. Ҳаётнинг бор мураккаблиги, боқий ва ўзгармас қадриятлар нуқул социалистик жамият тарозисида ўлчанди, бунинг оқибатида ҳикоя, қиссалардан тортиб то қўлтиққа сиғмайдиган романларгача — бари-бариди бадий асарнинг жони бўлмиш конфликт инсондаги табиий феъл-атворга эмас, қаҳрамонларнинг қайси ғоя, қайси мафкура тарафдори, қайси касб ва лавозим эгаси эканига кўра белгиланди. Бир сўз билан айтганда, пешонасига инсон қалбининг тадқиқотчиси бўлиш қисмати битилган ёзувчилар ўзларининг буюк ва муқаддас бурчларидан чалғитилдилар.

Ижод эса... ижодкор билан муайян воқелик ўртасидаги психологик номувофиқликдан бошланади, бадий асар — ижодкорнинг ҳаёт кемтикларидан қониқмаслиги маҳсули, шуниси билан ижодкор зинҳор воқелик билан чиқишолмайди ва жамиятни, ўз халқини, инсониятни мудом олға ундайди.

ЭҲТИРОС ҲИССИЁТНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Ватанимиз мустақилликка эришиб, дориломон кунлар келгач, бир савол хаёлга келаверди: Шоирларимиз ўзлари учун шеър ёзганмиканлар? Ёзувчиларимиз ўзлари учун қат-қат қилиб қўйган ҳикоя, қисса, романлари йўқмикан?

«Ўзлари учун» деганда ҳар қандай ички ва ташқи тўсиқлардан устун бир ҳолда, буткул ижодий эҳтирослар тўлқинида яратилган асарни назарда тутяпман. Ўзлон қилинмаса-да, келгуси авлодлар баҳраманд бўлар деган эзгу ниятларда бирор-бир жиддий илмий ёки

бадий асар жавонга ташлаб қўйилмаган экан-да? Де-мак, яқин ўтмишдаги турғунлик даври матбуоти кўтара олган даражадагина «илҳом» билан ижод қилинган.

Илмий-тадқиқот ишлари йўқлигини бир қадар тушуниш мумкиндир, чунки табиатан мантиқ кишилари бўлмиш тадқиқотчилар ҳукмрон сиёсат қолипига сифмайдиган мақола ё монография яратишмаган. Улар одатда эълон қилинадиган эркинлик доирасидагина ижод қилганлар. Табиатан эҳтиросга мойил бўлган шоир-ёзувчилардаги ички ижодий қудратни эса аянчли йиллар шафқатсизлиги поймол этган, эҳтироснинг жиловланиши тўғридан-тўғри бадий ижод эркини бўлган. Инглиз адиби Ж. Оруэллнинг таъбири билан айтганда, ҳар қандай мустабид жамиятда бадий прозанинг ҳалокатга учраш ҳавфи ортмай иложи йўқ. Сиёсий мустақиллик эса ижодкор учун эҳтирос ҳурлиги муҳитини яратди, эҳтирос воқеликнинг киши шууридаги бирламчи инъикоси сифатида ўзининг азалий бурчини адо этишга киришди.

Дунёни, ўзимиз яшаб турган муҳитни бор мураккаблиги билан, жамики жумбоқлари билан ҳам ақлан, ҳам қалбан тўла-тўкис идрок этишга уриниш омма онгининг, жумладан, бадий ижод соҳибларининг фаоллашувига замин яратди. Одатда катта ижтимоий уйғониш жараёнлари шундай бошланади ва бу жараёнда бадий тафаккур равнақи катта аҳамият касб этади.

Ижодкор аҳли хилма-хил бўлади. Бири — ўзи яшаб турган реал воқеликдаги иллатларни «зуғум» остига олади, иккинчилари — жамият осмонида элас-элас эсаётган, ҳали ҳе-еч кимса тотиб кўрмаган ҳаётбахш шабадаларни биринчилардан бўлиб илғайди, учинчилари — юқоридаги ҳар икки тонфага хос хусусиятни ўзида мужассамлаштиради. Мужассам этадию, турфа шаклларда — гоҳ мусиқа, гоҳ шеър, гоҳ сурат, гоҳ... роман тарзида аён қилади. Ижодкорнинг қисмати шуки, у ўзининг башоратларини илмий ё реал ҳаётий мантиқ асосида исботлаб беролмайди, чунки у бадий реаллик дунёсида яшайди. Унинг бадий ҳақиқатлари эҳтиросдан, ҳиссиётдан, туйғуларига тинчлик бермаётган изтиробларидан дунёга келади. У ўз қалбида кўз очган ҳиссиётларини одамларга улашади, шу билан унинг асарлари умумхалқ ҳиссиётининг тарбиячисига айланади — халқ қониқиш ҳосил қилиб яшаётган ҳиссиётлар олаmidан кўра янгироқ, юсакроқ ҳиссиётлар ҳам мавжудлигини кўрсатади, бошқалар эса уларни бадий

иждо намуналаридан баҳраманд бўла олган тақдирдагина сезадилар, илғайдилар. Илғагани сайин эски ва даққи ҳиссиётлар, ҳаяжону ҳайратлардан озод бўла борадилар. Демак, руҳий озодлик ўз-ўзидан келмайди, у туйғулар, ҳиссиётлар, ҳаяжон ва ҳайратлар тарбияси орқали қўлга киритилади.

Фавқуллода истеъдод билан яратилган асарни тез илғаб олиш қийин кечади. Иждокор, масалан, ёзувчи атайин ҳазми оғир роман ёзмайди, унинг бадий тафаккури туқималаридаги ҳужайраларнинг ўзи шундай ишлайди ва шундай асар ёзади. Уни ўқиган китобхоннинг ақли бовар қилмайди, ҳатто ёзувчини телбага, хаёлнарастга чиқаради. Тўғри қилади.

Ахир, хаёл юксакликларида яшамайдиган ёзувчи ҳаёт ҳақиқатларига қаноат қилиб кун кечириб юрган одамнинг тафаккурига — туйғуларига қандай маънавий озуқа беради?

Ҳеч қандай!

Баъзан, «Ҳаётда қандай бўлса айнан ўхшатиб ёзиб-сиз!» дея қарсаквозлик қилишади, мақташади. Суриштириб келганда, чинакам иждокор учун бундай баҳо — камситиш. Ҳақиқий истеъдод соҳиби ҳаётга ўхшамайдиган қилиб ёзади, реал ҳаёт ҳақиқатлари нуқтаи назаридан қараганда ақл бовар қилмайдиган қилиб ёзади.

Устоз Иброҳим Ғафур, «Истеъдод — бу мумкин бўлмаганни мумкин қилиш» деб таърифни келтиргани шу боисдан ҳам тўғрики, аввало иждокор мумкин бўлмаган нарсанинг бадий шакл-шамойлини яратди, яъни мумкин қилди, энди уни реал ҳаётини мумкинга айлантириш учун эса ўша бадий ҳақиқатни илғай оладиган дид тарбияланмоғи зарур бўлади.

Ўтган асрда яшаган даниялик буюк психолог олим Кьеркегорнинг таърифича, шоир халқи ҳали ҳеч бир зот англаб-илғаб етмаган халқ дардини, уқубатларини йиғиб, уларни шеърга, қўшиққа айлантириб халқнинг ўзига ҳада этади. ШОИРЛИҚнинг туб моҳияти ҳам шу!

Шоирлик зуваласи қониқмаслик лойидан қорилган дейиш мумкин. Шу боис шоир ҳатто кўпчиликнинг назарида роҳат-фароғат маскани бўлган ҳудуд ё жамиятда ҳам бошқалар англаб етмаган ҳурлик учқунларини пайқайди. Унинг қониқмаслиги эл-юртни, оммани, қолаверса, инсониятни янада яхшироқ, янада эркинроқ яшашига ундовчи қониқмасликка айланади. Шоирлиқнинг «жисмоний» куч-қудрати заиф ва мурғак эканига қарамай, у шаклланган, чуқур томир отган қадриятлар, анъ-

аналар томирини суғуриб ташлашга жазм этади. Ва шу тариқа у жисман мағлуб бўлса-да, маънан ўлмайди.

Туб бурилиш давларида ҳам жамиятда кечаётган катта-кичик жараёнларни шоир нигоҳи буткул ўзгача кўради. Бошқалар ана шу ўзгачалик замиридаги тоза ниятни, тоза нигоҳни англаб етмайдилар. Англаб етган тақдирларнда ҳам шоир «ўйлаб» топган орзу-ниятлар эндигина анъана тусини олаётган, қадриятга айланаётган тушунчалар «оёғига» урилган болта сифатида баҳоланади. Натижада бошқалар шоирнинг норозилигини қабул қилолмайди, шоир эса шоирлигидан воз кечолмайди.

ОТАБЕК ШУУРИНИНГ ОНИЙ СУРАТИ

Ниҳоят, Отабекни Тошкентдан уйлантириш тарадудди қутидорнинг оила аъзоларига маълум бўлди. «Қутидор тарафидан эртага Тошкентга жўнаш эълони берилди. Иккисининг ҳамма вақтлари **шам ёнида** сўзлашиб кечди...» (Мақоладаги таъкид ва қавсли изоҳлар бизники — Х. Д.)

Ёруғлик ва нур манбаи бўлган шам бу ўрнида хонани ёритибгина қолмай, айни вақтда икки севишган кўнгилни рамзий маънода туташтириб турибди. Суҳбат шу қадар дилкаш, мусаффо туйғуларга йўғрилганки, Отабек ва Кумуш қалблари бамисоли шам тимсолида бирлашиб хонага нур таратаётгандек тасаввур уйғотади.

Умуман, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»да эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат тушунчаларини, яхшилик ва ёмонлик аломатларини бир тасвир оқимида, контраст келтириб вазият ва ҳолат шиддатини оширишга эришадди. Айни вақтда бир-бирига зид тушунчаларни, яъни ҳис-туйғулар зиддиятини ифодаловчи бундай сўз ва ибораларнинг ҳар бир қўлланиши бутун роман воқеаси, қаҳрамонлар характери мантиқидан келиб чиқади.

Асарнинг иккинчи қисм, ўн иккинчи фаслини эсланг: Отабек шаҳарни айланиб келиш мақсадида уста Олимникидан кўчага чиқади. Шунда у Содиққа дуч келади. «Содиқ илтифотсизгина унга қараб олгач, шоша-пиша ўнгдаги **тор кўчага** юриб кетди. Аммо Отабек **тўғрига**, **катта кўчага** қараб юрди».

Тор кўча ва тўғрига, катта кўчага иборалари Содиқ билан Отабек мақсадларига, уларнинг истиқболига ишора бўляпти.

Тасвир давом этиб, қаҳрамон руҳий олами янада чуқурроқ очилади: «Ҳаво булут эди»—яъни, қандай кор-ҳол юз бериши номаълум. Аммо умид ҳам йўқ эмас: «Оқ булутлар бўлганлиқдан қуёшнинг нури унча кесилмаган, қуёш тўр рўмол ичида ўлтурган келинлар каби ер юзига сузилиб қарар эди». Булут — оқ, қуёш нури — кесилмаган, тўр рўмол ичида ўтирган келинга ўхшаш қуёш эса «Сиз ўшами?» деб бошини эгиб турган Кумушни эслатади...

Тасвир ниҳояси энди келади: ҳамон вазият мубҳам, бинобарин, «енгилгина бир изғириқ ҳам юзга келиб тўқунар», у «кишига унча роҳатсизлик бермаса-да» (яна яхшилик аломати), лекин «қаердадир доғ қилинмоқда бўлган зиғир мойининг аччиқ исини димоғқа келтуриб урушидан кишида бир беҳузурлик ҳосил бўлар эди».

Отабек уста Олимнинг уйидан чиқиб катта кўчага етгунига қадар унинг аҳвол-руҳиясида ана шундай бир-бирини инкор этувчи зид фикрлар айқаш-уйқаш эди, ёзувчи мазкур ифодани гўё изоҳлаб, унга аниқлик киритгандек, қуйидагича тугаллайди: «Отабек йўлнинг айрилишига бориб тўхтаган эди. Юзидан иккиланиш ҳолати сезилар эди».

Кумуш «талоқ» хатини олган, қутидорникига совчилар турнақатор бўлган кунлар. Борлиқ худди Кумуш кўнглидагига ўхшаш «куз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши» оғушида. Бутун умидлари чипакка чиққан Кумушнинг ҳолатини тасвирлашга тил ожиз. Шу ўрнида табиат манзарасини мақсадга йўналтириб тасвирлаш маҳорати ёзувчи «оғири»ни енгиллаштирди: «Япроқларини тўкилишдан сақлаб қолган гилос ёғочлари ҳам бу кун тунги қора совуққа чидалмай, елнинг озғина ҳаракати билан-да барглар»ни (сўнгги умидларни) ширт-ширт узиб ташламоқда эдилар». Аммо умид учқунлари ҳали сўнмаган — «Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилган», бироқ яна умидсизлик кўнгил тубидаги чўғни босиб ўчиришга урниди — «аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги қора совуқ қуёш кучинида кескан эди».

Тасвир объекти табиатдан қаҳрамон портретига кўчади, лекин услуб сақланади: Кумушбинининг «Бурунги тўлалиғи кетиб, озғинланган» (забунлик аломатини), шунга қарамай «бу озғинлик унинг ҳуснига камчилик бермай, белъакс юқорилаётганлар. Қамон қошлари ортиқ мавж уриб... шаҳло кўзлар... тагин ҳам нурлилик касб эткан...» Тўғри, «шаҳло кўзлар бурунғидек ўйнаб

турмас ва сунг чекдаги бир оғирлик билан ҳаракатлар-
нар», аммо «оғирлик-да унга бир олийлик, улуғворлик
бағишлағандек».

Маъно жиҳатидан бир-бирига зид бўлган сифатлар-
нинг инкорни инкор тарзида келиши қаҳрамоннинг
ташқи белгиларидаги хабар бериши билан айна вақтда
унинг оғир руҳий ҳолатини ҳам кўз олдингизда яққол
гавдалантиради.

Маълумки, роман воқеалари давомида Отабек икки
марта дор остидан қайтиши, уч киши билан танҳо пи-
чоқлашишидан ташқари неча ўн марталаб чорасиз ва-
зиятга тушади. Ана шундай руҳий азоблар, изтиробли
ҳолатлардаги Отабекнинг ўй-хаёли тасвирланган ўрин-
ларда адиб маҳоратининг алоҳида бир ёрқин қирраси
намоён бўлади. Ёзувчининг ўз сўзлари билан айтганда,
«Киши изтиробга тушган кезларда тилаб эмас, ихти-
ёрсиз, баъзи бир йўсинсиз ишларга уринадилар».

Хўш, қаҳрамоннинг ана шундай ихтиёрсиз, йўсинсиз
ишларга тутинган изтиробли кезларини тасвирлашда
ижодкор қандай ифода воситасидан фойдаланган?

«Қаҳрамоннинг ички оламига етакловчи нутқ унинг
энг шахсий, кўпроқ ҳали шаклланиб етмаган онги (под-
сознание)га яқин бўлган ўта интим туйғуларини (баён
этади». Ўтган асрда яшаган француз ёзувчиси Э. Дю-
жарден қайд этган бундай тасвир услубини Отабек
образи талқинида, айтиқса, унинг оғир руҳий изтироб
исканжасига тушган дамларидаги тасвирида яққол
кўрамиз. Бу жиҳатдан романинг «Жонсўз бир хабар
ва қўрқунч бир кеч» фаслида зимистонга айланган
Отабек дарди-дунёсининг мазор манзараси тасвири
орқали кўрсатилишини нафақат мазкур асар, балки
Абдулла Қодирий ёзувчилик салоҳиятининг энг юксак,
гузал саҳифаларидан дейиш мумкин!

Отабек қайнотаси томонидан қувилганидан сунг
Марғилонга бесамар қатнашининг еттинчи қайтаси эди.
У қутидорнинг эшигига яна бош уриб боришга аҳдла-
нади. Фавқулодда бир шиддат билан «бевосита ўзи
(Кумуш) билан англашайми, деб жасоратланади». Шу
пайт қутидорнинг дарвозасидан икки киши чиқади.
Отабек «бир гап эшитмак ҳаваси»да чиқувчилар ор-
тидан тушади. Шунда у Кумушнинг эрга берилаётгани
ҳатто тўй куни белгиланганидан хабар топади.

«Жонсўз бу хабарни эшиткан Отабекнинг ҳуши бо-
шидан учкан каби бўлди-да, адим узган жойида мнх-
лангандек қотиб қолди. Гўё устидан бир челақ қайна-

ған сувни ағдарған эдилар-да, бутун териси оёғига сидирилиб тушкан эди...»

Отабек эсанкирайди, ҳушсизланади, кўчаларда телбаларча югуради ва тасвир адиб кўп ўринларда қўллаган «тасвирга ҳам қалам кучи ожиздир...» ибораси билан ниҳояланади. Йўқ, ниҳояланмайди, балки ёзувча ўқувчига бир нафас дам бериб, сўнгра уни «Хўжа Маъоз» мазорининг «фавқулодда зўрайиб кетган» чакалагига бошлаб киради. Қоронғуликка бир манба бўлган мазор чакалагини Марғилон кўчаларида телбаларча югураётган Отабек шуурининг оний манзараси деб тасаввур қилинг-а! Ўша лаҳзада Отабекнинг онгида кучли бир ел турди, «сочлари ўсиб соқолига қўшилиб кеткан бир девона» тимсолидаги ёвуз кучлар Отабек шуурини худди гулхандек кавлаб тўзитиб юбордилар; «битта-яримта тўкилмай қолган япроқлар» — Отабекнинг сўнгги умидлари узила бошлайди; «ел кучайгандан кучайиб борар» — ғаразғўйлар таҳдиди авжига минди; Отабекнинг метин бардоши устма-уст босиб келган ел бўкиригига дош беролмаслик хавфи туғилди — «шоҳшаббалар қарс-қурс синар»ди; наҳотки, Отабекнинг мустаҳкам иродаси ҳам — «кекса ёғочлар ғийқ-ғийқ этиб ёлбориш товши чиқаргандек» заифлашаёзди; йўқ, Қодирийнинг суюкли Отабеги унча-бунчага букилмайди, башарти, манфур кучлар «чинор» — Отабекни йиқитгудек бўлса-да, у «девонанинг гулханини тўнка-пўнкаси билан кўтариб чакалакнинг ичига отган»дек, ёвуз кучларни парчалаб ташлайди!

Замон қарға-зоғлари тинчланса — «кўкни ўраб олган» қора булутлар ҳам «тўс-тўска бўлинади», ана шунда «Ой (яъни, Кумуш) ҳам қора парда ичидан ярим юзини очади», ҳозирча «ой парчаланган қора булутлар билан бекинмачоқ ўйнаган каби» — Кумушнинг тақдири чиркин ниятли кишилар қўлида ўйинчоқ қилиняпти: ҳали Ҳомид, ҳали Содиқ тоифасидагилар «чинор шоҳлари тасбиҳ каби чизилган» бойқушлар билан тўлгон. Улар «ой булутлар остига кирса» роҳатдан чиг-чиглаб сайрайдилар: Кумушнинг бу ҳолга тушиши Отабекни тасвирга тил ожиз бир кўйга солади — «бойқушлар сайроғи ичидан инграниш каби бир товуш ҳам эшитилгандек бўладир»...

Абдулла Қодирий Отабек шуурининг ҳаракатдаги оний лаҳзаси (фото-лаҳзасини)ни ниҳоятда ноёб маҳорат билан суратга туширганки, биз тавсифини беришга уринган мазкур саҳифа Отабек психологияси тасвири,

қолаверса, романнинг йўналиши ушбу лаҳзада ажойиб тимсоллар воситасида катта тугун ҳосил қилади, ундан кейинги воқеа-ҳодисалар эса мазкур бош тугуннинг ечими сифатида аста-секин ҳал бўла боради.

Таниқли литва адабиётшуноси А. Бучис ички монолог бўртиб турган асарлар ҳақида тўхталиб, «муаллиф ўқувчини қаҳрамон ички дунёси гирдобларига тортиб киритади-да,—деб ёзади,—уни ўз ҳолига ташлаб қўяди ва унга ҳеч нарсани изоҳлаб бермайди, шунда қаҳрамон руҳияти жинкучаларида йўл топа олиш китобхоннинг ҳаётини ва эстетик ҳозирлигига, ўқувига боғлиқ бўлади».

Назаримда, «Хўжа Маъоз» қабристони тасвирида Абдулла Қодирий айни шу услубни қўллаган. Иброҳим ака Ғафуров «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари ҳақида сўз юрита туриб, «Бу икки романи мен ўзбек адабиёти тарихидаги бокира романлар деб атагим келади,—деб ёзадилар.—Чунки уларга ҳали шу йилларда жаҳон адабиётида кучли мавқега эга бўлиб қолган экспрессионизм ёки модернизмнинг минг исни қориштириб бир ис яратган шабадалари ўз таъсирини кўрсатиб улгурмаган эди. Ҳолбуки, бул романлардан салгина кейинроқ яратилган «Обид кетмон» ва «Кеча ва кундуз»да ички монолог, ички психологик таҳлил, шахснинг ички иккиланиши, сюжетнинг «исталган» ерда тугаши, кутилмаган янги воқеа чизиқлари куртаклаши каби экспрессион ҳолатларнинг бошланғич зуҳуротларини кузатамиз». Назаримда, бу фикрга қўшилиш қийин. В. Катаев Лев Толстой ижодида импрессионизм, модернизм, постимпрессионизм унсурларини топганидек («Серқиефа қария» мақоласида), Абдулла Қодирий ижоди ҳатто ҳозирги замон «янги роман»чилигига ҳос энг янги тасвир услубларидан холи эмаслигини кўра-миз. Биргина «Хўжа Маъоз» қабристони тасвирининг ўзи фикримизга яққол далил бўла олади.

Шу ўринда адибнинг яна бир маҳорат белгиси хусусида тўхталиш жоиз.

Романдаги «Қовоқ девонанинг белбоғи» фасли фақат Отабекнинг иккинчи уйланишидан хабар беришгагина хизмат қилади, холос. Дарҳақиқат, Отабек билан Қумушга, уларнинг илоҳий муҳаббатларига чексиз меҳр қўйган ва бу меҳр-муҳаббатни китобхонга ҳам юқтира олган нозиктаъб адиб Отабекнинг кейинги уйланиш воқеасини батафсил ёзишга «тили бормаслиги» аён эди. Муаллиф воқеани ҳатто бирор жиддий персонаж тили-

дан беришни ҳам лойиқ кўрмайди ва «Қовоқ девона» батидан усталлик билан фойдаланади.

Агар бу ўринда муаллиф ўз мақсадини алоҳида номланган фасл орқали ҳал қилса (айни вақтда китобхонни зийракликка тайёрласа), Отабек шуурининг оний лаҳзаси тасвирини ҳеч қандай шарҳ-изоҳсиз, сарлавҳа билан ажратмаган ҳолда келтирадики, энди у ўқувчининг зийраклигига, ўзи кўзлаган мақсадни китобхон илғай олишига ишонади. 20—30-йиллар китобхони, эҳтимол, романдаги бунақанги мураккабликни илғай олмаган бўлиши мумкин. Бироқ «Ўткан кунлар»нинг бадиий асар сифатида умрини узайтирган, унинг ҳозирги мухлислар назарида ҳам қадр-қиммат топганлигининг бош омилларидан бири — унда китобхонни ўйлашга, мушоҳадага ундовчи санъаткорона бадиий тасвир воситаларининг мавжудлигидир.

НАЖОТ МУҲАББАТДАМИ Ё... НАФРАТДА?

Улкан истеъдод соҳиблари — япон Акутагава Рюноске (1892—1927) ва ўзбек Ғафур Ғулом қаламига мансуб икки ҳикоя ўқувчини айти шу хусусда ўй-мулоҳазаларга ундайди.

Умр — синов. Синов кўчалари нотекис. Ноаён. Улар одамни гоҳ фароғат боғларининг нашъу намосига тўйдиради, гоҳ уқубат саҳросида сарсону саргардон қилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам инсоннинг сабри, нафси, тоқати имтиҳондан ўтади.

Жонзот борки, яхшироқ ва осонроқ яшаш илинжида нафас олади. Ҳайвоннинг ҳайвонлиги ниманинг эвазига нафсини қондираётганини ўйламаслиги, бу ҳақда мулоҳаза юрита олмаслиги билан белгиланади. Йиртқичлик ақидаси — на туғишганини билиш, на қавмнинг, на ўзганинг ҳақининг фарқига бориш, зеро, ўлжа олинса, гажилса бас!

Бундай майл моҳиятан инсон учун ҳам бегона эмас. У ҳам тирик жон. У ҳам ўзи, оиласи тўқроқ, фаровонроқ яшашини кўзлаб тиним билмайди. Ўзини ўтга, чуққча уради. Ҳаловот илинжида ҳаловотидан кечади. Фақат у ана шу фароғатини, ҳаловоту маъмурчиликни нималарнинг, кимларнинг эвазига топаётганига кўра ҳайвондан ва ҳатто бошқа одамлардан ажралиб туради.

«Ҳалол» ва «ҳаром» тушунчаси айти шу майллар асосида шаклланган бўлса, ажаб эмас.

Жон сақлаш майли — инстинкти ихтиёрдан ташқаридаги табиий ҳодиса. Жон сақлашга уриниш — ҳалол. Бироқ, жонни ҳар нарсадан воз кечиш эвазига сақлаш ҳалолми ёки ҳаромми? Ҳалолни ҳаром билан асраш ҳалолми?..

Ҳаётда учрайдиган жуда кўп катта-кичик номаъқуличликлар муҳтожлик важдан хаспушланади. Энг тубан жиноятга қўл урган кимсалар ҳам ўзларини оқловчи далиллар, важлар топадилар. Аслида эса...

Қадимий Киото шаҳрининг кўҳна Расёмон дарвозаси бир маромда ёгаётган ёмғир остида шумшайиб турибди. Бошдан-оёқ шилта-шалаббоси чиққан хизматкор йигит совуқдан жунжикиб, дарвоза минорасидан паноҳ топиш илинжида қунишиб, дийдираб ўтирибди.

Яқин-яқингача Расёмон дарвозаси шаҳарнинг энг гавжум қадамжоларидан эди. Шаҳар худонинг ғазабига учради: дам зилзила, дам бўрон кентни вайрон қилди, устма-уст ўт тушди. Қаҳатчилик авжига минди. Юртга қирон келди. Турмуш издан чиқди.

Буларнинг бари одамлар руҳиятига таъсир кўрсатди. Жумладан, муқаддас тушунчалар завол топди. Эзгу туйғулар дардисар бўлди. Виждон, диёнат топталди. Оғир кунларда жон сақлаб қолиш бош маслакка айланди. Одамлар фақат жон сақлаш ташвишига андармон бўлган чоғда Расёмоннинг муқаддаслигидан асар қолмади — муътабар қадамжо ташландиқ масканга айланди.

...Хизматкор йигит ўрнидан қўзғалди, зинадан бир-бир босиб юқорига кўтарилди. Дарвоза ортидаги майдонча усти очиқ яланг лаҳадга айланган: кўча-кўйда ўлган-нетганлар, дафн этишга қурби етмаган онлаларда бандаликни бажо келтирганлар жасадини шу очиқ мозорга келтириб ташлаш одат тусига кирди. Тунда тулки ва бўрсиклар изғишининг, кундуз қарға-қўзғунлар айланишининг боиси шу.

Бу зимистон, бу совуқ, бу очлик-муҳтожлик Хизматкор йигитнинг иродасини синдириб, уни тинимсиз бир кўчага ундамоқда. Хизматкор эса зўр бериб оёғини тираб туриб олди: жон сақлашнинг яккаю ягона чораси ўғрилиқ кўчасига йўлаш эмас, йўқ, йўқ, йўқ! Упдан кўра очликдан, совуқдан шу ерда жон таслим қилгани афзал. Жон таслим қилгунича очликка, совуққа чидайди, сўнг жасадини мурдалар айқаш-уйқаш бўлиб ётган манави майдончага туртиб юборадилар...

Хизматкор йигит аҳдидан қайтмаслик қасдида чўн-

қайиб ўтираверди ва туйқус... мурдалар орасида аллақандай қора қўлага тимирскиланаётганига назари тушди. Назари тушдию хаёлига тиргалган машъум ўйнинг даҳшатидан азбаройи ирғиб турди. Дикқат билан тикилди. Кўзлари алдамаётган эди уни: «Кампир машъала таёғини ерга суқиб қўйди-да, қўлларини мурданинг бошига узатди ва худди боласининг битини боқаётган она маймунга ўхшаб, узун-узун соч толаларини битта-лаб юлқишга киришди.

Кампир соч толасини юлгани сайин Хизматкорнинг вужудини қоплаган қўрқув тарқалаверди. Шунинг баробарида унда кампирга нисбатан шафқатсиз нафрат туғила бошлади».

Хизматкор йигит ҳозиргина миясига тирғалаётган «Жон сақлашнинг бирдан-бир чораси ўғирлик» деган ўйдан зўр-базўр халос бўлган, шундай хаёлга боргани учуноқ ўзидан нафратланган эди. Ботинидаги нафратга лойиқ майлни енгган жойида энди зоҳирда — кўз ўнгида кечаётган манзара уни яна нафрат алангасига илқитмоқда. Зеро, у «Тўхта! Нима қиляпсан?!» деб ҳайқирганича кампирнинг устига ташланди. Ўзини йўқотиб қўйган кампир саросимада оёғи остида айқаш-уйқашётган жасадларга қоқила-суқила қоча бошлади. Хизматкор кампирнинг йўлини тўсди ва у билан олиша кетди. Зум ўтмай масала бирёқлик бўлди: Хизматкор йигит кампирнинг қўлини орқасига қайириб тепасидан босиб тушди.

Одамлар орасидаги муносабат нафрат измига тушган тақдирда бундайни жирканч манзара оддий ҳолга айланади. Бироқ... Хизматкордаги баттол нафрат кампирдаги ёвузликдан ўт олди. Бинобарин, у айбни ўзидан эмас, кампирдан, кенгроқ олинса, ҳолатдан изламоқда. Ўз навбатида кампирнинг ҳам даъвоси «етарли»: у ўзининг гуноҳга ботаётганини тан олмаяпти, чунки шундай қилмаса, очидан...

Очлик ва муҳтожликнинг миллати йўқ. Йўқчилик важдан талончилик, қаллоблик, босқинчилик, қотилликка қўл уриб, нажот излашдан енгилроқ чора топилмас. Бироқ...

Саксондан ошган носкаш Қора буви тўрт етимчани бағрига олиб кир шолча устида ётибди. Уйқу қаёқда! «Тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шапиғ» бир замонда кўзга уйқу келармиди! Олти ой ўтибдики, кампир мижжа қоқмайди. Тўрт етимнинг эртасини ўйлаб ўйига етолмайди.

Қампир не хаёл уммонидаю, том оша уйга ўғри оралабди!

Замоннинг қаттиқлиги кампирнинг кўнглида нафрат уйғотиб улгурмаган, кампир — сабр одами, унинг кучи хаёл суришга етади, холос. Хаёлдан илинж излайди, яъни у: «Шу етимларнинг ҳам пешонасига ёзгани бордир», дея тасалли топади. Тасалли ва таскин билан яшайди. Таскин, тасалли ва умид нажот истовчи кўнгил қатидаги инсонийлик чўғини сўндирмайди, балки нафратни чекинтиради. Бундай ҳолатдаги одам нафратнинг измига тушмайди. Акс ҳолда у томда қораси кўринган ўғрига нисбатан ҳам нафрат пуркаши жуда-жуда табиий эди. Бинобарин, кампирнинг биринчи сўзидаёқ нафрат эмас, муҳаббат устунлик қилади. «Вой до-од, мусулмонлар! Уйимга ўғри тушди!» дея жар солмайди, лоақал: «Ўғри, ҳой ўғри», демайди кампир, балки: «Ўғригина болам, ҳой ўғригина болам» деб оғзидан бол томади.

Ўғригина бола «Расёмон дарвозаси»даги Хизматкор йигит сингари чуқур мулоҳазаларга бормайди. Тирикчилик илинжида тунда овга чиқади, холос. Унда ҳам замоннинг қаттиқлигига нисбатан нафрат, исён кўз очган эмас. Яъни у ҳолатни, даврни қора курсига ўтқазиб, унинг устидан нафратомуз ҳукм ўқимайди, балки шундай қаттиқ замонда чора излайди. Айбни Қора бувида деб билмайди. Шу бонс у нафрат измига тушмаган: нафратдан йироқ икки инсон тўқнашувни том маънодаги (ёхуд япон адиби яратган бадний ҳақиқатда бўлгани каби) аёвсиз тўқнашувга, олишувга айланмайди.

Фафур Фулом — кулгили ҳолатларни бўрттириб тасвирлаш устаси. Шу маънода унинг сўз юритилаётган ҳикояси бенхтиёр машҳур америка ёзувчиси О'Генрининг «Туташ қалблар» ҳикояси сюжетини ёдга солади. Америка адабидининг ҳикояси тасодиф асосига қўрилган, яъни бод касаллигидан азоб чекаётган ўғри бостириб кирган хонадон соҳиби ҳам айни шу хасталик билан оғриб ётган бўлади. Ўхшаш хасталик азоби уларни бирлаштиради. Ҳикоя вазиятнинг, ҳолатнинг фавқулодда кулгилилиги асосига қўрилган. «Менинг ўғригина болам»да эса беғараз кинолар, енгил табассум уйғотувчи деталлар тасвирнинг моҳиятини эмас, контраст сифатида иккинчи қатламни ташкил этади. Мазкур услуб турмуш машаққати қисувга олган икки инсон ўртасидаги улуғ инсоний муносабатни жиддий кўламда

улуглашга монелик кўрсатмаган. Чунончи, ўғригина бола «устигаги тўнини турмучлаб бўғотининг устига ёстиқ қилиб қўйиб» ёнбошлаши бир оз кулгили туюлса-да, икки ўртада самимий дардлашув кечади.

Ҳасрат одамларни бирлаштиради, ҳасратлашиш чоғида дардлашувчи қалблар ҳар қачонгидан яқинлашади. Ҳасратлашиш — моҳиятан сокин жараён.

Бундай ҳолатдаги одамлар орасида фавқулодда шиддатли тўқнашувлар юз бермаслиги муқаррар. Демак, «Менинг ўғригина болам»да ўқувчи диққатини жалб этгулик ўткир зоҳирий зиддият йўқ. Ўғригина бола билан Қора кампирнинг фаоллиги, чорасизликдан топган чораси соф ўзбекона ёнбошлаб ҳасратлашиш доирасидан чиқмайди. «Расёмон дарвозаси»да эса мурда бор, қон бор, талончилик ва юзма-юз олишув бор. Муносабатга кескинлик бағишлаётган ва исталган дақиқада воқеалар ривожини кутилмаган йўналишга буриб юборгудек нафрат бор. Ҳикоянинг жаҳон халқлари орасида кенг оммалашгани сабабларидан бири шудир, эҳтимол.

Бундай десак, япон ҳикоясидаги Хизматкор йигит ўзбек «касбдоши»дан мулоҳаза юритиши, нияти ва амали билан ҳам ажралиб туради: у масалани ғоятда кўндаланг қўяди ва ўғрилиқ орқали нажот топишдан кўра очликдан ўлиш афзал, деган қатъий қарорга келади.

Ўғригина боланинг мулоҳазаларида бундай қатъийлик, ёвузлик, ўзига нисбатан шафқатсизлик, адолат йўлини туттишдаги собитлик етишмайди. Хизматкор йигит шу вақтга қадар ёвузликка қўл уришни ният қилмаган, ҳатто очидан ўлишга ҳозирлик кўриб қўйган ҳам эди, бироқ кутилмаган вазият (Кампирдаги ёвузлик унга кўчди) уни босқинчилик қилишга мажбур этди: қинғирлик нонини тотиб улгурган ўғригина бола эса Қора кампир билан ҳасратона суҳбат асносидагина одатини, ниятини тарк этади (яъни, кампирдан унга ҳамдардлик, меҳр-шафқат юқди). Бошқача айтганда, нафратдан нафрат, муҳаббатдан муҳаббат туғилади.

Қора кампирнинг меҳр-шафқатга тўла суҳбатини эшитгани сайин ўғригина бола бурунги қилмишларидан покланиш ҳаракатига тушади — икки боласи борлигидан, хотини ва кампир онаси унинг қўлига қарамлигидан зорланади. Бу билан кўнгли тўлмайди. «Менга ҳозир шу қилиб турган ўғрилиқ касби ёқади дейсизми?» деган сўзларидан тавбанинг саси келади. Қизиқ жойи

шундаки, ўғригина боланинг аҳволини тушуниб ётган Қора кампир негадир уни қораламайди. «Ахир, ноиложликдан-ку шу ҳаром йўлга қадам босибсан», дейди у. Йигит ёнбошлаб ётган кўйи ҳаромни эътироф этади. («Расёмон дарвозаси»да бунинг сингари эътирофлар драматик ҳолатларда, ботиний ва зоҳирий зиддиятлар динамикасида тасвирланган.) Буниси етмагандай, кампирнинг кейинги маслаҳати, йўриги образ моҳиятидаги мантиққа мос тушмайди. «Ўзига тўқроқ, бадавлатроқ одамларникига борсанг бўлмайдими?» дейди у ва қайси хонадонларни мўлжалга олиш мумкинлигига айтилади: «Мана шу маҳаллада Каримқори читфуруш бор. Одилхўжабой деган пудратчи бор. Матёқуб деган кўнчи бор. Буларнинг давлати-ку мил-мил, бешикдаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдими?»

Бу сўзлар Қора кампир образида мужассам топган инсонпарварликни бирмунча заифлаштириб юборган. Ахир, не боисдан Қора кампир бадавлат қўшнилари-нинг мол-мулки мил-мил эканига тоқат қилолмаяпти? Ўғригина боласини уларга гиж-гижлаяпти?..

Бундай муносабат асримиз бошидаги содда-баёв кампирнинг чекланган ақидасида учраса учрагандир, илло мазкур фалсафа 60-йилларнинг ўрталаридаги (ҳикоя 1965 йилда яратилгани назарда тутилмоқда) синфий-сиёсий мафкура измига тушган адибимизнинг бадий тафаккурида беҳад бўрттирилгани сезилади. Бироқ бадий ижод ҳақиқати шу қадар муросасизки, у ҳатто ижодкорнинг ўзига ҳам бўйсунмайди: бу ўринда сал ўтмай Қора кампир образи ўзини муаллифнинг мафкуравий нуқтаи назаридан «ҳимоя» қилишга уринади, бинобарин, у, «Аммо-лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдидан тагин бадном бўлиб қолмагин», дея ўзбек онахонига хос равишда ўғригина боласини қинғирликдан қайтаради.

Ўзбек учун бадном бўлишдан оғирроқ тавқилаънат йўқ. «Расёмон дарвозаси»даги Хизматкор йигит билан маймунбашара кампирни нафрат қуюшқондан чиқарган бўлса, «Менинг ўғригина болам»да Қора кампир билан ўғригина болани бадном бўлиш хавфи қуюшқонга қайтаради, залолатдан қутқаради. Кўп ўғрилиқлар қилиб бети қотган, чунончи, Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товуқ, битта хўроз ўмарган, Раҳмонхўжа элликбоши билан тил бириктириб жиноятни ёпди-ёпди қилган (ҳозирги ибора билан айтганда, уюшган жиноятга

қўл урган) ўғригина бола Қора кампирнинг меҳрибонлиги туфайли, «Жуда юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан», дея тавбага ўтади. Хизматкор йигитни эса, бу жиҳатдан ўтмиши нақадар тоза бўлмасин, бояги тўқнашувда кампирга писбатан туғилган нафрат ёвузликка — кампирнинг эғнидаги кимонони ечиб олишга ундайди: «Энди у мутлақо иккиланмади, очдан ўлиш афзалми ёки ўғрилиikka қўл уришми, деб ўйлаб ҳам ўтирмади».

Бир сўз билан айтганда, «Расёмон дарвозаси»да муҳтожлик инсон табиатидаги ёвуз майлни қўзғатиб юбориши, «Менинг ўғригина болам»да эса энг қаттол уқубатлар остида ҳам инсон ўзлигини асраб қолишни мумкинлиги тасвирланган. Япон ҳикоясида шаронт инсонни мувозанатдан чиқаради, ўзбек ҳикоясида эса аynи шундай ҳолат инсонни янада инсонийроқ бўлишга даъват этади.

«Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади», деб тасалли беради ўғригина бола кампирга.

— Хайр, ўғригина болам, келиб тур.

— Хўп, она, хўп...

Зим-зиё тунда бўлиб ўтган бу суҳбат гир атрофи иморат билан ўралган файзсиз ҳовлини чарақлатиб юборади. Ҳовлигагина эмас, икки муҳтож ва фақир кўнгилга чироқ бўлиб киради. Сўнгги диалог покланиш умидидаги таъсирчан қалбларни ларзага солади. Ушбу икки оғиз сўзда ўзбекнинг, қолаверса, Ғафур Ғуломдек улкан сўз санъаткорининг буюк инсонпарварлиги қуёш янглиғ нур сочиб турибди. Бу нурдан баҳра олиш истидагиларни мушфиқ Қора кампир мудом суҳбатга чорламоқда:

— Хайр, ўғригина болам, келиб тур...

ОҚИМГА ҚАРШИ ОҚҚАН... ГУЛ

Япон Акутагава Рюноскэнинг «Бисейнинг садоқати» новелласини ўқиганда ўзбек Ойбекнинг дилбар рубобий шеърларини дил қўмсайди. Назокат, муҳаббат, садоқат ва ҳижрон изтиробларини куйлаган бу икки буюк ижодкор асарлари завқида туғилган кечинмаларни беихтиёр қоғозга тушира бошлаганингни ҳам сезмай қоласан...

Кўпдан буён оқмай қўйган сувни соғинган дарё ўзани айрилиқ азобига дош беролмай тарс-тарс ёрилган.

Унинг тилка-пора бағрини бутлаш чораси битта, у ҳам бўлса шарқироқ сув қучоғини тўлдириб оқса, ўзи энди сувга қўшилиб узоқ-узоқларга бош олиб кетса...

Ўзан ўртасида миқти гавдасини гоз тутиб кўприк томондан кўз узмай турган Йигитнинг ҳам бағри сувсиз ўзандай ҳувиллаган, сувсиз ўзандай қақраган. Дарё ўзани жонига ором бағишлайдиган сувни кутгани каби Йигит маъшуқасининг йўлига интизор.

Ўзан ҳам, Йигит ҳам умидга умид боғлаган. Умид кутишга ундайди...

Оқшом чўкишига хийла фурсат бор. Кўнгилга шуъла сочаётган умид учқунин ҳадемай оқшом қоронғуси оғушида қолиб кетади, лекин тоғ ёнбағрини қоплаган қуюқ ўрмон қора бахмал ёпингига қадар Қиз келади, у оппоқ фаришта янглиғ ўрмон бағридан сирғалиб чиқиб келади, бир-бир қадам босиб кўприкка етади, қақроқ ўзанда тек қотган умидвор вужудни кўриб қувончдан хандон отади.

Кимсасиз дарё ўзанида интизор турган Йигитнинг қулоғига ўрмон ёқдан маъюс чолғу саси эшитилди. Йигит бундан фироқ оҳангини туйди, дарахт огочларининг ўксик ғичирлаши суяк-суякларига кўча бошлади. Суяклари зирқирагани сайин оёғининг остидаги қақроқ замин ортиқ дош беролмай сина бошлади.

Ўзан сувни, Йигит қизни соғиниш азоби... айрилиқ изтироблари туташган жойда муъжиза туғилади — кўприк томондан кўз узмай турган Йигит аввал оёқларининг остидан сизиб ўтаётган сув зумда тўшиғини ялаб-юлқаб оқаётганини пайқамасди. Пайқамаса-да, руҳи енгил тортди.

Олтин дардим, ипни уздим, кўкка уч!

Севганимнинг юзларидан ўпиб, қуч!

Ўпиб қуч, ўпиб қуч, ўпиб... қуч... уч... уч...

Йигитнинг қўллари қанотга айланди, парвоз этиб кўприк тепасига етади, ўзини Қизнинг оёқлари остига ташлаб, «оқшом гўзал — кўнгил яйрар» деганча...

Кўнгил яйраши учун эса Қиздан дарак йўқ...

Йигитдаги соғинч ҳарорати шу қадар баландки, у Қизнинг келмай қолиш ҳавфи ҳам борлигини тан олмайди. Ишонч қудрати боис у кутишдан толмайди.

Йўлингда кутдим,
Ҳасратлар ютдим,
Ҳажринг-ла кўпдан
Ўзини унутдим.

Ўзини унутган Йигитни хаёл олиб қочади. Қўл ёқасидаги овлоқ ўриндиқда Қизнинг тиззасига бош қўйгани, Қизнинг кўксидан отаётган тоғ нурларига бетларини тутгани...

Тиззага ура бошлаган сув салқинида Қиз пайдо бўлишига яна, яна ишонади. Ҳеч қандай куч унинг ишончига раҳна сололмайди.

Умидсизлик эса... инсон кўкда «йилт» этган сомон парчасидан-да, нажот кутади.

Хайрият, шу пайт кўкни ёриб чиқди сариқ бир чечак. Йигит кўнглини овутиб, Аллалади шаршарак...

Шаршаракнинг шовқини дам зўраяди, дам олисларга бош олиб қочади. Йигит кўкни ёритган сариқ чечакка кўнгил боғлайди, йўқ, кўнглида бир тугун боғланади. Йигит шу тугунга-да умид боғлайди, тугунни ечса соғинч тугунаклари ёйиладигандек қоронғуда оёғининг остига қарайди, белига довур кўтарилган сув сатҳидан димоғига ураётган салқин ҳавони туяди.

Кутаверади...

«Эгасини йўқотган садоқатли итдек жоним ўртанади, соғинчдан» деган эди Йигит.

«Мен ўша итдан кўра қаттиқроқ соғинишимга ишонамайсизми?» деган эди Қиз.

Шу савол-жавоб далдасида яна узоқ ва узоқ кутади Йигит. Кўксини сийпалаб ўтаётган ва лаҳза сайин кифтини ювиб оқаётган сув сатҳида...

Юлдузларнинг томар

Олтин кўз ёши...

Теграсида жим порлар

Гавҳарнинг тоши...

Йигит теграсида ўйноқилаб кўзни қамаштираётган «тошча»ларни тутиб мувозанат сақлайди, тобора тезлашаётган оқимда хасдек оқиб кетишга-да шай, бироқ мана ҳозир, кўприк тепасида чинни кабутардек оппоқ фариштаси кўринишига, кўрингани замони ҳижрон ўқлари вужудини тарк этишига жуда-жуда ишонади. Ҳижрон тўлқини ором топмаётган қалб сув тўлқинида на оқади, на-да чўкади.

Дўстим, қачонгача бу золим ҳижрон?..

Дарё ўзанини ҳижрон азобидан халос этган сув Йигитнинг бўғзига етади. У уч-тўрт дафъа қулоч отиб қирғоққа чиқиши мумкин эди, йўқ, шу топда, айниқса шу оқшом ҳеч бир куч уни аҳдидан қайтаролмайди. Бир оғиз дил розини айтади:

Эркам, бугун сен туғилган кун
дейди. Сўнг, ўзини оқим измига қўяди.

Кўкка боқамен, қоқ ярим кеча
Момиқ тўлқинларга аста ботамен...

Йигит оғзи, бурни ва кўзи сув остида қолаётганидан
эмас, балки ҳали-ҳануз кўприк томонда интизор кутган
Қиз кўринмаётганидан хавотирда, унга сўнгги бор из-
ҳорларини етказа олмаётганидан армонда, шу чоқ...
шу чоқ кўрина қолсаю, қутласа:

Эркам...

Сув бўғзига етди.

Эркам бугун...

Сув сочларини юиб ўтди. Йигит осонгина ҳаракат
билан юзини сув сатҳидан чиқарди...

...сен туғилган кун
кун... кун... кун...

дея олди. Кўз олди қоронғилашди. Нафас ололмай
қолди. Оқим шиддати зўрайди.

Буюк тўлқин қаърига кириб кетамен
Қайдасан у эрка хаёллар изи?..

Йигит оғзини юиб олишдан ўзга чора тополмади.
Умид ипи узилай-узилай деган чоқ кўприк томонда оқ
ҳарир либосга ўранган Қизнинг шарпаси кўринди. Йи-
гит бутун вужудини сўз айтишга чоғлади. Айтолмади.
Севинч ёшлари дарё сувига қўшилди. Сув ариган кўз
ўнгида Қизнинг заъфарон чехраси пайдо бўлди. Қиз-
нинг шарпаси Йигит томон талпинди. Йигит қувончдан
оғзини баралла очди, қаттиқ хавотирда, «Жонимни
жонингга жойла!» демоқчи эди, улгурмади. Дам кўри-
ниб — дам кўринмай қалқиб-қалқиб оқиб бораётган
жасад оғзидан отилиб чиққан бир даста гул дарё ўза-
нини лиммо-лим тўлдириб айқираётган сув сатҳида
Қизнинг келишидан умидини узмай... оқимга қарши,
кўприк томон силжий бошлади...

КЕЧИККАН ҲАЙРАТ

ёхуд

БИЗ МУТОЛААГА ҚОНМАГАН АВЛОД

Адабий авлод ҳақида сўз очилди. Фикрлашга, кўп мулоҳазаларни ўртоқлашишга ундайдиган мавзу.

Бадний ижод борасидаги авлод тушунчаси деганда ижодкорларнинг ёшидан қатъи назар муайян даврнинг етакчи тасвир услубларини, илғор бадний тафаккур тарзини яратиш ва шакллантиришда муштараклик касб этган гуруҳ вакиллари назарда тутилади. Аслида муайян халқ ва миллат бадний тафаккурини белгилловчи адабий авлодлар давомийлиги узлуксиз занжир кўринишидаги жараён ҳисобланади. Афсуски, XX аср ўзбек бадний тафаккури тараққиётида жуда кўп узилишлар юз берди, авлодлар давомийлиги сақланмади.

Мумтоз адабий меросимиздан етарли даражада баҳраманд эмаслигимиз эндиликда ҳеч кимга сир эмас, замонавий насримизнинг таъмал тошини қўйган тўнгич авлод тажрибалари ҳам муфассал ўрганилмаган. Қодирий, Чўлпон, Ҳамза ижодини «ичдан» ўрганиш имкони мана энди, мустақиллик шарофати билан туғилмоқда, Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор қайси ижодий мактаб «талабалиги»дан етишиб чиқишгани ҳақидаги тасаввуримиз ҳам анчайин хира. Яқин-яқингача Ғ. Ғуломнинг билгани — Маяковский, А. Қаҳҳорнинг кўз очиб кўргани Чехов деб юрардик. Ахборот оқими шиддатли тус олган давр кишилари сифатида эндиликда бошловчи ёш қаламкашларнинг дунё адабий жараёнларидан баҳра олиш имкони орта бормоқда. Бу имкон адабий мактаблар таъсири кўламининг ортишига олиб келмоқда. 70-йилларнинг иккинчи ярмига келиб хилма-хил йўналишдаги, тасвир йўсини бир-биридан тубдан фарқланувчи ижодкорлар пайдо бўла бошлади.

Адабиётимизда Айтматов, Распутин, Шукшин, Анор, Думбадзе каби йирик адиблар ижоди таъсирида яратилган ҳикоялар, қиссалар пайдо бўлди. Ижодий таъсирланиш доираси кенгайиб ўзбек адабиётида Болтиқбўйи, Грузия, изма-из Япония, Оврупо, Лотин Америкаси халқлари адабиётига хос тамойиллар, услублар кўрина бошлади. Табиий, бу «кўрина бошлаш» силлиққина юз бермайди. Бундай ботиний ва зоҳирий эврилишларни ёруғ юз билан қабул қилиш учун энг аввало ўзбек адабиёти ҳам XX аср жаҳон адабиётининг узвий

бир қисми эканлигини, ундан айри ҳолда яшаш, шаклланиши мумкин эмаслигини, умуминсоний ва юксак қадриятлар мезонига қиёсан улуглашмаган ҳар қандай миллий адабий қадрият ўзининг тор маҳаллий қобилигига ўралашиб қолишини англаб етмоқлик керак бўлади.

Исломий таълимотга кўра, инсоннинг феъл-атворидаги, тийнатидаги ўзак таг-туғи билан ўзгариб кетмайди, тарбия таъсирида унинг ўз-ўзини идора этиши, шаклланиши, дуунёқарашин — устқурма ўзгаради, холос. Бу гапнинг бадий ижодга дахли шундаки, ижодкорнинг шахси қандай бўлса, ҳаётини шунга яраша идрок этади. Тақлид, таъсир, тарбия устқурма бўлиб қолаверади.

«Мен эртага саҳарлаб туриб би-ир анъанавий йўсинда ҳикоя ёзаман» ёки «қўлим бўшаса ҳеч ким тушунмайдиган ҳазми оғир қисса ёзишга киришаман» қабилидаги режа билан ҳеч ким ижод қилмайди албатта. Ҳаммаси зувала қорилаётган пайтда ато этилган феъл-атворга, табиий майлларга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб кимдир ўйнаб-кулиб ёзади, кимдир ҳаётини пуқул изтироблар кўзгуси орқали кўради, кимдир ҳаётининг силлиқ қатламини тасвирлайди, бошқа биров унинг ўйдим-чуқурларини, қавариқ чокларини излаб топади. Қайси ижодкор қандай адибдан таъсирланиши ҳам шундан келиб чиқади. Мисол учун оламни Л. Толстой ё М. Шолохов йўсинида идрок этишга мойиллиги кучли бўлган қаламкаш Ф. Достоевский ё А. Рюноске ижодини ижодкор сифатида ҳазм қилишга қийналади. Шу маънода қайсидир ўзбек ёзувчиси адабий устоз, муаллим сифатида Кафка ё Кортасарга табиатан яқинлик сезса, уни ўзбек бўла туриб Қодирий ё Қаҳҳорни тан олмасликда айблаш адолатдан эмас.

Ижодкор учун миллий қадриятлар бамисоли она сутидек зарур, ундан нечоғли тўйиб баҳраманд бўлса, шунча яхши, аммо-лекни ёши улгайган одамнинг қорни она сутига тўймай қолади. Энди у табиат неъматларининг энг сараларини, ўзига хуш ёққанларини териб-териб истеъмол қилишга ўтади. Маҳаллий адабий қадриятлар анъанасидан парини кўра олмаган ижодкорлар умрининг охирига қадар она сутию қуруқ пойдан бошқа нарса емай яшаган одамга ўхшаб кетади. Франц Кафка ўхшатиб ёзганидек, «Энг ёмон ёзувчилар маҳаллий асарларга тақлид туфайли пайдо бўладилар». Ва ҳоланки, оёқнинг остидаги жавоҳирлардан паридаги дуру гавҳарларга ҳам кўзни очиб қараш фақат ва фақат ҳам бадий, ҳам тафаккурый наф келтиради. Зеро,

ҳар бир етук бадний асар ўзига қадар ҳукм сурган бадний кўникмалардан қониқмаслик эканини ёдда сақлаш зарур.

Ижодкор сифатида тўхтовсиз ўзгариб туриш, ўзини, ўзлигини янгилаш учун ҳам адабий таъсир мактаби ниҳоятда зарур. Бир дунёқарашда тўхтаб қолиш ижодий депсинишга олиб келади. Разм солиб қаралса, кўп йиллардан буён ижод билан машғул сермахсул ижодкорларимизда ёзиш техникасини эгаллаб олиш сезилади, улар яна ўнлаб роман, юзлаб ҳикоя яратишлари ҳеч гап эмас, лекин дунёни бадний идрок этиш йўсинида ўзгариш, изланиш бўлмаса, тажрибалар қилинмаса — ундай ижоддан на адабиётга, на китобхонларга, на-да ижодкорнинг ўзига наф!

Муаммобозлик, мавзубозлик, қаҳрамонларни оқ ва қорага ажратиб ясама конфликтлар қуриш неча ўн йиллар мобайнида адабиётимизнинг кредосига айланиб қолди. Воқеа-ҳодисалар шунчалик қалаштириб ташланадики, азбаройи адабиётнинг бош мақсади бўлмиш таҳлилга ўрин қолмайди. Достоевский факт тугаган жойда адабиёт бошланади деган бўлса, бизнинг адабиёт кўпроқ фактнинг ўзи билан барҳам топди.

Фикри, суяги шўро даврида қотиб улгурган аксарият адибларимиз, адабиётшунос олимларимиз кўз кўриб қулоқ эшитган нарсанигина реализм деб аташади, яъни ҳаётда юз берган воқеа-ҳодиса реал, хаёлдаги, тасаввурдаги, тушдаги кечинмалар пореал! Бошқа сезги аъзолари ҳам мавжудлиги, дунёни эҳтирослар, туйғулар, сезгилар орқали ҳам идрок этиш мумкинлиги ва лозимлиги, интуиция, қўйингчи, инсонга хос кўзга кўринмас майллар тан олинмайди. Ваҳоланки, хаёлимиз ҳам, тасаввуримиз ҳам, тушда кўрганларимиз ҳам кундалик турмушимизда кўраётган манзаралар сингарин РЕАЛ, МАВЖУД! Демак, РЕАЛИЗМ тушунчаси ниҳоятда кенг! Тасаввуримизга сифмас даражада кенг! Шунини тан олсак, бадний тасвир воситаларимиз ҳам чексиз даражада кўпаяди, тан олмасак...

Жаҳон адабиётида кўплаб синовлардан ўтган ва ўтаётган тажрибалар жуда оддий, ҳатто баҳслашиб ўтирилмайдиган имкониятларга айланиб улгурганини ўйламаймиз. Такрор бўлса-да айтай, миллий ўзига хослик бадний адабиётнинг бош ва асосий фазилатларидан эканини зинҳор инкор этмаган ҳолда таъкидлаш зарурким, санъат дин янглиғ миллий қадриятлардан устундир! Ижодкор миллатчиликдан, қурбни етса мил-

лийликдан ҳам юқори туради, унинг учун ёт миллат ёки ёт маърифат йўқ.

Авлодлар орасига айирмачилик солиш керак эмас, дейдиганлар ҳам бор. Гап айирмачилик солишда эмас, бунинг бундай тор талқин қилиш ҳам керак эмас. Чунки авлодлар орасидаги тафовутнинг мавжудлиги банданинг хоҳиш-иродасига боғлиқмас. Бу жуда-жуда табиий ҳол, бунингсиз тараққиёт ҳам, ўсиш-улғайиш ҳам, янгилиниш ҳам бўлмайди.

Башарти 50 ёшнинг нари-берисидаги ёзувчи 20 ёшлар миёнасидаги бошловчи қаламкашнинг ҳикояларини ҳазм қилолмаётган экан, демак, адабиётимизда ўзгаришлар бор. Бордию, катта авлод вакиллари ёшлар ҳикоясини осонгина тушунаётган эканлар, демак, адабий тафаккурда, авлодлар янгилинишида ўзгаришлар сушт. Қувонч билан айтиш мумкинки, кенжа авлод вакиллари орасида ёши улуғларимиз тушуниб етмайдиган, ҳатто 40 ёшлилар қийналиб илғайдиган асарлар яратилмоқда. Демак, адабиётимиз ҳаракатда!

Авлодлар ўзгариши мутолаа маданиятига, мутолаа имкониятига ҳам боғлиқ. Мутолаа орқали билишга интилиш инсонга ато этилган мислсиз неъматлардан бири! Ижодкор учун эса унинг аҳамияти қалам билан қогоздан кам эмас! Узоққа бормай, кейинги 30—40 йиллик даврнинг мутолаа имконияти ва маданияти посангига қўйилса, авлодлар орасидаги тафовутлар яққол кўзга ташланади. 70-йиллар ижодга кириб келган авлодни «чала ўқиган» десам оғир ботар, мутолаага қонмаган авлод деб атагим келади. «Нима фарқи бор, 40—50 ёшлилар ҳам янги нашр этилаётган адабиётларни ўқийвериши мумкин-ку!» дея эътироз билдирувчилар учрайди. Йўқ, яна бир карра йўқки, биз 10—15 ёшмизда, нари борса, 20 ёшга етар-етмас билмоғимиз, уқмоғимиз шарт бўлган кўплаб ҳақиқату ҳикматлардан суягимизга қўшилиб фикру зеҳнимиз, қарашларимиз қотиб улгургандагина бохабар бўлмоқдамиз, улардан кечикиб ҳайратларга тушиб юрибмиз. Биз умримиз қозонини яримлатиб улгургандагина билаётган асли зиёни ҳозир 20 ёш миёнасидаги навқирон қалам аҳли ташналик билан ўзлаштирмоқда.

Вақтида тўйиб, қониб мутолаа қилиш бахти насиб этмаган авлод вакилининг армонлари катта имкониятлар олдида турган ёш ижодкорларга сабоқ бўлади деган умиддаман.

ТОШКЕНТНИ СОҒИНҒАН КҮНЛАРИМ

Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганида 40 ёшда эдим, шу ёшгача фақат бир марта, мутлақо тасодифан Югославия саёҳатида боргандим, истиқлолнинг саккиз йили мобайнида Сауд Арабистони, Буюк Британия, Олмония, Швейцария, АҚШ мамлакатларида бўлиш насиб этди. Энг қизиги, қаерда, неча кун бўлмай ҳар сафар Тошкентни онамни соғингандек соғиндим...

ЭНГ ЮКСАК ЧЎҚҚИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Тафаккурли нисон зоти борки, ўз шахсини улуглаш омиллариини излайди, ижод қилади: кимдир давлат орттиради, кимдир уй-жой солади, кимдир эл-юртнинг назарига тушиш дардига мубтало бўлади, бошқа биров ҳукизининг шохини қайиради ё бўлмаса янги фирқа ташкил этади, яна бирови ҳаётини маънавий баркамолликка бағишлайди. Тақводор киши эса улугликни иймон-эътиқод йўлидан излайди.

Намоз ҳар бир мусулмон учун меърож эканига, намознинг мартабаси ҳаж мартабасидан аъло эканига шак келтирмайман, лекин ҳар бир инсоннинг ботинида пинҳон инсонийлик жавҳарини юзага чиқаришда ҳаж ибодати нақадар мислсиз синов-имконият эканига амин бўлдим, алҳамдулиллоҳ!

Уйда эҳром боғлаб маъшуқи дийдорига ошиққан ошиқ сингари лаббайкани бошладиму, кўнгилнинг бир буржидан, «Наҳотки, ҳаж сафари насиб этаётир?» деган шубҳа-хавотир аримади. Табиатим шундайми, ҳаётимдаги энг қувончли лаҳзаларда ҳам бошқа бир армон кўнгилга соя ташлаб туради: ижодкорлар орасида ўтказилган танлов ғолибларидан бири сифатида ҳажга йўлланма берилганини эшитганимда биринчи бўлиб раҳматли отамиз ва онамизнинг сиймоларини кўз ўнгимга келтирдим — бу улуг бобаракот зотлар ўзларидан қолган тўққиз фарзанднинг кенжасига шундайин бахт насиб этганини кўрсалар эди! Афсус...

Ҳажининг ўзига хос мисли йўқ ибодат экани ҳақида сўз боинлаган эдим. Ҳар қандай ибодатнинг ботиний ва зоҳирий жиҳатлари мавжуд. Сафардан илгари ҳаж хусусида ниманки эшитган ё ўқиган бўлсам, асосан, бу ибодатнинг зоҳирий манзаралари ҳақида маълумот ва таассурот олгандим. Тайёраминг ҳавога кўтарилган дақиқалардан ҳаж ибодатининг моҳиятини — унинг маънавий-ботиний-руҳий хосиятларини излашга киришдим. «Ҳаж нима? У кишига нималарни ато этади? Мусулмон кўнгилни нималар ҳисобига бойитади? Унинг руҳий қувватини ҳамма бирдек англаши мумкинми? Ҳаж одамнинг табиатида ўзгарини ясай оладими?» Ҳоказо-ҳоказо саволларга бевосита шохид сифатида жавоб излашга киришдим.

Макка ва Мадина кўчаларини томоша қилганимизда, Минодаги чодирлар шаҳарчасини тунда ёлғиз кезганимизда, жазирама офтоб тигида кун бўйи адашиб-улоқиб одамлар денгизи оралаб Арофат сари йўл излаганимизда, Арофатга етгач ҳордиқ олмай-нетмай, туз тэтинмай яна йўлга тушиб Муздалифага ета-етгунча саргузаштлар кечирган тун бўйи ҳам ушбу саволлар хаёлдан аримади. Ҳатто Уҳуд жанги бўлган тарихий тепалик, шаҳид кетган етмиш нафар саҳобанинг қабристонини, ҳатто Масжиди Набавиядаги кишини сеҳрловчи ҳолатларда ҳам нимадир етишмаётгандек, кўнгил қониб ором ололмаётгандек туюлаверди. Ана шунда бундай такрорланмас ором ва осойишталикни ер юзининг як-каю-ягона гўшаси — Байтуллоҳ қад тиклаган масжиди ҳарамдагина топиш мумкинлигига бот-бот иқрор бўлдим!

Бобус с-салом дарвозасидан қадам қўйиб масжиди ҳарам биносига биринчи бор кириб борганимизда, Қаббаи шарифни тавоф қилиб мақоми Иброҳим ёнида икки ракаат намоз ўқиганимизда, Байтуллоҳ пойида тунларни бедор ўтказган дақиқаларда етмиш икки томиру, етмиш минг ҳужайра илоҳий бир саодатли мақомга мушарраф бўлар экан! Бу мақом онларида ёруғ дунёнинг жамики ҳою ҳаваслари унутилади, заминий қувончу ташвишлар, хархашаю машмашалар ниҳоятда арзимас заррага, ҳасга айланади — дунёга инсон сифатида келганинг шукронаси ўлароқ беихтиёр кўзлар ёшланади, руҳнинг тиниқлашади, йўргакдаги норасида янглиғ чеҳрангга табассум югуради, ўйларинг ўйдан тўхтайди — саволларни-да унутиб Байтул ҳарам билан юзма-юз тураверасан-тураверасан...

Аллоҳнинг уйи теварагида туну кун бирон лаҳза ҳаракатдан тўхтамаётган гирдобни ибодатхонанинг иккинчи қаватидан, сўнг учинчи қавати — тоmidан узоқ-узоқ кузатдим, ҳовлига тушиб яна ва яна гирдобга гарқ бўлдим, ана шунда ер юзининг энг баланд нуқтаси Эверест — Жамолунгма чўққисида эмас, Байтуллоҳ шариф пойида эканига, Қаъба пойида саждага бош қўйган мўмин-мусулмон учун ҳар қандай моддий ва маънавий юксаклик ҳам жуда-жуда пастлик бўлиб туюлишига иймон келтирдим. Ҳар бир инсон ҳаётида лоақал бир марта шундай сонияларни бошдан кечирмоғи, лоақал бир марта шундай ҳолат суруридан қониб завқ туймоғи, демакким, покланмоғи керак! Шундай лаҳзаларга етиш моқлик эвазига юқорида қисман айтилган машаққат ва уқубатлар туфайли тугилган гина-кудуратлар унутлади, бу — ҳаж ибодати инобатга ўтганининг аломатларидан бири, ахир!..

Мадинаи мунавварада уч кун яшаб, Маккан мукарамага қайтаётганимизда ҳамроҳларимдан бири «Қаъбатуллоҳни соғиндим!» деб оҳ чекиб юборди. Вужудимга қалтироқ югурди (ўша сафардан орадан неча йил ўтган эса-да, қачон, қаерда Қаъбатуллоҳни эсласам, унинг суратларини кўрсам ифодалаб бўлмас бир оғир изтироб, соғинч армони юракларни эзади...), начора, яна беш-олти кундан сўнг юртимизга қайтгач Қаъбатуллоҳни соғина бошлаймиз, унинг пойида тиз чўкиб ибодат қилишни кўнгил қўмсаши муқаррар — шунда қандоқ қиламиз?..

Сабр қиламиз ва «Ҳажга борганларнинг ибодати Аллоҳ ҳузурида қабул бўлсин, бундай саодат бошқа мусулмон биродарларимиз, юртдошларимизга ҳам насиб этсин!» дея дуога астойдил қўл очамиз...

КОИНОТНИНГ МЕҲВАРИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Масжиди Харамнинг Боби с-салом дарвозасига яқинлашганимиз сайини лаббайка янада авж пардаларга кўтарилди: Лаббайка аллоҳума лаббайк, Лаббайка ла шаърийка лака лаббайк!..

Шундай, охир бир кун келиб «Лаббайк!» демоқдан ўзга чора йўқ. Ана шу саодатли имтиҳон онларига бир умр ҳозирлик кўрасан. Умр — имтиҳонга ҳозирлик фасли, истиффор фурсати етганда сен биру Ҳақ бир! Ҳамонки, бу ёруғ дунёга муносиб жондор — инсон қис-

фасида келдингми, энг олий бурч фоний дунёни зотингга муносиб тарк этмоқлик.

Шаймисан?.. Маъшуқи ишқида телба бўлмиш Мажнун янглиғ баралла ва астойдил «Лаббайка!» дея ола-санми?

Бутун номаъи аъмолинг ушбу бир огиз каломда му-жассам топажагини тасаввур қиялпсанми?

Лаббайка аллоҳума лаббайк,

Лаббайка ла-а шарика лака лаббайк!..

Мазмуни: Ё, Аллоҳ! Ҳозирдирман, ҳузурингга келдим, қабул эт!..

«Қабул этармикан?» деган васваса кўнгил қатлари-га кўланка солаверади, ваҳоланки, шубҳа — гуноҳ, бан-дадан — тавбаю илтижо, қабул — Ўзидан!

Бўсағага етганда жиддий ва совуққон дарвозабон набирасини оғушига босаётган бобо каби қучоғига ол-гудай бир сидра бошдан-оёқ пайпаслайди. Бу — дунё таомили — эҳтиёти шарт...

Лекин қалбни ким тафтиш этади, ким поклайди? Ўзинг ва Ўзи!

Дарвозадан ҳийла кенг, серустун, доира шаклида кетган равонга кирасан. Чўғдек гиламлар тўшалган, тумонат: саждага бош қўйган, чўк тушганча кўзларидан шашқатор ёшлар дувиллаб тўкилаётганига эътиборсиз тиловат қилаётган, тамшана-тамшана зам-зам сувини хўплаётган, ўтирган, ёнбошлаган, мудраган... Олис са-фардан қайтиб бир чимдим нафас ростламоқ муродида қўнишгандек, ҳадемай яна адоқсиз йўлга отланишаёт-гандек...

Шифтида ҳисобсиз пирпирак кечаю кундуз тўхтов-сиз айланиб ҳавони совутиб турган бу серҳашам равон мисоли бир қўналға — нафас ростлайсану ичкарига йўл оласан, ичкарига!..

Ичкарида издиҳом, игна отсанг ерга тушмайди. Одамлар оқими соат милларининг ҳаракатига терс йў-налишда узлуксиз, узилишсиз айланади. Оёқ остига садафдек оқ мармар тўшалган. Мармар тўшама бами-соли улкан лаппагу, у устидаги беҳисоб тумонатни шовқинсиз-сассиз Байтуллоҳ атрофида айлантормоқда...

Она Замин ўз ўқи атрофида айланишдан тўхтамайди. Лак-лак, мил-мил одамзод келади-кетаверади, келади-кетаверади. Мазкур келиш-кетишда инсон иродасидан ташқаридаги буюк тартиб, буюк интизом бор. Айни вақтда инсоний қудрат хорижидаги тартибсизлик ҳам мавжуд.

Иисоният умри ана шу тартиб ва тартибсизлик орасидаги курашлардан, орзу-ҳаваслардан, катта-кичик севинч ва қайғулардан ташкил топади.

Табиатда кечадиган кўплаб жараёнлар одамни мутасил тартиб-интизомга даъват этади. Курраи арзнинг бир йўналишда, бир маромда айланиши шулар жумласидан.

Қаъбатуллоҳ атрофидаги айланма ҳаракат Заминнинг айланиши, дунёдаги жуда кўплаб айланиш-қайтиш фалсафаси замиридаги буюк ҳикматни ёдга солади.

... Ҳайтовур, «лаппак»нинг гирди нисбатан сийрак — қадам қўйишнинг иложи бор, икки-уч одимда оқимга қўшиласиз — оқимга айланасиз!.. Кексаю ёш, эркагу аёл, шоҳу-гадо, соғу-носоғ — бир: талбия айтади, холос!..

Айлана ҳаракат комига торта бошлайди. Тумонаг, издиҳом — оёқнинг остига қаролмайсан. Маҳобатли Уйнинг тим қора деворига, илоҳий каломлар тилло ҳарфлар-ла тикилган ёпинчиққа аланглайсан — Уйнинг оҳанграбо қуввати ҳадсиз тумонатни, тумонатга қўшиб сени ўзига тортади.

Оқим шиддати пасаймайди: биринчи, иккинчи, учинчи айланишда рамл, яъни паҳлавонларча тезкор қадам ташланади. Ҳар дафъа айланиш Байтуллоҳ томон яна ва яна яқинлаштиради. Дастлабки уч айланишда бир қадар парокандалик, заминий тартибсизлик кузатилади. Талвасага яқин бўлган бу хаосни англамоққа уринасан, беихтиёр. Уринасану, вужудинг-руҳингни ажиб бир осудалик оғушига олаётганини сезасан. Баногоҳ оқим равонлашади, гўё равон ва ости силлиқ ўзанга лиммолим тўлган сув бир маромда, вазмин оқаётгандек, сен вазмин оқаётган сувнинг томчисидек!..

Ойлар, ҳаттоки йиллар мобайнида шу оқим ичра оқаётгандек — шу тарзда яшаётгандек ҳис қиласан, ўзингни. Турфа ирқ, турфа миллат вакиллари туғнишган биродарингдек — ҳамнафас, жўровоз бўлиб бир тилда муножот айтаётганинг жуда-жуда табиий ҳолга, ҳолатга айланади.

ҲОЛга жўр бўласан. Ҳаяжонли нафас олишлар, энтикиш-ла илтижоларга сингиб кетасан. Эски Уйга ярим одим-бир одим яқинлашганинг сайин зичлик ортадан-ортади. Тумонат бир тан-бир жонга айланади.

— Раббано! — ўктам бир товуш қироат-ла бошлар ўзра жаранглайди.

— Раббано!!! — тумонат унга ҳамоҳанг баралла тақрорлайди.

— Аътино!

— Аътино!!!

— Фид дуня!

— Фид дуня!!!

— Ҳасанатан!

— Ҳасанатан!!!

— Вақийна!

— Вақийна!!!

— Азабан!

— Азабан!!!

— Наър!

— Наър-р!!!

Ҳамнафаслик, жүровозлик сеҳрли бир тарзда одамларни қовуштиради. Байтуллоҳ пойида тенглик олий мақомга кўтарилади: эътиқодлар, ниятлар, маслаклар, орзу-умидлар. Хатти-ҳаракатлар бир хил. Энгил-бошларнинг туси бир: оқ эҳром, бош яланг, оёқ яланг. (Дарвоқе, бу мукаррам шаҳарда ҳамманинг исми бир — «Ҳажжи!» дея мурожаат қиладилар!) Бу дунёда ҳар на орттирган эсангда, фарқи йўқ — кафтлар, қўллар очиқ. Фоний дунё туриш-турмушини, ҳою-ҳаваслар билан бежалган умрларни-да шу қадар уйғунлик мақомига олиб чиқиш мумкинлигини кўрсатувчи бир манзара!

...Лаблар орасидан отилиб чиққан ҳар бир калом умринг асносида билиб-билмай вужудингга тўплаган ғубору кироҳатни ювиб чиқади, шунданми, ичинг бўм-бўш, вужудинг бениҳоя сокин ҳолатга кўчади. Улкан оқимнинг заррасига айланганинг сайин руҳ-одамга эврила борасан, фикр-мушоҳада ўз ҳолигга қўяди. Танангни тутиб турган суякларинг ҳалимдек мулойимлашади, мулойимлашса-да, қадди-бастингни тутиб бораётганига ҳайрон бўласан. Йўқ, ҳайрон бўлиш ҳам фикрлашга, мушоҳадага яқин, мутлақ ҳайрат онларида эса фикр ҳам тўхтайд.

Каъбага яқинлашаётиб шундай ҲОЛга.. кўтариласан. Байтуллоҳнинг жозибадор оҳанграбоси заминий ғуборлардан покланган қалбларни қаттиқроқ тортадигандек...

Ниҳоят, етиб борасан. Кафтларингни муборак деворга босасан. Яна, яна... кафту бармоқлар билан манглайингни, бетингни силаб-сийпалайсан. Ниҳоят, кунботар томон бурчагига яқинлашасан. Мана, қўл чўзсанг

етгудек масофада турибди хажар-ул асвад! Кафт ура-
санми, лаб босасанми, марҳабо!

Бирдан шу қадар хотиржам тортасанки!.. Ортинда
ададсиз тумонат йўқдек, тумонатнинг сенга ўхшаш ҳар
зарраси Расулиллоҳнинг муборак қўллари теккан Қора
тош васлига етиш орзусида гирён ураётганини бир неча
сония унутасан.

Мутлақ руҳий осудалик мақоми насиб этганига
Аллоҳга шукрлар қиласан. Фикрга қўшилиб тизгинсиз
ҳайрат ҳам вужудингни тарк этади. Умр бўйи пойи-
пиёда йўл босиб самолар қадар чўзилган **Ҳақ** пилла-
поясини топгандек, унинг биллур зиналаридан кўтарил-
моқ учун бир зум эс-ҳушингни ўнглаб олмоғинг зарур-
лигини англагандек бўласан.

Афсуски, жисман юксалишнинг сўнгги марраси шу
ерда тугайди, йўлни давом эттириш руҳнинг, қалбнинг
иши!.. Жисм ўз вазифасини ўтади, у сени ўз имкони
хорижидаги чўққига олиб чиқди, энди у оқим измига
қайтади, зеро, оқим орасида етдим деганда етолмаган
жисм-зарралар қанча!..

...Боши-адоғи кўринмас оқимдан силжий-силжий
«лаппак» гирдига яқинлашасан — уқубатли жисмоний
хоргинлик, беқиёс руҳий енгиллик оғушида сезасан
ўзингни. Нурга йўғрилган роҳат-фароғатга лиммо-лим
ҳорғинлик. Онадан янги туғилгандексан, туғрироғи,
бундан-да ўзгачароқ, таърифига тил ожиз ҳолатга ўта-
сан. Ҳаётини ҳою ҳаваслар илинжида кин-адоват-кир-
ғубор босган қалб даҳлизлари обдон тозаланиб ўрнига
нур-поёндозлар тўшалгандек...

Нега? Қандай қилиб? Бу қадар жозибанинг боиси
қаерда?

Саволларга жавоб излаганинг сайин янги саволлар
туғилади: Байтуллоҳ қандай сабабларга кўра айнан
шу ерга жойлашган? У бир неча чақирим Шарқда ё
Машриқда қад ростлаши ҳам мумкин эди-ку?

Йўқ, мумкин эмас эди!

Одам алайҳиссалом жаннатдан Ерга тушганларида
Аллоҳ таолонинг амрига биноан Кўрраи заминдаги би-
ринчи бино (шу боис унга «Эски уй» сифати берилган)
айни шул нуқтада қад ростлаган.

Билишга ундовчи қаттол савол шуурни такрор си-
қувга олади: нега? Нега айнан шу нуқтада?

Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам-
нинг Меърож сафарларини ёдга оламиз. Алломаи за-

мон Алихонтура Соғуний (ул зотни Аллоҳ раҳмат этсин) шундай ёзди: «Буроқ учиб, еттинчи кўкка еткүзди. Ул жойда боболари ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни кўрдилар. «Отангиз Иброҳимдур» деган ишорат бўлиб, пайғамбаримиз салом бердилар. Салом жавобин қайтаргондин сўнгра, эй, азиз фарзандим, на яхши келдинг, қандоқ улуғ мақомларга етдинг, деб дуо қилдилар. Пайғамбаримиз кўрдиларки, Иброҳим Ҳалиуллоҳ осмон фаришталарининг Каъбаси — «Байтул-Маъмур»га суяниб ўтирибдилар. «Байтул-Маъмур» биноти Каъба тўғрисидаги бир уйдирким, унинг ҳақиқатини Аллоҳ билур».

Алоуддин Мансур «Ҳаж» сураси тадбилида шундай изоҳ келтирадилар: «Нуҳ пайғамбар замонларида бўлган тўфон балосида Аллоҳ таолонинг фармони билан фаришталар у ўрни еттинчи осмонга олиб чиқиб кетган экан. ...Ана ўша самога олиб чиқиб кетилган Байтуллоҳнинг ўрнини Тангри таоло Иброҳим алайҳиссаломга билдириб, ўша жойга барча мусулмонлар учун қибла бўлган Байтуллоҳ бини қилишни буюрган».

Жавоб ойдинлашмоқда. Демак, Байтуллоҳ еттинчи осмон қатидаги «Байтул Маъмур»нинг ТЎҒРИСИДА бўлган. Бамисоли «Байтул Маъмур»нинг қоқ тепасидан шу қадар ёруғ нур таралгану, унинг ерга муборак сояси тушган НУҚТАДА Каъбага пойдевор қазилган!

Нур тикка тушган чизик бўйлаб Қоинотдаги ва Заминдаги икки саждагоҳни тасаввурда туташтирайлик.

Шул эмасми, Қоинот отлиқ улкан саройнинг МЕҲВАРИ?!

Не-не бобокалонлар Ернинг таянч нуқтасини излаб ўтмадилар. Мутлақ ҳақиқат «бор-йўқ» дея ёқа йиртишмадилар! Инсоний бахт-саодат таърифини келтирмоқ учун ижод қилинмаган сўзлар қолмади. Лекин... курраи арз ўз ўқи атрофида айланиши мутлақ ҳақиқат ва зарурат бўлгани сингари осий бандага раво кўрилган мутлақ иймон-эътиқод мезони шу МЕҲВАР пойида холис баҳосини, мукофотини олади. Инсон қаерда яшамасин, адолат ва ҳақиқат посангиси учун Байтуллоҳ теғрасидаги покиза руҳдан ўлчов олади. Бинобарин, мўминлиги ортгани сайин банда шу Меҳвар томон талпинади. Унинг дийдорига, васлига етиш умидида Аллоҳга ёлборади, муроди ҳосил бўлиб юзлангач эса...

Масжиди Харам биносининг томида туриб кузатилган манзара бўлакча ҳислар уйғотади: бош-адоғи кў-

ринмас издиҳомнинг сунгсиз айлана ҳаракати улкан гирдобни эслатади. Одам зичлигидан мармар тўшама қарийб кўзга ташланмайди, тавоф этгувчиларнинг юз-кўзларини англаш қийин, улар — оппоқ эҳромга ўралган, яланг бош, яланг кифт... гир-гир айланади. Овозлар эшитилмайди — жим-жит! Самовий сукунат оғушида муаллақ турган кўйи заминий-инсоний бир талпиниш, маслакка етишмоқлик илннжида Иймон меҳварига ўзни уриб айланаётган издиҳом тўлқини баайни гирдоб — айланаверади, айланаверади. Каъба эса — ўпқон.

Байтуллоҳ мўъжизаларидан бири, унинг етти қават Ер ости қадар илдиз отгандир. Истиғфор айтиб ўзни унга ураётганлар бу сирли ўпқонга тушадиларми ёхуд ўпқон узра кўкка бўй чўзган мармар пиллапоялардан юксаладиларми — буёғи ёлғиз Яратганга аён.

Ҳар қалай, мўминни холис ниятлардан бегона қилмасин — у мудом тавба қилади, тавбалари ижобатга ўтажagini сўраб ёлборади — покланиши даражасида Қоннот меҳвари бўйлаб юқорилайди,

Расулуллоҳ «Байтул Маъмур»га етган жойда «Каба Қовсайн ов адно»га — энг олий мақомга етишмоқлик умидида Байтуллоҳ пойига бош урадилар. Қалб даҳлизлари нурга тўлган дақиқалар шу сонияларда юз беради...

Фарз намози олдидан имомнинг салобатли каломи самодан келаётган садодек қулоқларга қуйилади:

— С-соуд!..

Борлиқ сирли-сехрли сукунат оғушида қолади. Ҳад-ҳисобсиз одамлар имомнинг «Саф рост!» мазмунидаги ушбу даъватига жавобан зумда унга бўйсунадилар. Аниқроғи, бу — Аллоҳнинг каломи. Яратган эгамиз бандаларининг «гўё туташ бинолардек бир сафга тизилиш»ларини («Саф» сурасидан) севади. Демак, саф — маслакдошликнинг, умуминтизомнинг, эзгу ниятлар йўлида умуммуросанинг рамзи, тимсоли.

Байтуллоҳ теварагидаги издиҳом гирдоби инсоният ана шундай умум уйғунликда яшаши мумкинлигини кўрсатувчи мўъжизакор манзара!..

... Қадами Маккаи мукаррама тупроғига етган банданинг Байтуллоҳдан узоқлашгиси келмайди. Аллоҳ таоло «Пок тутгил!» дея амр этган бул гушани тарк этиш маҳол.

Тун эпкини кундузги ҳовурни қувишга чоғланган дамларда самога боқасан. Масжид тепасидан тим қора,

ҳарир парда тортилгандек. Юлдузлар кўринмайди. Мас-
жиди Харамдан таралган иймон нури бир учи Байтул-
лоҳга туташ Меҳвар бўйлаб самовот аршига етгандек.
«Байтул Маъмур»ни тавоф қилаётган саноқсиз фариш-
талар заминдан боққан Қуёш — Байтуллоҳ мўъжизаси-
ни кўриб, фазлу карам соҳиби бўлмиш Аллоҳ таоло-
нинг мўъжизакорлиги олдида яна бир карра ҳайрону
лол қолаётгандек...

ЛОНДОНДА ЕТТИ КУН

Кардифф шаҳри марказидаги ресторанларнинг би-
рида ўтирганимизда маҳаллий газета муҳаррирларидан
бири сўраб қолди:

— Ҳўш, мустақиллик сизларга нима берди?

— Тўрт ўзбек журналистига Кардифф шаҳрини ўз
кўзи билан кўриш ва инглиз ҳамкасбларининг тажри-
басини ўрганиш имконини берди,— дедим.

Тўрт ўзбек журналисти — «Халқ сўзи» ва «Народное
слово» газеталарининг бош муҳаррири Аббосхон Усмо-
нов, «Ташкентская правда» газетасининг бош муҳарри-
ри Аъло Ҳўжаев, «Правда Востока» газетаси бош му-
ҳаррири ўринбосари Бахтиёр Ҳасанов ва ушбу сафар-
нома муаллифига Буюк Британия ташқи ишлар вазир-
лиги кўрсатган марҳамати билан баҳорнинг серфайз
етти кунини Лондон ва Кардиффда яшаш, кўриш, то-
моша қилиш, тажриба алмашиш бахти насиб этди.

Элчихонада

Буюк Британиянинг Тошкентдаги мухтор элчиси
Барбара Хейнинг матбуот ишлари бўйича ёрдамчиси
Сайёра Аҳмедова таҳририятга ташриф буюриб тегишли
ҳужжатларни тўлдираётиб ислом динига эътиқодли
эканини қайд этгач, «Сафар чоғида ибодат қилишин-
гиз учун қандай шароитлар яратилишини истайсиз?»
деб савол қотди. Бундай савол берилмаган тақдирда
ҳам менинг гина-кудуратли жойим йўқ эди, лекин шу
саволнинг ўзида аввало шахсга ва унинг эътиқодига
ҳурмат мужассамлиги кўнгилга мунавварлик бахш
этади. Кимдир буни, «Ҳеч ажабланарли жойи йўқ, Фарб
давлатларида бундай илтифот аломатлари қонуний тус
олган» дея изоҳлаши ҳам мумкин.

Башарти шундай бўлган тақдирда энг нозик одоб

ва илтифот қонуний тус олганидан, муҳими, ана шу қонунга риоя этилаётганидан ҳавасланасан, киши.

Сафаримиз арафасида тўртовлон муҳаррир элчихонага таклиф қилиндик. Буюк Британиянинг Тошкентдаги «ҳудуди»да бизни элчи хонимнинг ўзи қарши олди. Ичкаридан хандон отиб кулиб чиқаётган хонимни кўрган ҳамроҳларимиздан бири ишонқирамай, «Ўзларими?» деб сўради ҳам.

Барбара хоним расмиятчиликка мутлақо ўрин қолдирмай бизни юқорига, ўз уйига таклиф қилди. Момиқ болишларга суяниб диванга жойлашиб ўтирганимиздан сўнг мезбонимиз қўл қовуштириб хизматга шайлигини айтди:

— Жанобларга кофе, чой дамлайми ёки пиво ис- тайдиларми?

Кимсан Буюк Британиянинг мартабали вакиласи шундай камтарона лутф қилаётганидан андек ўнғайсизланиб турганимизда Барбара Хей хонимнинг гаплари ортиқча хижолатбозликни ҳам тарқатиб юборди.

— Буюк Британия ва Ўзбекистон алоқалари тарихида бу қабилдаги биринчи сафар бўлади. Биз ҳам ўзбек матбуоти энг замонавий мақомларга кўтарилишини истаймиз. Бунинг учун тажриба алмашиш катта ёрдам беради деб ўйлайман. Сафар натижасида ўзларингизга, касбингизга асқотадиган бирор тажриба ортириб келсангизлар бизнинг бошимиз осмонга етади.

Роппа-роса бир соатлик суҳбатимиз элчи хонимнинг Ўзбекистон матбуотига, қолаверса, шахс ва унинг касб-корига ҳурмат тимсолига айланди.

Нотаниш қизнинг эркаликлари

Самолётга чиқиш олдидан кутиш хонасида йигирма чоғли ҳамроҳ ўтирибмиз. Икки жажжи ўғилчаси ва рафиқаси билан йўлга отланган Ойбек исмли йнгит билан танишдик. Лондонда ишлар экан, меҳнат таътилини ўтказиб, хизматга қайтаётган экан. Ҳеч бир ҳаяжонсиз, худди Сурхондарёдан Тошкентга қайтаётгандек «Лондондек жойда суғурта компаниясига раҳбарлик қилар экан, нега бизда ҳеч ким билмайди, газеталарга ёзишмайди?..»

Хаёлимдан ўтган саволни унга айтдим, Ойбек елка қисди, сўнг, «Арзийдиганроқ ишларни эплайлик, униси ҳам бўлар» деб илова қилди.

Ҳайҳотдек «Боинг»нинг «қорни»га йигирма йўловчи урвоқ ҳам бўлмаслигини фақат бу ҳаво «наҳанги»нинг

ичига кирган кишигина тасаввур қилади. Аъло Махсумович худди шу «Боинг»ни АҚШдан олиб келувчилардан бири бўлганини ҳикоя қилиб берди. Фақат у сафар «Боинг» АҚШники бўлса, энди унинг қаншарига «Самарқанд» деган муҳр тушибди.

Хуллас, ўзбекнинг «Боинг»ида эгалик туйғуси жўш уриб, «Қайдасан, Лондон?» дея парвозга шай бўлиб утирганимизда самолётнинг хушқомат хизматчи қизларидан бири, «Дехлидан келаётган юз эллик пассажир ҳам чиқади» деб қолди.

Эгалик ғурурига андек оғир ботди: «Ўзи, йигирма киши би-р яйраб учмоқчи эдик, ҳа, майли, ҳиндлар ҳам қадрдонлардан, минса минақолсин. Ўзбекнинг «Боинг»и учун 150 ҳинди нима деган гап?!» Зум ўтмай уч қатор ўриндиқ оралиғидаги икки йўлакдан ҳиндлар оқиб кира бошлади: қари-қартанглар, ўрта ёшлар, келинчаклар, йигитлар, қизалоғу кўзлари чаросдай болакайлар.. Биринчи эътиборни тортган нарса уларнинг барчасида бошидан оёғининг учигача миллий ҳинд либослари, тақинчоқлари эди!..

Икки йўлакдан оқиб кираётганларнинг адоғи кўринадиганга ўхшамайди. Бамисоли Ганга ва Жамна жилға янглиғ оқиб кирмоқда...

Шу пайт ёнимда утирган қиз кафтини оғиз-бурнига босди. Унинг қачон келиб, қачон ёнимдаги ўриндиққа жойлашиб олганини ҳам пайқамаган эканман. Қорамағизгина экан. Ҳинди қизларданми, деб ўхшатиб утиргандим, «Что, не чувствуете?» деб кафтини оғиз-бурнига босди.

Ўзбек «Боинг»ининг ичи Ҳиндистоннинг муаттар ҳавосига тўлганини шундагина сездим. Сезганимда нима!.. Ўзимизнинг Ачабоддаги лўли ҳамсояларнинг ўзгинаси, азбаройи таниш чеҳралар. Фақат... ҳинд йигит-қизларининг кўзида қандайдир дард, изтироб, маъсумлик, эҳтимол, мунг аломатлари яширингандек эди, назаримда. Либосидаги, тақинчоқлардаги, ҳатто пардоз бўёқларидаги ранг-баранглик нигоҳ тубида яширинган изтиробни пардалашга уринаётганга, киши диққатини чалғитаётганга ўхшайди. Лекин жиндек разм солиб қараган одамнинг назарига ҳинду нигоҳидаги ўша пинҳон маънолар яққол ташланади.

Инсон тўкин яшаши мумкин, шоҳи либосларга бурканиб, бойлигини кўз-кўз қилиши ҳам мумкин, лекин унинг кўнглидаги тўқималарига, жон-жонига сингиб кетган, ички пинҳона изтироб, армон ва кемтиклик кўз

орқали «мана мен» деб асл руҳий ҳолатни фош қилиб тураверади...

Халқаро йўналишдаги самолётларда яратилган қулайликларни қўпчилик кўрмаган бўлса-да, ҳамма эшитган. Ўн бир минг метр нари-берисида учиб бораётиб нималарни ўйлаши мумкин киши?

Одатда олис сафарларга чиққанда уйдаги майда-чуйда ташвишлар унутилади эмас, бари-барчаси арзимас нарсага ўхшаб туюлади. Қўл-оёғингдан боғлаб турган кундалик ва ўткинчи ташвишларини унутасан, кўнгилга ҳузур бағишлайдиган, руҳий ором берадиган ҳолатлар ўша 11 минг метр баландликда ҳам сени тарк этмайди. Зеро, соғинчларга тўла дақиқалар, кўнгилга яқин одамлар, дўстларни қаттиқроқ қўмсайсан. Уларнинг барини ёнингга олиб олис-олисларга сафар қилгинг келади...

Самолёт шифтига ўрнатилган телеойнада намоён этилаётган «боевик»дан беихтиёр кўз узолмайсан. Уйдаку, ўғлимни бундай фильмлардан ихлосини қайтаролмай жоним ҳалак, қани, бекор ўтиргандан кўра бир томоша қилай-чи, деб ТВ га термиламан, термила бошлаганим заҳоти зерика бошлайман, ҳар қандай боевикдан ҳаёл тотлироқ туюлади...

Ўриндиқнинг ён суянчиғида қалам учини суққулик 12 та туйнукча, қулоққа кийиладиган «наушник» — «қулоқчин» симининг учини истаганингизга суқсангиз бири-бирдан ранг-баранг мусиқаю қўшиқлар жаранглайди. Танлай-танлай тўртинчи туйнукда тўхтадим. Опера қўшиқлари айтилаётган экан. Ён қўшним, ҳиндларга ўхшаб кетадиган ўзбек қиз ҳе йўқ-бе йўқ «қулоқчиним» учини суғуриб олиб 11-рақамли туйнукка суқди. «Класс!» деб ўтирган жойида жаз оҳангига монанд елкаларини учира кетди.

Йигирма ёшлардаги қизнинг кўнгли учун бир оз жазга қулоқ тутдим, 10—15 йиллар илгари жон-жон деб эшитар эдим. Энди... Қўшнимнинг кўзини шамғалат қилиб симнинг учини 4-туйнукка кўчирдим. Мумтоз симфониянинг салмоқли, салоҳиятли оҳанги бутун олам фалсафасини қамраб олгудек океан мавжларини ёдга солади. Бизни бағрига жо қилган «Боинг» шу симфония тўлқинлари узра сузиб бораётгандек...

Бирдан «қулоқчин»дан ўйноқи жаз ритми янгради. Қарасам, қўшним менинг ихтиёримдаги симнинг учини яна 11-туйнукка кўчириб қўйибди. Аввалига нотаниш

қизалоқнинг ўзбошимчалиги нафсониятимга андек тегиб ўтди. Сабр қилдим. У эса парвои фалак.

— Шик-к!—деди бармоқларини қарсиллатиб, сўнг жаз нағмасига тебранишда давом этди.

«Бир оз олдин пиво ичганди, «Боинг»да бериладиган пиво ҳароратни оширворса керак-да!» деган хулосага келдим. Насиҳатнинг ўрни эмас, индамай, «қулоқчин»ни 4-туйнукка кўчирдим. Лучано Паворотти!.. Қўшним ўпкаланиб юзини бурди.

— Терпеть не могу!—деди.—Яқинда ёшгина қизга уйланди.

— Операчи бўлсаям эсли эркак экан, умри узоқ бўлади,—дедим.

Қўшним ҳазилимни тушунмади, лекин кўнглим сал юмшаганини сездию, «қулоқчиним» учини операдан узиб, жазга кўчирди.

Ҳали дурустроқ танишиб улгурмаган йигирма ёшлардаги қизнинг эркаликларини тушунишга ҳаракат қилдим. У мени ёшлик оҳангларига қайтармоқчи бўлиб, «Ҳали ёшсиз, операни кейин эшитишга улгурасиз!» деб иддао қиляпти. Ўзининг ўйноқи ҳисларини жунбушга келтираётган қувноқ оҳангларни тушунишимни, унинг таъсирида туғилаётган завқни бирга баҳам кўришимни истаяпти.

Умр йўлининг икки фаслида яшаётган икки авлод вакили бир хил мусиқадан бирдек завқ олиши нақадар қизиқ! Нақадар мураккаб! Бу ҳол авлодлар орасига совуқчилик туширмаслиги керак. Ёшлар катталарни тушунишга қийналса, бунга тоқати етмаса, катталар ёшларни тушуна билмоғи зарур. Бинобарин, ёшлардаги туганмас ғайратни тўғри йўналтира оладиган миллий-замонавий куй-қўшиқлар озлигидан ранжишимиз бежиз эмас.

Қайтим саналмай олинади

Самолётдан тушаётиб Ойбек билан хайрлашдик, «Пикаделли кўчасидаги сизлар яшайдиган меҳмонхонани биламан, албатта бораман!» деб хайрлашди у биз билан.

Шундай қилиб, Европадаги энг улкан аэропортлардан бири бўлмиш Хитроудан чиқиб улгурмасимиздан Буюк Британия ташқи ишлар вазирлигининг ходимаси, таржимон Галина Хеслоп ва «Мицубиси» ҳайдовчиси жаноб Тони ихтиёрига ўтдик.

Лондон кўчаларига оёқ босмасдан илгари ҳайрат ҳақида тўхталишга тўғри келади.

Ҳайрат — ихтиёрий ҳодиса эмас. Атайин ҳайратланиш сохталик, беўхшовлик. Хусусан, тараққий этган мамлакатлар сафаридан аксарият қуруқ «оҳ-воҳ»лар билан қайтиш ҳам маълум маънода арзон-гаров ҳайрат билан боғлиқ.

Шунинг баробарида Лондон мени ҳайратлантира олмади десам инсофдан бўлмайди. Фақат табиатан «капитализм» дунёсининг мислсиз бошқача эканига руҳан тайёр эдим. Цивилизациянинг марказларидан ҳисобланмиш Лондон буткул ўзгача оламлиги, кунни кеча мустақиллик йўлига кирган юрт фуқароси тасаввурига сиймайдиган манзараларга бойлиги мен учун фавқулодда ҳодиса эмас эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, яқин йиллар мобайнида юртдошларимиз психологиясида сифатий ўзгариш яққол сезилади. Ўзбекона дунёқарашда кўр-кўрона ҳайратланиш ўрнини ўрнак олиш, ибрат олиш, тажриба орттириш истаги асосий мақсад-маслакка айланди, айланмоқда.

Хитроу аэропортида йўловчилар учун яратилган шаброит, хизматчиларнинг хуш муомаласи ҳамда Тони бошқараётган «Мицубиси»да Пикаделли кўчасидаги «Шератон» меҳмонхонасига етиб борганимизда узун шляпали, дароз бўйли, махсус қора костюм-шим, қўлларига билагигача оппоқ қўлқоп кийган эшик оғаси шай туриб машинамиз эшигини очиб илтифот кўрсатгани... буларни эслаб даставвал муомала маданияти ҳақидаги мулоҳазаларимни баён этгим келди.

Шарқона муомала одоби, ўзбекона такаллуф гўзалликлари ҳақида истаганча фахрланиб сўз юритиш мумкин. Афсуски, муомала маданиятининг энг гўзал кўринишларига бугунги кунимиздан эмас, ўтмишдан кўпроқ мисол келтиришга одатланганимиз нашъа қилади баъзан.

Ҳар қандай сўз оғиздаги суяксиз бир парча этдан чиқади, дейишади, аммо-лекин ўша эт қай ҳолатда қандай лутфу карам қилиши кишининг маданиятига, одобиغا, иймонига, жамиятда тутган ўрнига, моддий имкониятларига, кайфиятига ва бошқа қатор омилларга боғлиқ. «Ҳамманинг оғзидан бол томсин!» дея амри фармон чиқариш билан исталган натижага эришиб бўлмайди. Бунинг учун қатъий бир андоза ҳам йўқ.

Қаерда эканидан қатъи назар, икки кишининг рўпара

келиши, салом-алик ёки муомалага киришиши чоғида ўзига хос психологик микроқлим вужудга келади. Мазкур микроқлим ҳавосининг салгина айниши одамнинг бир кунлик кайфиятини бузиши мумкин. Бошқа одамнинг кайфиятини бузган кишининг ўзи ҳам «қуруқ» қолмайди, унинг ҳам таъби тирриқ бўлади, ўзи сезмаса-да, кўнгли ғашланади. Ўзининг кайфиятсизлиги аламини ўзгача олиш эса, юмшоқ қилиб айтганда, адолатсизлик!

...Ҳар қадамда бир-бировини «сэр», «мистер», «мадам» дея улуғлаш, «афу этгайсиз», «ташаккур» сингари илтифотли мурожаатларни эшитиш, бир чимдим табасум ҳадя этиш... ҳавоси мусаффо бундай микроқлимлар йиғила-йиғила жамиятнинг, ватаннинг макроқлими, мусаффолигини таъминламайдими?! «Аллоҳ таоло инсонни мукаррам зот қилиб яратди» деган мислсиз ҳикмат исломий эътиқод меваси-ку, лоақал, шуни билатуриб ҳам бир-биримизни улуғлашни ўзимизга эп кўрмасак, бир-биримиздан бир оғиз ширин сўзни аясак?!

Меҳмонхонада, кўча-кўйда, одамлар гавжум чорраҳа ва майдонларда, улкан супермаркетларда, музейю театрларда бир-бирига хезланган у ёқда турсин, товушини кўтарган кимсани учратмадик. Лондонликларнинг энг кўп қўллайдиган сўзлари «Экскюзми», «Сенкю» десам муболаға бўлмас. Қаерда қулоқ солманг «кечирасиз» билан бошланган муомала «ташаккур» билан тугайди.

Ўзгаларнинг инсонийлик мартабасини эъозлаш ўзини улуғлаш ҳам экани, бу, Аллоҳ таолога ҳам хуш ёқишини биз аҳли иймон, аҳли мўминлар яхшироқ билмоғимиз керак...

Нима бўлдию, супермаркет кассасидан узоқлашмай беихтиёр кафтимдаги қайтим қоғоз ва танга пулларга махлиё бўлиб қолдим. Шунда кассада ўтирган қора танли аёл «Нима гап?» деган маънода ранги ўчинқираб, жовдираб мен томонга ўгирилди. Унга навбатда турганлар қўшилди. Мен тушунмадим. Таржимонимиз жонимга оро кирди.

— Англияда қайтим санамай олинади. Чунки бу ерда қайтимга хиёнат қилиш одати мутлақо йўқ. Харидор қайтимни санаши сотувчига нисбатан ишончсизлик, ишончсизлик эса ҳақоратга яқин...

Кассада ўтирган қора танли ўша аёлнинг чеҳрасидаги жовдирашни эсласам ҳар сафар хижолат чекаман...

«Сайгон соҳибжамоли»

Бир пайтлар Тошкентда очиқ музей барпо этиш ҳақида миш-мишлар болалаган эди. Лондоннинг турган-битгани очиқ музей экан! Ҳар қадамда тарихий бино, ҳар муюлишда меъморий жиҳатдан ўзига хос кошона! Лондондан завқлана олиш учун меъморчилик тарихидан, илмидан анча-мунча билим, тушунча керак! Кўчалари ва кўча ҳаракатларини англаш учун Лондонда камида беш йил такси ҳайдаш шарт!

Қушучар баландликда туриб тасаввурга эрк берилса, Лондон кўчалари чигал бўлиб кетган калава-калава ипга-ипакка ўхшаса керак. Сал кам 8 миллион аҳоли яшайдиган шаҳри азим кўчаларидаги ҳисобсиз транспорт оқимини бизникига ўхшаш ДАН ходимлари назорат остига олмагани ажаблантиради кишини! Демак, қонунга риоя қилиш одат тусига киргани сайин уни назорат қилиш эҳтиёжи озаяди.

«Башарти чанг-ғубор бўлмаса одамзод минг йил яшаши мумкин эди» деган алломалар Лондон табиатидан баҳра олмаганлар шекилли, биз бир ҳафта юриб туфлини артишга эҳтиёж туғилмади, шунга қарамай, Буюк Британия фуқаролари 100—150 йил умр кўраётгани ҳам йўқ.

Парвардигор инглизларга ажойиб табиат ато этган, маҳаллий аҳоли ўзларига раво кўрилган мазкур табиий бойликни асраб-авайлашни ҳам қотирадилар, мана гап нимада!

Лондонда турфа гуллар чаман бўлиб очилиб ётмаган дераза тоқчаси йўқ десам ишонаверинг! Фақат ички томонидан эмас, ташқарисини ҳам назарда тутяпман! Деворларга, йўл чироқлари устунига илинган гуллар чаппар уриб очилган! Бир жойда кузатдим: эркак ва аёл девордаги саватни тушириб, тувакдаги гулларни парваришлаётган экан — назаримда ёш ота-она беланчакдаги гўдаги тепасида гирдикапалак бўлаётгандек, йўрғакдаги чақалоқ мунчоқ кўзларини чарақлатиб, қиқир-қиқир кулаётгандек...

Буюк Британия пойтахтини очиқ музейга ўхшатдим. Бу «музей»даги ҳисобсиз меъморий обидалар оралаб ҳайкалларнинг саноғига етиш қийин. XVII асрнинг ўрталарида Англия қиролини қатл эттирган Кромвель ҳайкали ҳам, XX асрнинг йирик давлат арбоби Черчил ҳайкали ҳам ўтган-кетганлар кўз ўнгида қад ростлаб турибди.

«Ёпиқ» музейни ҳам кўриб қўйиш ниятида Британия музейига яқинлашганимизда инглиз халқининг чинакам маънода музейпарастлигининг гувоҳи бўлдик.

Одамлар оқими Тошкент Отчопарига кираверишдаги издиҳомнинг ўзгинаси! Янада ҳайратланарли жойи — музейга ошиқаётганларнинг аксариси ёшлар! Мактаб ўқувчилари!

Музейнинг бир қаноти кутубхона-музей экан. Жавоннинг, жавонга терилган китобнинг саноғи йўқ! На муаллифи қулоққа чалинган, на номи-нишони эшитилган китобларнинг кўплигини кўриб, «Унча-бунча китоб варақлаганларданмиз» деган ҳаёлда юрганингдан уяласан, киши...

Ойнаванд токчаларда қадим қўлёмалар саҳифалари очиб қўйилган. Қуръони каримнинг қўлёмма нусхалари, «Бобурнома» нусхалари... гала-гала йигит-қизлар тепасида туриб гурунг қуряпти, сўраб-суриштиряпти, ён дафтарларига қайд этишяпти. Китоб ва маданий мерос теварагида бу қадар иштиёқ билан гиргиттон бўлаётганларни кўрганда кўнгилларга ҳавас тўлади.

Музей биносининг асосий қисмига қўйилган кўҳна ёдгорликлардан батафсил баҳра олиш учун беш-олти кун ҳам кифоя қилмайди. Биз қадимий ҳинд, мўғул, япон асотирларига наридан-бери (афсуски) кўз югуртирган кўйи ўзимизга тааллуқли бўлимни излаб топдик. Темуррийлар, Бобурийлар даврига оид ашёлар, Бухоро ва Самарқанд обидаларидан кучириб кетилган парча-пурча нақшинкор ғишт, сопол бўлаклари, ёйдан тортиб обдастагача бор. Гуржилар ўз тарихига дахлдор тақани ҳам бахмалга ўраб эъзозлайди, деб ҳайратга тушиб юрамиз. Инглизлар инсониятга тааллуқли нимаики бўлса кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, ўз халқини баҳраманд этиб қўйибди...

Музейдаги ҳайратлар театрда давом этди. Британия ташқи ишлар вазирлиги вакили театрда боришимиз учун имкон яратишини айтганида, тўғриси, «Тилини тушунмасак, таржимоннинг қулоқ-миясини еган билан мурод ҳосил бўлиши қийин» деган иштибоҳ кечган эди кўнгилдан. Бироқ ўша кун томошага кирганим учун узоқ йиллар ўзимдан миннатдор юраман!..

1918 йили қурилган алмисоқдан қолган бинога кираверишдаги зинада турли ёшдаги томошабинлар гуж-гуж бўлиб суҳбатлашиб турибди. Изма-из келиб тўхтаётган, бири-биридан ғалати «иномарка» машиналардан тушаётган бир оила аъзолари, елкама-елка суяниб қол-

ган чол-кампи́рлар, виқор билан салобат тўкиб келаётган киборли эр-хотинлар, бир-бирининг пинжига кириб сингиб кетгудек бахтиёр севишганлар, «Билет борми?» деб сўраганлар... шунга қарамай икки эшик остонасида хушбичим кийинган хушқомат йигит-қизларнинг томошабинларни баралла ичкарига даъват қилишлари... бундай муҳит сизни реал воқеликдан санъат воқелигига тортиб кетганини сезмай қоласиз.

Сафарга жунаш арафасида Аброр Ҳидоятлов номидаги театрда «Отелло»ни кўрдим. «Чипта буюриб қўяй» деган ҳаёлда икки кун қўнғироқ қилдим, телефонни кимса кўтармади. Хизматдан қайтаётим кириб ўтдим — «кассир ҳозиргина кетганди» дейишди, эрталаб кирдим — «ҳали келмади» дейишди. «Нима керагиди, оқа?» сўради қоровул йигит. «Отелло»га иккита чипта керак, оғайни» дедим. Қоровул йигит мийиғида кулди. «Ўша кун кевуринг, билет навал» деди мени тинчлантириб. «Йўғэ,— дедим ўзимча, — «Отелло» жуда шов-шув бўляпти, наҳотки, чипта бемалол бўлса?!»

Чиндан ҳам бемалол экан. Театрнинг замонавий услубда қайта ишланган залининг сал кам чорагини «тўлдирган» томошабинлар қаторида буюк асарнинг мутлақо янги талқинини кўрдик. Чиндан ҳам «Отелло» шов-шувга арзийдиган спектакл бўлибди!

Яхши нарсани кўрганда беихтиёр уни яқинларингга, ёр-биродарларга, ҳамма-ҳаммага «илинасан», улар ҳам баҳра олса-чи, деган самимий ниятдан кўнглинг ҳаприқади. Чорсу бозорини лиммо-лим тўлдирган юртдошлар узункун бозордан оладиганини олса-да, топганининг ким билсин, ундан, юздан ё мингдан бирини «Отелло» томошасига атасин. Ҳаёт саҳнасида санъат саҳнасига кўчсин. Ясан-тусан қилиб, ўғил-қизларини етаклаб тағлараридаги «иномарка»ларини театр томон ҳам ҳайдасинлар. Отеллонинг буюк соддадиллигидан, Дездемонанинг бокиралигидан, Ягонинг ўтли ва пинҳона муҳаббати тафтидан пича ҳарорат туйсинлар ахир!...

...1918 йили қурилган бино даҳлизида махсус лавҳа бор экан. Унда театр тарихида энг кўп қўйилган асарлар рўйхати ёзилибди. «Сайгон соҳибжамоли» мусиқали драмаси 1989 йилдан бери 2580 марта саҳна юзини кўрибди!..

Уч соат давом этган драмада ниҳоятда кўп персонаж қатнашади, асар режиссураси юксак маҳорат билан ишланган, воқеалар динамикаси шу қадар шиддатли кечадики, йигит-қизнинг нолакор айтишувлари шу қа-

дар юракни ларзага соладики, азбаройи таржимонга ҳам ҳожат қолмади. Томоша тугагач, уч қаватли зални тўлдирган томошабинлар тик туриб узоқ қарсак чалдилар, санъатнинг сеҳрли қудрати бир-бирига мутлақо ўхшамас одамларни қалбан бирлаштириб, яқинлаштириб, юксак мақомларга кўтарган эди!.. Ўша зал, ўша сахнада, ўша томошабинлар эътиборига Абдор Ҳидоят театри сахнасидаги «Отелло»ни кўчириб келтирсанг, Афзал Рафиқов ижросидаги бугунги ўзбек Ягосини санъатсевар инглиз биродарларимиз ҳам кўрсалар! Эҳ-ҳе-е, хаёл қаёқларга олиб қочмайди...

Дунёни тоза сувдек тоза ахборот қутқаради

Китоб дўконида айланиб юриб, рўпарамда турган ёшгина жувондан беихтиёр кўз узолмай қолдим. У ҳам қаради.

— Ўзбекмисиз? — деб сўраганимни ўзим ҳам сезмадим. Жувоннинг ёнида қизалогини етаклаган йигит пайдо бўлди.

— Биз — Тожикистондан, — жавоб берди жувон ҳам яқин одамани учратгандек севиниб.

— Мен ўзбекман, Тошкентдан...

Гапимни тугатмасимдан йигит қучоғини очди, қадрдон дўстлардек елка қоқишдик.

Душанбалик профессор Фафуржон Жўрабоев экан. Лондонда малака оширишга борибди. Асли Ленинободдан эканини айтди, Тожикистондаги аҳволни суриштирди. Бир пиёла чой устида суҳбат қуришга таклиф қилди, афсуски, бизнинг вақтимиз зиқ, ихтиёримиз мезбонлар тасарруфида эканини айтиб хайрлашдик.

Фафуржон ва Ойбекка ўхшаш ёшларни янги замон ёшлари десак арзийди. Дарвоқе, Хитроуда хайрлашганимиз Ойбек Халилов меҳмонхонамизга келди. Яқиндап танишдик. Ресторандаги давра суҳбатимиз чоғида Лондондаги Ллойдс суғурта бозорида Ўзбекистон — АҚШ қўшма компаниясининг директори эканини батафсил гапириб берди. Ойбекнинг босиқ-вазминлиги, мулоҳазакорлиги, Ўзбекистоннинг вакили сифатида катта нуфузга эга ва анчагина ёш эканини, турли доираларда ўзини тута билишини, дунёни буткул ўзгача идрок этишини, хорижий тилларда фикрини бемалол баён эта билишини кўриб «янги ўзбек» деган ибора тилга келди. Ҳавас ва фахр қилса арзигулик янги инсон!

Ойбек Ллойдс суғурта бозорида нуфузли халқаро йиғин иштирокчилари орасида тақдимотдан ўтгач, қу-

вончини биз юртдошлари билан баҳам кўришни лозим топди. Унинг лутфан таклифи билан япон милиий ресторанидаги мароқли оқшом гурунгимиз, япон пазандаларининг ажабтовур санъати, гейшалар томонидан кўрсатилган иззат-икром... ҳаммаси ёдда қолди.

Лаҳжамизда «матбуот» ва «демократия» сўзлари қадрдонлашиб, гўё бу икки тушунчани алоҳида тилга олиш мантиққа зиддек тасаввур туғиладиган бўлиб қолди. Жамиятда сўз эркинлиги, мушоҳада ҳурлиги, матбуотнинг тўртинчи ҳокимиятга айланиши, оммабоп нашрларнинг сиёсий-иқтисодий мустақиллиги хусусида истганча баҳс-мунозара қилиш, фикр алмашиш фойдадан ҳоли эмас, аммо-лекин Лондон ва Кардифф сафарини чоғида шундай хулосага келдим: жамият олма дарахти бўлса, матбуот унинг шохидан узилган олма! Зеро, олманинг шакл-шамойили, ранг-туси, таъми, қурт тушган-тушмаганлиги дарахтдан!

Биз олма «дарахтимиз» соғломлаша бошлаган даврда яшамоқдамиз. Соғайиш, янгилаиш самараларини тезроқ кўришга ошиқяпмиз. Истибдод зулмини татимаган, XVIII асрнинг охирларида ривожланган индустриал давлатга айланиб улгурган Британия матбуоти ҳозирги даражасига етишгунга қадар озмунча тарихий йўлни босиб ўтдимиз!..

«Гардиан» («Посбон») газетаси 400 минг нусхада босилади, 240 ходим ишлайди, хорижий мамлакатларда 70 дан ортиқ махсус ва жамоатчи мухбирлари бор. Ҳар куни соат 22.30 да газетанинг янги сонига имзо чекилади. Сотувда 45 пенс, йиллик товар обороти 100 миллион фунт стерлинг. Шундан 40 миллиони журналистларга ажратилади. «Бу даромад бизнинг мустақиллигимизни таъминлайди. Давлат билан ҳеч қандай алоқамиз йўқ» деб илова қилди бош муҳаррир.

Ҳавас қилса арзийди. Қолаверса, яна бир муҳим ҳақиқат — ижодий маънодаги мустақиллик молиявий мустақилликдан бошланади, моддий жиҳатдан оёққа мустақкам туриб олмай юксак демократик кенгликларни орзу қилиш ҳам хомхаёлга ўхшаб кетади.

«Гардиан» 176 йилдан буён нашр этилишини, бу йиллар мобайнида тақдирнинг кў-ўп алғов-далғовларини бошдан кечирганини, яхши яшаш ва халқ назаридан қолмаслик учун ниҳоятда темир меҳнат интизоми жорий этилганини ҳам эътиборга олиб қўйиш керак!

Ҳаётда энг қимматбаҳо нарса вақт эканини яхши биламизу... уни беҳуда ҳавога совуришни ҳам қойилла-

тамиз! Бир неча таҳририят ва ташкилотларда расмий давра суҳбатларимиз тушлик ёки кечки овқат вақтида, дастурхон теграсида ташкил этилди. «Миррор» («Кўзгу») газетаси таҳририяти 50 қаватли бинонинг 22-қаватида жойлашган экан. Лофи билан айтганда, бир маҳалла аҳолиси сиғадиган кенг майдондек келадиган залда етти газета таҳририяти ходимлари ўтирибди. Ҳар бирига алоҳида телефон, алоҳида компьютер, китоб, қоғоз-қалам, чой-нон деганларидек... ҳаммаси муҳайё. Ҳар ким ўз ҳолича еб-ичиб, ўқиб, ёзиб ўтирибди. Ишбоши етовида ходимларнинг тепаларига бордик, бирортаси бажараётган хизматидан диққатини бўлиб, қайрилиб қарамади. Йш вақтида салом-алик ҳам, мулозамату илтифотлар ҳам ортиқча.

Қизиғини қарангки, мазкур газеталар гуруҳи ходимлари кун бўйи таҳририятдан чиқишмас экан. Уларнинг ҳар бири ташқарида 3—4 тадан «чопар» ёллаб қўйган, «чопар»лар топиб, компьютер орқали жўнатган янгиликлардан хабар ё мақола ясаб, ходимлар ўз навбатида тайёр материални залнинг бир қанотида ўтирган бош муҳаррирлар компютерига узатади. Бош муҳаррир маъқул топган материал бошқа бир қанотда ўтирган саҳифаловчининг компютерига ўтказилади. На қалам, на қоғоз, на югур-югур, на ортиқча жавоб-муомала!..

Газета кўп, уларнинг ҳеч бири йўналиши, мавзу ранг-баранглиги, безатилиши, рекламалари борасида бири-бирини такрорламайди. Ахир такрорланган янгилик — янгилик эмас, бундай «янгилик» билан кун кўрадиган газета инқирозни зиммага олди деяверинг! Қайси даражада бўлмасин, воқеа-ҳодисалар ҳар бир газета томонидан мутлақо бошқа нуқтаи назардан таҳлил қилинади, муносабат билдирилади. Консерваторлар партиясидан Бош вазирликка номзоди кўрсатилган Жон Мейжор билан журналистлар учрашувида иштирок этдик. Уша ерда ҳам мен назарда тутган хилма-хиллик яққол сезилиб турди, ҳатто Бош вазир қайси нашрнинг қайси шарҳловчилари сайлов воқеаларини қандай нуқтаи назарлардан ёритаётганини гоҳ кулиб, гоҳ кулдириб баён этди.

Ҳа, бир хиллик газетанинг, газетага бўлган кенг омма иштиёқининг, пиравордида фикр янгиланишининг, демак, жамият гуллаб-яшнашининг кушандаси! Биз орамизда шахслар кўпайишини орзу қиляпмиз, бунинг бош омили фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги экан.

лиги таъкидланаяпти. Тўғри-да, ахир нечоғли мазали бўлмасин, бир қозон гўшти ҳарчанд қовурган билан ош ҳосил бўлмайди, паловхонтўра егимиз келса, унга керакли бошқа зарур масаллиқларни ҳам қозонга солишдан ўзга чорамиз йўқ...

Лондон ва Кардиффда ўтган етти кун ичида Буюк Британиядек давлатнинг матбуот тизими, таҳририятлар иш тартиби ва ҳоказолар ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш қийин, албатта. Лекин шу нарса муқаррарки, ҳар қандай ютуқ ортида катта меҳнат, хизмат ётиши, айниқса демократик матбуот мавқеини тиклаш осонлик билан рўёбга чиқмаслиги кўриниб турган ҳақиқат экан. Шуни ҳам унутмаслик керакки, демократия шоҳона иморат эмаски, томини ёпгач, бўлди, ишлар битди, десак. Йўқ, демократия узлуксиз давом этадиган, бутун имконият ва маҳоратни унинг йўлида сарф этишга тўғри келадиган ижтимоий-маърифий, фалсафий-психологик жараён экан!

Буюк Британия журналистлар уюшмаси раиси ҳасратидан чанг чиқиб кейинги йилларда инглиз журналистикаси таназзулга юз тутаетганини, матбуот тизими бир ҳовуч давлатмандлар қўлида қўғирчоққа айланаётганини, журналистнинг ҳуқуқий имкониятлари омонат бўлиб қолаётганини очиқ-ойдин гапириб берди. Унинг айтишича, журналистларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти аввалгидан анча пасайган. Йилига 30 минг, ҳатто 6 минг фунт стерлинг маош оладиган журналистлар ҳам бор. «Газеталарнинг кўпайгани демократия шарофатидек туюлади,—деди у.—Аслида эса ундай эмас, жами матбуот кучларининг 35—40 фоизи бир киши қўлига қарам».

Дунёда энг машҳур Рейтер агентлигида бўлдик. Бу ахборотлар кошонасининг ҳам қанча муваффақияти бўлса, шунга яраша муаммолари ҳам қалашиб ётибди. Агентлик фаолиятдан ҳикоя қилувчи журнал муқовасидаги фотосуратда машҳур теннис устаси Агасси теннис тўри тепасига энгашиб зилол сув булоғидан қониб-қониб ичяпти.

Сув — ахборот рамзи!

Ахборот — обиҳаёт тимсоли!

Демак, дунёни тоза сув, тоза ахборот кутқаради, мутараққий инсоният ҳаётини ахборотдан узилган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Аллоҳ таоло бандаларини ёруғ дунёдаги барча неъматлардан баҳра олиш учун яратган, ҳамма яхши неъматлар инсон манфаати учун яра-

тилган, бизнинг даврга келиб ахборот энг зарур неъматларнинг зарурига айланди! Энди одамларни ахборот оқимидан сиқиб бўлмайди, журналистлар ҳам, жаҳон жамоатчилиги ҳам, тараққий этишни астойдил мақсад қилиб қўйган давлат раҳбарлари ҳам бунини тан олмай иложлари йўқ.

...Хайрлашув кунимиз Лондон марказидаги ниҳоятда маҳобатли жомъе масжидини зиёрат қилдик. Икки қаватли гаражни айланиб ўтиб, кенг даҳлизга, у ердан ҳашаматли ва улкан хонақоҳга ўтдик. «Жума кунлари даҳлизу гаражларгача намозхонлар сиғмай кетади» — тушунтирди масжид ходими ва қўлимизга янги келган газетани тутқазди. Инглиз тилидаги «Исломиий янгиликлар» экан.

Яна газета, яна ахборот, яна бохабарлик истаги... Замон кишисининг бирор кунини, бирор соатини ахборот оқимидан узилган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

БЕРЛИН МАНЗАРАЛАРИ

Олмония шунчалар олисми?

Замонавий авиациянинг одам ташувчи энг тезуچار самолётларидан бири етти соатда етиб борган диёрни яқин дейиш қийин. У ернинг одамлари ҳам кўнгилга яқин бўлиши осон эмас.

Тун ярмидан оққанда Тошкентдан ҳавога кўтарилган «А—310» Франкфуртга етиб боргунича шу фикр бир неча бор хаёлдан кечди. Ҳамроҳларнинг бир қисми ором олиб ухляпти, айримлари йўлнинг танобини гурунги ҳисобига тортиш пайида. Эркин Воҳидов луғатни қўлдан қўймайдилар ҳисоб. Олис тил ва қалблар туташувини енгиллаштирувчи луғатга кўз югуртириб қўймаганим ўзимга нашъа қилди. Адабиётшунос дўстим Шухрат Ризаев Олмонияда бошланган Ўзбекистон маданияти кунлари кўнгилдагидек ўтаётганини, бу юртга қилган дастлабки сафаридан мамнунлигини ҳикоя қилди. Бироқ бу билан ҳам Олмония ва олмонларнинг биздан анчагина олислиги туйғуси кўнгилни тарк этмади. Франкфурт аэропортидаги дастлабки таассуротлар бу ўжар туйғунини бир қадар тасдиқлади: аввало, Тошкентда самолёт училишини кутиш залида тик оёқда туриб белгача совуқ ўтган бўлса, бу ерда бино ҳароратининг жойида экани боис пальто ва ёмғирпўшлар билангина илдинди. Ҳар кимда қулайдан-қулай юк ташиш аравачалари пайдо бўлди.

Ғарб мамлакатлари шаҳарлари озодалиги билан кишини лол қолдиради. Франкфурт шу маънода ҳам Тошкентдан анча «олисда» экан. Оёқ остига ёғ тушса ялагудай!.. Саҳар 6.30 да китоб дўкони илк харидорларга эшик очганини, у ердаги китобларнинг хилма-хиллигини, юксак даражадаги сифатли эканини айтмайсизми?! Берлинга олиб борувчи йўлнинг равонлиги, шинамлиги, қулайлиги, икки ёнда кета-кетгунча ўрмон, дала ва қишлоқ уйлариининг бежирим, озода, саришталигини, йўл-йўлакай дуч келадиган қўналғалардаги шарт-шароитларни таърифлаб адоғига етиш қийин. Оқиғи, уларнинг бари Тошкентдан, бизнинг мамлакатдан анча-мунча йироқда ҳали!..

Бу йироқликни нима яқинлаштиради, оралиқ масофани қисқартирувчи кучни қаерлардан изламоғимиз керак? «Ундай шарт-шароитларни невараларимиз ҳам кўрмай ўтади» деб армонда кетаверамизми?

Олмониядаги элчихонамиз хизматчиси «Тойота»ни елдириб кетяптию, бизни зериктирмаяпти ҳам. Ўзаро муносабатлар, Олмонияга доир маълумотлар, турмуш маданияти, тафаккур даражаси, менталитет... гап-сўзлари, дунёқараши мутлақо бошқача, бизникига ўхшамайди. Баъзан, «шофёр одам ҳам шунча билимдон бўлади-ми!» деб юбораман ўзимча.

Бўлар экан! Дунё кўрса, одам таниса, юрт кезса, ўқиса-изланса бўлар экан! Назаримда, мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштирувчи омиллардан бири ҳам шу! Тошкент ва Франкфурт, Берлин оралиғидаги «йироқлик»ни қисқартирувчи нажоткор куч ҳам шу!..

«Темпера-амент!.. Кхорош-шо!..»

Маданият кунларининг якуний босқичи тадбирларининг очилиши маҳобатли «Форум» меҳмонхонасининг концерт залида бошланди. Шаҳар бургомейстерлиги раҳбарияти вакили ўз табрик сўзида «Ўзбек маданияти кунлари Берлин маданияти доираларини янада кенгайтиради» деди.

Концерт бошланди. Таниш куй-қўшиқлар, рақслар эҳтимол бизга одатдагидек кўрингандир. Бироқ ён-атрофимизда ўтирган ва саҳнада кечаётган ҳар бир куй-қўшиқ оҳангини, раққосаларимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини сеҳрлангудай бўлиб тинглаб, томоша қилиб ўтирган немис биродарларга қараб туриб... санъатимизга бўлган муҳаббатимиз чандон ошди.

Концерт тугадию, ҳеч ким зални тарк этишга шошил-

мади. Ким таржимон ёрдамида, ким ўзи билганича, ким имо-ишоралар «кўмаги»да гурунгни қизитиб юборди. Рассом Сюзанн Фрост санъаткорларимиз либосларининг рангдорлигидан лол қолганини айтди. «Рақслар, доира, карнай, сурнай... темпера-амент!» деди ҳайратланиб. Машҳур туркшунос олима, Гумбольд университети профессори Ингеборг Балдауф хоним ўзимизнинг соф жайдари тилда «Гап йўқ!» деб баҳолади. Унинг турмуш ўртоғи Герхард азбаройи ҳаяжондан ўйинга тушиб кетди. Концерт дастуридаги рўйхатни кўрсатиб, «Насиба Абдуллаева» исми-шарифи остига икки қайта чизиқ тортиб қўйганини кўрсатди ва «Кхорош-шо!» деб илова қилди.

«Санъат кишиларни яқинлаштиради» деган иборанинг аҳамиятини унутиб қўйган кезлар ана шундай тадбирларнинг жонли гувоҳи бўлиш кўп жиҳатдан фойдали экан...

Халқига топинар ҳақиқий шоир

Гумбольд университети маданият саройида ўтказилиши мўлжалланган ўзбек шеърини оқшомига ҳозирлик кўраётиб «Мухлислар келармикан»? деган хавотир ҳам йўқ эмас эди. «Бу ерда олдиндан бир нарса дейиш қийин, — деди элчихонамиз хизматчиларидан бири, — икки киши келадими-икки юзми — борганда кўрамиз».

Иккинчи қаватдаги хоналардан бирида бошқа бир тадбир ўтаётган экан, учинчи қаватдаги махсус концерт залига кирдигу тўп-тўп бўлиб йиғилаётган ўзбек шеърини шинавандаларини кўриб енгил тортдик. Қувондик.

Учрашув ҳақидаги таассуротга ўтмай туриб олмониялик ўзбек адабиёти мутахассислари ҳақида икки оғиз тўхталмасликнинг сира иложи йўқ.

Юқорида эслаганимиз — мазкур университет кафедра мудири, профессор Ингеборг Балдауф хоним асли австриялик. Ҳаётининг мазмун-моҳиятини туркий тиллар, туркий халқлар адабиёти ташкил этади, десак муболага эмас. Бу олима аёл ҳақида эшитгандиму, ўзини шахсан танимасдим. «Форум» меҳмонхонасидаги дастлабки концерт оқшомида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Наим Қаримов билан эски қадрдонлардек сўрашиб-исташаётган аёлни кўриб, тўғриси, маҳаллий ўзбеклардан бўлса керак-да, деб ўйладим. Шуҳрат Ризаев, «Балдауф худди ўзбек аёлларидек кийиниб олибди-я!» деб тахминимга тузатиш киритди. Чиндан ҳам, Ингеборг хоним ниҳоятда одми кийинган, сочини турмаклаган, ўзини тутиши, гап-

сўзлари, ўзига ярашиб турган тортинчоқлиги, айниқса, ўзбек тилини чертиб-чертиб, дона-дона гапириши кишини беихтиёр ўзига жалб этмай қўймайди. «Шояд» сўзини ғоятда мулойим талаффуз қилади. суҳбатимиз асосида халқ нақллари бемалол ва жуда ўрнида ишлатиши тилнинг жозибасига жозиба қўшади.

Олима Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган илмий анжуманда катта маъруза билан қатнашди. Буюк адиб ва шоиримизнинг «Дамлар» шеъри билан Товфиқ Фикратнинг «Тафаккур» шеърини қиёсий таҳлил қилар экан, шеъриятга соф эстетик нуқтаи назардан ёндошганини, тўғрироғи, шундай ёндошиш зарурлигини намоён этди. Ваҳоланки, биз ҳали-ҳанузгача шўро даври кўникмаларидан воз кечолмаслик иллати оқибатида бадий воқеликни ижтимоий-сиёсий ё бўлмаса мафкуравий нуқтаи назарлардан баҳолашга, таҳлил этишларга ўралашиб қолиш ҳолларидан буткул қутилганимизча йўқ. Шу маънода И. Балдауфнинг бадий асарга ёндошиш услуги бизнинг адабиётшуносларга кўп жиҳатдан ибрат бўлади.

Туркология бўлими тадқиқотчиси М. Фридрих ўзбекчани уйғурча ва татарчага аралаштириб гапирар экан. У Чўлпон шеъриятининг татар шеърияти билан муштарак жиҳатлари мавзуда чиқиш қилди. З. Клайнмихел хоним Чўлпон драматургиясининг ўзига хосликлари хусусида тўхталди. Ўзбекчани шошмай, андек ҳаяжон билан, гўё ўзбек сўзларига хиёнат қилиб қўйишдан чўчигандек авайлабгина гапирадиган бу камсуқум олиманинг «Ўзбек драматургияси ва насри ҳақида (1910—1934)» деб номланган салмоқли тадқиқотини кўрган ҳар қандай олимимиз ҳавас қилиши тайин.

Шеърият оқшомига қайтамиз. Учрашув бошланиш дақиқаларига келиб зал гавжумлашди. Ингеборг хоним учрашув «қаҳрамонлари» билан таништирди. «Шеърият ҳаммавақт кимгадир азиз бўлади, — деди Абдулла Орипов, — Олмония шеърият ватани, биз ана шу диёрда шеър ўқимоқдамиз. Бу ерда ўтирган дўстлар қалбига йўл топа олсак, демак, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий сингари бобокалонларимиз руҳи шод бўлгай».

Ўзбек дасирасининг жаранги зални гўмбурлатиб юборди. Зарбоф тўн кийган Маъмуржон Тўхтасинов куйлади:

Жонон бўламан, де-еб ҳаммани куйдирасанми?..

Куйган шу фақи-ирларни яна ёндирасанми?..

Ён-теварагимда ўтирганларнинг кўзига қарадим. Олмонлар, турклар, ўзбеклар эркак-аёл, кексаю ёш ташна

нигоҳ ва ҳайрат тӯла вужуд ила ўзбек қўшиғини тинглаб, ўзбек рақсини томоша қила бошладилар. Юқорида орган, бир чеккада рояль сукут сақлади, гуё улар ҳам бу кўҳна кошонада не-не мусиқали оқшомлар гувоҳи бўлиб бунақасини на кўрган, на эшитган!..

Шеърхонлик бошланди. Эркин ака ўқидилар. Абдулла ака ўқидилар. Дам олмон сўз устаси Каринг Винклер, дам турк ўғлони Жам Даламан ҳам олмонча, ҳам туркча таржималарни ўқидилар. Эркин аканинг фалсафий шеърларига гулдирос қарсақлар жўр бўлди, Каринг хоним тилидан «Матму-уза» саргузаштлари эшитилганда қаҳ-қаҳ отиб кулдилар. Абдулла ака «Ишонч кўприкларни»ни ўзгача шиддат билан ўқиди:

Юздан парда кетса,

Дилдан диёнат.

Назаримда Абдулла ака шу лаҳзаларда ушбу шеърнинг лирик «мен»ига айланди — шиддат, ҳарорат ошгандан-ошди, зални ШОИРнинг наъраси қонлади:

Етимлар ҳаққидан қўрқмаса биров...

Ғазналарга чўзилса қўллар.

Элнинг шоирлари ғаним зотлар каби

Бир-бирларини ғажиб есалар

Андишани қўрқоқ десалар...

Ёнимда ўтирган Шуҳрат Ризаев шеър таъсиридан билагимни маҳкам сиқди, мен залда ўтирганларни кутатдим. ШОИРнинг важоҳати, ШОИРнинг ҳукми, ШЕЪРнинг қудрати кишилар қалбига, кўз қарашларига кўчиши учун тилни билиш ҳам шарт эмаслигининг гувоҳи, шохиди бўлдиқ ўша лаҳзалар.

Абдулла ака шеърни ниҳоясига етказди: «Халқим, топинаман ўзингга тагин...» Шеър худди бугун ёзилгандек, Абдулла Орипов Олмония сафари арафасида қоғозга туширгану оҳори тўкилмагандек. Бунинг боисини Эркин Воҳидов учрашув ниҳоясида изохлаб ўтдилар.

Хуллас, учрашув ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди, икки улкан шоиримизни мухлислар «қўлдан» чиқаргилари келмади. Афғонистоннинг Шибиргон томонларидан оиласи билан хижрат қилган Абдулманнон Тошқин Гегель фалсафасидан илмий иш қилган экан. «Ғарб алло-малари жилд-жилд китобда айтган ҳикматларни ўзимизнинг Шарқ донишмандлари икки мисрага жо қилиб, гузал тарзда ифода қилган экан» деди у киши. Қошғарли Маҳмуд номидаги туркий халқлар культур бирлигини ташкил этиш ҳаракатида экан.

Шу ўринда кўнгилда бир фикр тугилди. Хорижий

мамлакатларда яшаб ўзбек, умуман туркий халқлар адабиёти, маданияти, санъатини ўрганаётган, тадқиқ этаётган кўплаб олимлар, мутахассислар фаолиятини ўрганиш, мувофиқлаштириш маркази ёки кенгаши ташкил этилса, яқиндан ҳамкорликлар ўрнатилса, биргаликда турфа илмий-назарий-амалий анжуманлар, тадбирлар ўтказилса...

Дарвоқе, Эркин Воҳидов учрашув ниҳоясида сўз олиб, бу оқшом ўқилган шеърлар юртимиз озодлигини истаб ёзилгани, ҳозирги ёш ўзбек шоирларининг ўз мустақил ватани ва сўзи борлигидан ҳавас қилишини айтди.

1 + 5 = 2 экан!

«Гамбург вокзали» музейи 60-йиллардан кейин кенг расм бўлган модерн оқимиға мансуб суратларни намоиш этишға ихтисослашган экан. Делегациямиз аъзоларини илиққина кутиб олган музей катта илмий ходими ихлос билан ҳикоя қилишға киришди. Бироқ кўргазмага қўйилган асарларни томоша қилиш томошабиндан анчагина ҳозирликни талаб қилиши зумда аёнлашди. Энг янги измлар «иси» уфуриб турган суратларни идрок этиб, улардан завқ ола билиш ҳам санъат.

Каттагина уйға тенг келадиган китоб жавонига бир қулочли китоблар куйиндиси тахланган. Ярим-ёрти очилган варақларға ҳисобсиз нўхот ёпиштирилган. Илмий ходимнинг тушунтиришича, Олмония ҳукумати қайси йилидир аҳолини қайта рўйхатға ўтказа бошлаган, бу тадбирни нохушликка йўйган аҳоли (ҳукумат аҳолини ҳисоб-китоб қияптими, демак, у бир балони бошлайди, деган хавотирда) ўзига хос тарзда норозилик изҳор қилган. Асардан кўзланган ният шу. «Нўхот нимани англатади?» деб сўраган эдик. «Халқимизда нўхотни бит-талаб санашға уриниш тентаклик» деган нақл бор, деган жавоб олдик. Биздаги, «тентакка юлдуз санатиш» деган нақлга ўхшаб кетар экан...

Заллардан бирида Полкер деган рассомнинг икки-уч асарини кўрдик, биттасини дафтаримға айнан кўчириб олдим. Мана, у:

$$1 + 1 = 3$$

$$1 + 3 = 6$$

$$4 + 4 = 5$$

$$7 + 3 = 8$$

$$5 + 1 = 2$$

$$3 + 4 = 9$$

$$6 + 2 = 7$$

$$8+7=4$$

$$1+5=2$$

Хўш, бу қандай асар? Унинг бадий қуввати, қиммати, фалсафий моҳияти нимада? Кўринишдан арзимасдек, ҳатто кулгили туюлган бу асарни шундайин нуфузли музей кўргазмасига қўйилганининг ҳикмати нимада?

Бу — Олмония тараққиётининг, немис халқи тафаккур дунёсининг юксаклиги рамзи, десам муболаға бўлмас. Зеро, дунё тараққиёти $2+2=4$ да акс этган мутлақ ва мустабид мафкурада эмас, балки юқорида айнан кўчирилган тасвирий санъат асарида ифода топган фикр ва қарашлар хилма-хиллигида!..

Тегирмончидан енгилган... қирол

Пруссияга 1740—1786 йилларда қироллик қилган Фридрих II нинг Потсдамдаги ёзги дам олиш қароргоҳи «Беташвиш», «Ҳаловот» деб аталар экан. Қирол бу сулим ўрмон қучоғидаги гушасида нечоғли ҳаловот топганини кўз олдимишга келтириш қийину, ҳар қалай сарой ниҳоятда ўзига хос меъморий ёдгорлик бўлиб қолган. Йўлаклар, кутубхона, қабулхона, меҳмонхона, мусиқахонлик хонаси — ҳамма-ҳаммаси такрорланмас безакларга бой. Буюк француз адиби ва мутафаккири Вольтер қиролнинг дўсти сифатида 3 йил яшаган хона ҳам шу ерда экан. Қирол уни ўзига дўст деб билибди, шундайин шоҳона шароит яратиб берибдики, Вольтер жаноблари беармон ижод қилибди-да, охир-оқибат қирол билан чиқиша олмабди... Чинакам ижодкорлик аломатими бу, ҳақиқатпарвар донишманднинг тўғри сўзлигими ёхуд оддий инсоний қайсарлик оқибатими ё?..

«Ҳаловот» қўргонидан пиёда юриб Иккинчи жаҳон урушининг тарихий ҳодисаларидан бири юз берган қўргонга бордик. Бу, 1945 йил ёзининг охирида АҚШ, Буюк Британия ва СССР ҳукумат бошлиқлари учрашган Цециленхоф саройи эди. Торгина автомашина йули ёқасида кўҳна шамол тегирмони, унинг улкан тахта парраклари чарх уриб айланмаганига ким қанча йиллар бўлган — Худога аён. Таржимон хоним мазкур тегирмон билан боғлиқ тарихий ҳодисани ҳикоя қилиб берди.

... Тегирмоннинг парракалари айланганида чиққан шовқин қирол Фридрих жанобларининг тинчини бузар, бундан норозиланган қирол тегирмонни тўхтатиб қўйишга амр этибди. Шоҳ амри вожиб деганларидек, тегирмон тўхтатилибди. Бироқ, тегирмончининг гуноҳи не?

Унинг тирикчилиги қандай ўтади энди? Алқисса, тегирмончи қиролни судга берибди. Суд арзномани қонун йўли билан кўриб чиқиб, уни тегирмончининг фойдасига ҳал қилибди.

Биз жамиятимизда қонун устиворлигига эришиш орзусида яшаяпмиз, жамиятда тутган ўрни, мавқеидан қатъи назар кишиларимиз қонун олдида тенг кўрилиши зарурлигини кишиларимиз онгига, дунёқарашига сингдиришнинг машаққатли тўсиқларини енгиб ўтмоқдамиз...

XX асрнинг уч қудратли давлатига етакчилик қилган уч улкан арбоб 15 кун мобайнида юзма-юз ўтириб милитаристик Олмония устидан адолатли ҳукм чиқаришган зални — ўша давра столи, ўша ўриндиқ, Сталиннинг ўша дам олиш хонасини бирма-бир томоша қилдик, соҳибжамол соҳиба хонимнинг ёқимли рус лаҳжасидаги ҳикояларига қулоқ солар эканман, уч тарихий арбоб чиқарган ва ўрнатган ҳукм нечоғли адолатли бўлган-бўлмаганини билмадиму, бояги — қонун кучи билан қиролдан устун келган тегирмончи эришган адолатли ҳукм кўпроқ ҳайратга солди...

ЕРОСТИ ЙЎЛЛАРИ МАМЛАКАТИ

АВВнинг шиори: қулайлик!

Дунёнинг турли мамлакатларидан келган журналистлар чиққан автобус Цюрих шаҳридан узоқлашиб улгурмай ер ости йўлидан ўта бошлади. «Швейцария — ер ости йўллари ўлкаси» деган таърифни эсладим. Кафтдек текис йўл, икки томон қуюқ ўрмон билан қопланган тоғ, тоғ қишлоқлари... яна ер ости йўли. Буниси ҳийла узун экан. Автобуснинг тезлик кўрсаткичига кўз югуртирдим. Тезлик мили 90—100 рақами устида!.. Олдинда бораётган, орқадан келаётган хилма-хил машиналар оқимининг боши-адоғи кўринмайди. Бейхтиёр швейцариялик машҳур адиб Фридрих Дюрренматтнинг «Туннел» ҳикояси ёдимга тушди. Ҳикояда охири кўринаётган ва олдинда «йилт» этган умид шуъласи кўзга чалинмаётган ер ости йўлида шиддат билан елиб бораётган поезд вағонидаги талаба йигитнинг умидсизлик ва чорасизлик олдидаги даҳшатли ҳолати тасвирланган. Яъни, ҳикоядан келажакда инсонни муқаррар ҳалокат кутмоқда, деган хулоса чиқади.

... Инсон эса фаровонроқ ва узоқроқ яшашни истай-

ди. Ақлу тафаккурини шу йўлда сафарбар этади. АББ-нинг фалсафаси, фаолияти, мақсад-маслаги ана шу эзгу ниятга — одамлар турмушини янада яхшилаш, оғирини янада енгиллаштириш, янада қулайлаштиришга қаратилган!

Ўтган асрнинг охирларида Швейцарияда Асеа АБ компанияси ташкил топади. Худди шу пайтда Швецияда Бровн Бовери ВВС компанияси вужудга келади. Ҳар икки компания бир мақсадни — оғир саноат, сув иншоотлари ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш воситаларини электрлаштириш орқали такомиллаштириш, ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Стокгольм ва Баден шаҳарларида туғилган мазкур икки гоё эгалари жуда-жуда илгарини, яъни дунё техник тараққиётга юз тутишини, энг оддий турмуш тарзидан тортиб то улкан иншоотларгача тинимсиз янгиланишга муҳтож бўлишини олдиндан кўра билган эдилар.

Мақсадлар муштараклиги икки компанияни 1987 йили бирлашишга ва Асеа Бровн Бовери — АВВ деб ном олган улкан компанияни вужудга келтирди.

Гулни эъзозлаган — одамни эъзозлайди

Ўттиз икки қаватли «Свисотел» теварак-атрофини айланиб юриб, «Бизни шаҳарнинг қоқ марказидаги меҳмонхонага жойлаштиришибди-да» деб ўйлагандим. Йўқ, мезбонлардан бири шахсий машинасига миндириб шаҳарнинг чинакам марказига олиб борди, сайр қилдирди. Бундай олиб қараганда, шаҳарнинг маркази билан чеккаси ўртасида кўпда фарқ сезилмади ҳам. Марказда ҳам ниҳоятда тор — Тошкентимизнинг Эски шаҳар жинкўчаларини эслатадиган «лабиринт»лар кўп. Фақат, баланд-паст кўчаларнинг барига тош ётқизилган, дўкон кўп, йўловчи кўп, шунга қарамай ниҳоятда озода, тоза, сарамжон-саришта. Аслида хонадонини, кўча-кўйни озода тутиш, умуман, покизалик халқимизга хос хусусият-ку. Эндиликда ушбу азалий фазилатни қайта тиклайдиган, тиклаганда ҳам энг тараққий этган замонавий мамлакатлар мавқеига тенгма-тенг ривожланишни кўзламоғимиз керак бўлади. Туманимиз, шаҳримиз, юртимиз жамоли-кўркини безаш масъулияти авваламбор аҳоли зиммасига тушади. Ҳар бир кишида шунга масъуллиқ туйғуси шаклланмагунича бунга эришиш қийин. Тараққий этган Ғарб диёрларидаги саришталик ва озодалиқ ҳам ана шу маданиятдан бошланган...

Биз тушган автобус кафтдек текис йўлда ғизиллаб

бораптию, кўз ўнгимдан ўтаётган бири-биридан бежирим қурилган тураржойлар, дўконлар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, гулзорлар, гул дўконлари, деразалардан «мўралаган» турфа анвойи гуллар... Голландияни гуллар диёри деганлар Швейцарияни кўрмаганми, дейман?! Азбаройи, гул дўконларининг олдидан нари кетгинг келмайди, меҳмонхонамизга қўшни майдончадаги гул бозорини оралаган кишининг ҳайратдан эси оғиб қолади.

Назаримда, анвойи гуллар парвариши, гулу гулзорлардан баҳра олиш маданиятига эришиш ҳам, фақат гулнигина эмас, ўзини гулдек авайлаб-эъозлаб яшашга одатланиш ҳам муайян фурсат, вақт талаб қилади, кўз ва кўнгил тўқлигини, ҳаловатини тақозо этади, шекилли...

Матбуот анжуманига 45 га яқин мамлакатдан 500 дан ортиқроқ матбуотчилар келишган. Улкан залнинг ён деворига ўнлаб давлат байроқлари илинган. Юқори қаторнинг ўртасида Ўзбекистон байроғи кўзимизга оловдек ташланди... Ҳаяжонланиб кетасан, киши!..

Фурсатдан фойдаланиб, кўплаб ҳамкасблар билан танишдик. Япония, Таиланд, Туркия, Украина... афсонавий Гарсия Маркеснинг ватандошлари билан эски қадрдонлардек давра қурдик. Улар ўзбекча газеталаримизни қўлма-қўл олиб, томоша қилишди. Газеталаримиздан бирида Маркеснинг исми ёзилган экан, колумбиялик журналистлар учун бу, буюк адибларнинг асарларида тасвирланган ақл бовар қилмас ҳолатлардан-да, ажабланарлироқ туюлди...

Икки тана — бир вужуд

Етмиш ёшлар нари-берисидаги чол-кампир, иккови ориқ, новча. Бири бирининг пинжига киргудек, бири бирини суяб, авайлаб, имиллаб, оёғини сургаб келаяпти. Дам чол, дам кампир минғирлайди. Кампир гапирганда чол, қулоғи оғирроқ шекилли, кампирнинг оғзига қадар бошини солинтиради. Чол кампирни қўйиб юбормайди, қўйиб юборса... эҳтимол, неча ўн йиллар бир жон-бир нафас яшаган ва бир вужудга айланган бу икки тана айри-айри қололмайди. Юролмайди ҳам. Манзилига етолмайди ҳам. Автобус бекатига етганда чол ва кампир бирдан тўхтади, чол кампирга нимадир деди. Чирмашган қўллар бўшалди. Чол йўл чеккасида ётган қаламча навдани олди. «Нима қиларкин?» деган хаёлда уларни кузатдим. Кампир темир тўсиқни икки қўллаб тутди-да,

тиззасини букиб бир оёғини орқага кутарди. Чол чук тушиб, ердан топган навда билан кампири оёғидаги кроссовка остидаги лой-тупроқ юқини шошмасдан, узоқ қирди. Сўнг, иккинчи кроссовка остини тозалади.

Шундан сўнг чол билан кампир ўрин алмашди. Энди кампир зўр ҳафсала билан чол кийган кроссовка остидаги лой юқини қиртишлади. Қарадим, икки жуфт кроссовкадан нари борса бир кафт тупроқ тушди. Чол кроссовкасининг чеккаси билан тупроқни бетон йўлкадан «супуриб» туширди, шиббалаб босди, қўлидаги чўпни чиқинди қутисига ташлади ва яна кампирини қўлтиқлади. Кампир минғирлади. Чол энгашиб, унга қулоқ тутди, жавоб берди.

— Мен баданим оқ десам, сеники меникидан ҳам оппоғ-а? — сўради кампир.

— Икковимизнинг зувадамиз бир-да, бир зуваладан ясалган эркак-аёлмиз. Шунинг учун ҳам рангимиз, феълимиз бир хил!..

Назаримда, меҳр-оқибат, вафо-садоқат уфуриб турган чол билан кампир бир-бирининг қулоғига шу гапларни пичирлаб бораётгандек эди. Тўғри, мен меҳр-муҳаббат тилида айтилган бу гапларни эшитмадим, тахмин қилдим, холос. Айтмоқчи, эшитганда-чи, чол-кампирнинг тилига тушунмасам, чунки мен кузатган ва шоша-пиша суратга туширган бу файзли манзара-ҳодиса Швейцариянинг Цюрихидан йигирма беш чақиримлар олисликдаги шаҳарча кўчаларидан бирида юз берди...

ҲУРЛИҚ ВА ХАВФСИЗЛИК: МУВОЗАНАТ ИСТАГИ

АҚШдан нималарни кўриб, ўрганиб қайтдик?

Ҳақиқат — нисбий

Жуда кўпчилик кишиларнинг назарида Америка Мутлақ мувозанат руҳига яқин, шу руҳга ҳамоҳанг жамият мувозанатини ярата олган мамлакат сифатида таассурот қолдиради, ҳавасларни келтиради. Замонавий ибора билан айтганда, Америка суверендемократия диёри сифатида ер юзи аҳолисининг кўпдан-кўп кишиларини мафтун этади. Жумладан, матбуот эркинлиги борасида ҳам АҚШ журналистикаси демократик тараққиётнинг юқори поғоналарига кутарилгани тан олинади. Уч ҳафталик тадбирнинг мавзунга эътибор қилинг («Миллий хавфсизлик ва матбуот эркинлиги: мувозанат излаб...»),

у ҳар қандай кишини масала-муаммога фавқулодда янгича нуқтаи назарлардан ёндошишга ундайди. Гап, бутун дунёдаги тараққиёт ва ривожланиш йўлининг хавфсизлик шартларини ҳам унутмаслик зарурлиги ва бу икки қарама-қарши қутб орасида мувозанат посангисини топа билиш оқиллиги ҳақида бормоқда.

Уч ҳафтага мўлжалланган тадбир ҳомийси АҚШ ҳукумати, ташкилотчиси АҚШ Ахборот агентлиги (ЮСИА) бўлса-да, тадбир дастури нотижорий, нодавлат «Меридиан» маркази томонидан тузилган эди. Мезбонлар билан дастлабки учрашув ва танишув маросими ҳам мазкур марказнинг Вашингтондаги салобатли ва сўлим биноси кутубхонасида бўлиб ўтди. Ж. Вашингтон университети Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий муносабатлар кафедраси профессори Жанет Стил хоним билан суҳбат бевосита журналистика мавзусида борди. Мутлақ ҳақиқатнинг йўқлиги, ҳақиқат — нисбий экани, Жан Локк фалсафаси, одамлар давлат учун эмас, давлат одамлар учун хизмат қилмоғи лозимлиги хусусида сўз юритган профессор сўз эркинлиги диний эътиқод эркинлиги даражасига кўтарилиши лозимлигини айтди. Сиёсий раҳбарлар ҳамма даврларда ҳам танқидга тоқат қила олмаганларини, бироқ АҚШда ҳатто Президент уни таққилай олмаслиги ҳақида тўхталди. Мамлакатда матбуот чиқишлари эълон қилингунга қадар ҳар қандай таъқиб-таъйиқдан холи, мақола эълон қилингачгина муҳокама этилиши мумкин. Фақат уруш ҳолатидагина давлат матбуотни назорат остига олиши мумкин, чунки бундай пайтларда сўз эркинлиги тушунчаси ўзгача меъёрлар асосида ишлайди. Шунингдек, олима журналистларнинг ахлоқий қонунлари ҳақида тўхталиб, профессионал маҳоратни ошириш, сўз эркинлиги ва масъулиятини ҳис этиш касбий ахлоқ тушунчаларидан бошланишини таъкидлади. «Давлат журналистларнинг ахлоқий қонунларига аралашмаслиги керак. Журналистларимиз «қуриқчи ит»лик вазифасини ўзларининг муқаддас вазифаси деб биладилар».

Бундай мулоҳазалар нечоғли яхшилиги маълум, аммо-лекин ахлоқ мутлақо ички маънавий ҳодиса, зеро, ташқаридан белгиланган ва назорат қилинган ахлоқдан кўра ички маданият даражасига кўтарилган ахлоқ ишончлироқдир.

«АҚШда журналистлар интеллектуал эмас. Индонезия матбуотини кўп ўргандим, кузатдим, уларда журналистлар — интеллектуал».

Хуш, бизда, Ўзбекистонда-чи? Бизнинг журналистлар интеллектми? Умуман, журналистдан фавқулодда интеллектуалликни талаб қилиш нечоғли тўғри?

Оммавий ахборот воситалари зиммасидаги ҳозирги муаммоларни тезроқ бартараф этишни истаётган эканмиз, шу каби саволлар жавоби борасида жиддий бош қотиришга тўғри келади...

Вашингтондан чиқиб 15—20 дақиқа машинада юриб, катта дарё кўпригидан ўтилса, Виржиния штати бошланишида ҳилпираб турган байроқ шаклида қурилган маҳобатли бино қарши олади. Биз «Озодлик форуми» марказидаги «Ньюзиум»ни томоша қилгани боргандик. Маҳобатли бинода АҚШда нашр этиладиган бирдан-бир ҳукумат газетаси «Бугунги АҚШ» газетаси таҳририяти жойлашган. Неча қаватлигини икки қайта санашга уриндик — рақам ўттиздан ошганда ҳисобдан адашдик.

«Ньюзиум» ўзига хос матбуот тарихи музейи. У ерда АҚШ матбуот тарихига дахлдор маълумотлар билан танишиш мумкин.

Виржиния штатидан қайтишда Оқ уйга кирдик. Бу уй АҚШнинг тарихга энг бой биноларидан бири. У ерга биринчи бўлиб 1800 йилнинг ноябрида Президент Жон Адамс кирган. Шундан сўнг Оқ уйни қуришга киришилган. Президент Томас Жефферсон даврида Оқ уйга эрталабдан пешинга қадар хоҳловчилар эмин-эркин кириши йўлга қўйилган. У Президент яшаётган ва ишлаётган уйнинг ички шарт-шароитидан аҳоли воқиф бўлиши зарур деб ҳисоблаган. Демократиянинг ўзига хос ифодаси бўлган бу одат ҳали-ҳануз амалда.

Биз ҳам мана шу марҳаматдан фойдаландик. Оқ уйнинг бири биридан ҳашаматли ва рангдор залларидан ўтиб борар эканмиз, ҳамроҳларимни четдан кузатиб, ўзбек журналистлари АҚШнинг Бош биносида эмин-эркин томоша қилиб юргани икки-уч лаҳзада ўтиб кетадиган тушдек, хаёл манзараларидек таассурот қолдирар эди...

Пентагонда... Чуст пичоқчаси

«АҚШ Мудофаа вазирлиги» дегандан кўра Пентагон атамаси кўпчиликнинг назарида қандайдир эртаклардаги енгилмас ва қудратли масканни кишининг кўз ўнгида намоён қилади. Қўлимизга берилган дастурда бу ҳарбий-мудофаа маркази қайд этилганини кўрганда ҳам, тўғриси, ўша бинога кириш ва ўз кўзимиз билан кўриш амалга ошмайдиган афсонадек туюлган эди. Ана шунда ҳар қандай фавқулодда мўъжиза ҳам оддий реалликка

айланиб қолиши осон кучадиган замонда яшаётганимизга яна бир карра гувоҳ бўлдик.

ЮСИАнинг Пентагондаги вакили Дэвид Эванс тегишли рухсатномаларни расмийлаштиргунича хийла вақт кутишга тўғри келди. Ҳар қалай, ўз номи билан Пентагон-да! Бозор эмаски, дуч келган одам кириб кетаверса.

Айтганча, Пентагоннинг кираверишдаги йўлаклари бозорга ҳам ўхшаб кетади: дўконлар, таомхоналар, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари. Одамларни-ку, асти қўяверасиз. Аэропортга келиб қолгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Маълумотномага кўз югуртираман: «АҚШ Мудофаа вазирлигида ҳарбийлардан ташқари 800 минг фуқаро хизмат қилади»...

Рухсатномалар қўлга теккач, аэропортларда ҳаммага таниш бўлиб қолган электрон назорат «ҳалқа» орасидан ўтаётганимизда ғалати ҳодиса юз берди. Ҳамроҳларимиздан бирининг ён халтасидан чустлик ҳунармандлар ясаган пичоқча «топилди». Соқчилар бирдан ҳушёр тортди, безовталаниб қолишди. Пичоқчани бири олиб-бошқаси қўйиб томоша қилди. Биз буни мезбонларга совға тариқасида келтирганимизни тушунтиришга уриндик. Қаёқда! Зумда аллақайдан яна икки барваста ҳарбий зобит етиб келди. Пичоқчани кўздан кечиришди. Маслаҳатлашишди ва... ҳамроҳимизни қўшни хоналардан бирига таклиф қилиб, қандайдир ҳужжатларни тўлдиришди. Пичоқча соқчиларда қолди.

Ўзбекистонлик олти ўзбек кимсан Пентагоннинг йўлакларида сайру саёҳат қилиб юрибмиз. Хоналарга бош суқиб кирмасак-да, Д. Эванс қайси хонада кимлар ўтиришини, деворларга қўйилган тарихий фотосуратлару ҳужжатларни тушунтиришдан тинмади.

Журналистлар брифингида мухбирлар ўзларини ниҳоятда эмин-эркин тутишлари бизни бир оз ажаблантирди ҳам. Пентагонда аҳолининг хоҳиш-истагидан келиб чиқиб ахборот бериш тизими яратилган. Талаб ва истаксиз ахборот бериш ташвиқот ҳисобланади. Мамлакатда мажбурий хизмат 15 йил муқаддам бекор қилинган. Шу билан бирга ҳарбийлар ҳаёти, фаолияти билан оддий фуқароларнинг танишишига кенг имконият яратилган. Бунинг учун ҳар йили бир марта фуқаролар орасидан сайлаб олинган 60 киши ҳарбий қисмлар бўйлаб бир ҳафталик сафарга таклиф қилинади. Улар аскарларнинг турмуш тарзи, ҳарбий тайёргарлиги билан бевосита танишадилар. 1962 йилдан бери тажриба қилиб келинаётган бу бир ҳафталик сафар кўнгиллиларнинг

ўз ҳисобидан ташкил этилади. Бундай тадбир ҳарбий қисмлар ҳаёти ҳақида бўлар-бўлмас миш-мишлар тарқалишининг олдини олади.

— Мен Пентагондан тарқаладиган ҳар қандай ахборот учун масъулман, — деб ўзини таништирди подполковник Дик Бригдес. — Ҳафтасига икки марта матбуот анжумани ўтказамиз. Сира канда қилмаймиз. Журналистлар сутканинг истаган дақиқасида ахборот олиш ҳуқуқи ва имконига эга. Навбатчига ҳатто тунда, зарурат туғилса, уйига қўнғироқ қилиб бўлса-да, бирор янгилик ҳақида қўшимча маълумот олишига имконият яратилган. Тўғри, мураккаб саволлар ҳам бўлади, бу ҳолда саволга кечи билан 28 соат мобайнида жавоб тайёрлаб берилади. Бизга дунёнинг исталган нуқтасидан қўнғироқ қилишингиз мумкин — жавобимиз тайёр! Чунки бизнинг шноримиз «Мумкин қадар ошкора, мумкин қадар тезкор ахборот бериш!»

Мезбоннинг гап-сўзларидан, қатъиятидан Пентагоннинг, қолаверса АҚШ ҳукуматининг қудратидан фахрланиш, ғурурланиш туйғуси уфуриб турарди. Мен Пентагонга кириш чоғидаги ҳодисани эслатдим.

— Қудратли Пентагон соқчилари Чустнинг жажжи қаламтарошини кўриб шошиб қолишди-ку?

Д. Бригдес америкаликларга хос яйраб, хахолаб кулди, бир қизариб ҳам олди, сўнг тартиб шундайлигини тушунтиришга уринди. Мудофаа вазирлиги энг сирли ахборотларни-да тарқата билиши билан қудратли эканини таъкидлади. Ички маълумотлар қанчалик пинҳон тутилмай очиқ-ошкора эл-юрт назарига ташланган тақдирдагина халқнинг ишонч-эътиқоди ортишини сўзлаб берди.

Дарвоқе, махсус ўтказилган сўров натижаларига кўра сўров ўтказилган аҳолининг 44 фоизи ҳарбийларга ишонишини билдирган. ТВ янгиликларига 26 фоиз, Президентга 20, Конгрессга эса бор-йўғи 12 фоиз аҳоли ишонч билдирибди.

Қизғин савол-жавоблар узоқ давом этди. Мезбонлар билан яхши кайфиятда хайрлашдик. Ташқарига чиқаётганимизда соқчилар сардори бир қулоч тўлдирилган хатга имзо чектирди ва пичоқчани қайтариб берди.

Чустнинг бежирим пичоқчаси бизни кўчагача кузатиб чиққан Дэвидбойга насиб этди...

«Титаник»дан қолган мерос

Массачусетс шоҳ кучасининг бошланишида беш қаватли ниҳоятда кўркем бино пештоқида Ўзбекистон байроғини кўриб кўнгил ҳаприқиб кетди. Истиқлол берган имкониятлар, қалбларга жо бўлаётган ғурур туйғулари ҳақида кўп гапирамизу назаримда, фавқулудда ҳайратланарли мўъжизаларга ҳам кўникиб қолаётганимизга ҳайрон ҳам бўлиб қўяман. Дунёнинг энг қудратли мамлакати пойтахтида ватанимиз элчихонаси қад кўтариб, миллий байроғини ҳилпирашиб қўйишига 8—9 йил муқаддам ким ишонган? Ким тасаввур қилган?

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси ёнида ҳам, дунёдаги энг қимматбаҳо дўконлар мажмуи жойлашган Рокфеллер маркази хиёбонида ҳам, Спрингфильддаги таҳририятлардан бирига кираверишда ҳам Ўзбекистон байроғини кўрдик. Қувондик, фахрландик. Лекин элчихона муайян давлатнинг мазкур мамлакатдаги ҳудуди ҳисобланади. Тасаввур қилаяпсизми, Америкада Ўзбекистон ҳудуди!

Ўз «ҳудудимиз»ни қаватма-қават айланиб чиқдик. Ҳаётда дид билан ишланган ўзбек миллий наққошлик, ўймакорлик санъати Ғарб меъморчилик санъати намунаси билан ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетган!

Асримизнинг бошларида бунёд этилган бу уйнинг соҳиби ўз даврининг бадавлат зотларидан бўлган, бинони суюкли қизи учун атайин қурдирган ва тўйдан кейинги «асал ойи» сафарига машҳур... «Титаник» кемасида сафарга чиққан экан...

Вашингтон эндигина 200 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган экан. Шаҳар тўрт квадрантдан иборат. Кўчалар ниҳоятда батартиб, тоза, чаппар уриб очилган гулларга бурканган. Ярим миллионча аҳолининг ярмидан кўпини Африка-Осиё келгиндилари ташкил этади. Улар шаҳарнинг марказини «ишғол» қилишган. Қизиги, солиқлар ҳисобига кун кечириши тобора оғирлашаётгани боис шаҳар банкротга учрабди.

Элчихонамиздан чиқиб, кўча бўйлаб пиёда кетдик. Австралия, Туркия, Филиппин давлатлари элчихоналаридан ўтганимизда темир йўл вокзали майдонига чиқдик. Ўртада оппоқ мрамрдан ишланган Колумб ҳайкали! Америкада ҳар йили октябрнинг иккинчи якшанбасида Колумб ишғол этган кун шарафига «Колумб кун» нишонланар экан.

Ҳайкални кўрдигу, ҳамроҳларимдан бири билан баб-

баравар, «Колумбда бор аламин маним» деган машхур шеърнй мисра огзимиздан чиқди...

Оқ нуқта устида

Вашингтонда дид билан ишланган ҳайкаллар кўп. Шаҳарга ҳарбийдан чиққан меъмор асос солгани боис бўлса керак, ҳарбий кишилар, саркардаларга қўйилган ҳайкаллар тез-тез кўзга чалинади.

Ҳайкал ва сурат — Ғарб таомилига кўра инсонга бўлган ҳурмат-эҳтиром тимсоли. Конгресс заллари ва йўлакларида суратдан ҳайкал, ҳайкалдан сурат кўп. Уларда АҚШнинг 400 йиллик тарихи акс этган.

Капитолия биноси марказий залининг қоқ марказида тақсимчадек келадиган оқ «нуқта»да туриб суратга тушаётганлар эътиборни тортди. Вашингтоннинг рамзий маркази экан! Ҳатто дунёнинг маркази ҳам шу ерда бўлиши эҳтимолдан йироқ эмасмиш! Бу даъво жуғрофий маънода нечоғли ҳақиқатдан йироқ бўлса, сиёсий маънода ҳақиқатга яқинлигида, афсуски, жон бор.

Оқ нуқтада туриб тепага қаралса, Капитолия гумбази остида президент Жорж Вашингтон сиймоси бамисоли фаришталар кўмагида парвоз этиб... сизга арши аълодан боқиб турганга ўхшайди. Албатта, Капитолия гумбази арши аъло эмас, бироқ америкаликлар Капитолия гумбазини шаҳарнинг энг баланд белгиси сифатида тан олишади. Шаҳар бўйича ҳеч бир ерда Капитолия гумбазидан баландроқ иморат, иншоот қурилмаслигининг сабаби ҳам шунда, яъни АҚШнинг биринчи Президентига бўлган тарихий ҳурмат-эҳтиромни сақлаш!

Парламент биноси рўпарасида оппоқ мрамрдан ишланган АҚШ Олий суди биноси жойлашган. Ниҳоятда оқ! Ниҳоятда кенг ва сутдек оппоқ зинадан кўтарила борганингиз сайин мутлақ адолат манзилига етгандек ҳис қилади одам ўзини. Негаки, бу масканда энг одил ҳукмлар чиқарилади, бу муҳташам ва залворли бино соҳиблари чиқарган «фатво» ҳеч ким томонидан қайта кўрилмайди, муҳокама қилинмайди. Олий суд ўз номи билан ОЛИЙ!

Парламент биноси билан Оқ уй ораси бир милиядан ошмас экан, лекин бу икки бино эгалари ўртасидаги доимий келишмовчилик туфайли Оқ уй ва Капитолия бир-биридан жуда-жуда узоқ масофада жойлашган ҳисобланади.

Потомак дарёси бўйлаб Жефферсон зиёратгоҳи томон бораётганимизда мезбонимиз дарёнинг шундоққина ёқа-

сидаги бинога ишора қилиб, «Доллар шу ерда босилади» деди. Бутун дунё бозоринию сиёсатини, одамларнинг ҳаёт-мамотинию тақдирини ҳал қилаётган «куки» — доллар мана шу оддий, ҳатто кўримсизгина беш қаватли ёштин бинода чиқарилишига, қараб туриб, ишонгинг ҳам келмайди...

Жефферсон ва Линкольн жасорати

Мустақиллик Декларациясининг муаллифи ва Қўшма Штатларнинг учинчи президенти бўлмиш Томас Жефферсонга маҳобатли ёдгорлик ўрнатилган. Кўплаб зиналардан чиқиб бориладиган гумбаз остида Жефферсонга бўйи баробар ҳайкал қўйилган. Ҳайкал пойига, гумбаз деворларига улкан инсонга тааллуқли улуг мулоҳазалар битилган. Т. Жефферсон тенгҳуқуқлилиқ назариясини буюк инглиз мутафаккири Жан Локкнинг «Давлат ҳақида иккинчи рисола» асари асосида яратган дейишади. Бўлиши мумкин. Лекин масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб борилса, президент инсонларнинг табиий тенг ҳуқуқчилигидан келиб чиққанлиги аёнлашади. Томас Жефферсоннинг буюк кашфиёти шунда эдики, у барча инсонларни Яратувчи томонидан тенг ва дахлсиз ҳуқуқлар билан тақдирланган, деб ҳисоблади. Тўғри, кишилар орасида, яъни жамиятда давлат зарур, бу давлат биринчи навбатда халқ иродаси билан сайланади ва у биринчи навбатда халқнинг яшаш ва бахт-саодатга эришиш ҳуқуқини сақлашга хизмат қилади. Яна бир муҳим шарт шундаки, давлатнинг бирон-бир шакл-шамойили халқ манфаатларига зид келса, халқ бу ҳукуматдан воз кечиши ва янгисини вужудга келтириш ҳуқуқига эга. Т. Жефферсон шу ақида учун курашди, ўз ақидасини ҳаётий тамойилга айлантирди. Халқ розилиги тамойилга асосланган ҳукумат таъсис этишга эришди.

Инсон эркини таъминловчи Декларация ва ёки бошқа қонун ҳужжатларини яратиш мумкин, аммо-лекин уни жорий этиш, одамлар турмушига сингдириб юбориш тизимини ярата билиш учун фавқулодда ақл-идрок, фавқулодда бағрикенглик, фавқулодда жасорат, ирода кераклиги Т. Жефферсон ҳаёти мисолида тарих саҳифасидан жой олди. «Инсон тафаккури устидан ҳар қандай зулм шаклига қарши бетиним кураш олиб боришга Аллоҳ номи билан қасам ичаман» деган эди президент. Шу маслакда яшади, демократик жамият асосини яратди, мана, икки юз йилдан ошибдики, Томас Жефферсон

америкаликлар томонидан алоҳида ҳурмат қилинади, унинг номи эҳтиром билан тилга олинади.

Навбатдаги «қадамжо» Абраҳаам Линкольн ёдгорлиги бўлди. Бу обида ҳам маҳобатли, серустун кошона, унга ҳам баланд зиналардан чиқиб борилади. Фақат Линкольн улкан оромкурсида, икки қўлини суянчиқ устига ташлаб ўтирибди. Андек ерга қараган, лаблари қимтилган, донишмандларга хос ўйчан қиёфа.

АҚШ тарихида қулчилик даври алоҳида бир солномани ташкил этади. А. Линкольннинг президентлик палласи (1860—1865) қулчиликка барҳам бериш қонуни билан тарихда қолган. Мемориал ёдгорлик деворида айни шу воқеа, яъни Абраҳаам Линкольн 1863 йил 1 январида эълон қилган Озод этиш ҳақидаги баённомасига биноан бир кечанинг ўзида Америкадаги 4 миллион қора танли аҳоли қуллик зулмидан озодликка чиққани зарҳал ҳарфларда ёзиб қўйилган.

Одамларга эркинлик, ҳурлик беришдан кўра улуғроқ, савоблироқ хизмат йўқ. Бунни қаранг, Америка президентларидан бири — А. Линкольн қора танлиларга жисмоний озодлик берган бўлса, Т. Жефферсон тафаккурлар ҳурлиги учун курашни муқаддас бурчи деб ҳисоблаган. Ўз измига солиш бошқа, халқни ўз измига қўйиш бошқа.

Лизахонимга ҳавасим келди

Юксак тараққий этган Ғарб мамлакатларидаги туриш-турмушга эътибор қилсангиз, ҳар қандай соҳада фавқулудда истеъдод эгалари тўлиб-тошиб ётганини кўрасиз. Олиму ёзувчисидан тортиб, космонавту спортчиси... ўғри-муттаҳамигача шундай! Бир пайтлар ўқигандим: Америкада ҳар қандай соҳада фақат биринчи бўлган киши қадрланади, иккинчи ўриндаги билан йигирманчи ўриндаги кўпда фарқланмайди.

Шу боис тирик жон борки, биринчи бўлишга интилади. Ўй-хаёли, мақсад-маслаги биринчи бўлишда!

Ана шу катта ва юксак мақсад сари интилишда одам чархланади, тобланади, рақобатбардошлиги ортади.

Бизни суҳбатга чорлаган матбуот соҳасидаги профессорлардан бири, «Америкалик журналистларнинг энг ибратли фазилати ўз касбига бўлган садоқати» деди.

Назаримда, Америкада ўз касб-корига заррача ҳафсаласизлик қилган киши ўша заҳоти ишидан айрилади. Ўз олдига улкан мақсадлар қўйиб яшаётган ва ишлаётган нафақат журналист, ҳар қайси соҳа соҳиби ҳам са-

доқатли бўлади-да! Садоқат мақсаддан келиб чиқади. Мақсадга садоқат йўлдош бўлгач, шу йўлда мавжуд жамики имконият сафарбар этилади. Моддийми, маънавийми — фарқи йўқ!

Худди шу туйғу бошқа ҳою ҳавасларни қисиб чиқаради: ундай одам топган-тутганини емай-ичмай тўй-хашамга йиғмайди, балки китоб ўқийди, тил ва компьютер ўрганади, сотиб олади, ёзади, ёзади!

Сан-Диегода (Калифорния) яшаганимизда маҳаллий адвокатлар онласида меҳмон бўлдик. Мезбонимиз — ниҳоятда келишган ва лобар Лиза Блек хоним бир ярим ёшли ўғилчаси билан уйида, вақтинча ишламаётган экан. Шаҳардан ўттиз чақирим олисда, игнабаргли дарахтлар қуюқ ўсган ўрмон биқинида шинам уйда яшар экан. «Ўғилча билан банд экансиз, уйда ёлғиз қолиб зерикмайсизми?» деб сўрадим. (Унинг айтишича, қўни-қўшнилар билан мутлақо кирди-чиқди йўқ экан.)

— Бекор ўтиролмайман. — деди Лиза хоним жилмамайиб. — Журналистикага доир битта китобни нашрга топширганман, ҳозир иккинчисини тугаллаш арафасидаман.

Тўғриси, Лиза Блекка беғараз рашким келди, биз ўзбек журналистикасига доир қўлланма бўладиган адабиётлар йўқлигидан нолиганимиз-нолигану, сафимизда шу-унча азамат бўла туриб бирорта рисолача ёзишга фурсат ё имконият тополмаймиз.

... Чунки ҳаётимизни бағишлаган касб-коримиздан чалғитувчи кучимизни, ақл-идрокимизни сўриб олгувчи минг хил ташвиш, минг хил муаммо, минг хил ғалва орасида ўтади кунларимиз. Вақтида сафарбар этилмаган ва фойдаланилмаган истеъдод ҳам, имконият ҳам эртага хасга айланади... ўтин ёришга-да, ярамай қолади...

Қонун ва яна қонун!

Етти-саккиз кун Вашингтонда яшаб, Чикаго орқали Сан-Диегога келганимизда кўча-кўйда таниш чеҳралар учрай бошлади. Аёлми-эркакми — қаердадир кўргандек, худди таниш-билишингдек, ҳатто «Хў, фалончи!» деб чақириб юборишдан базўр тилингни тиясан.

Хайрон бўлдим. Беихтиёр Жанубий Америка ёзувчиларининг асарларидаги қаҳрамонлар кўз ўнгимдан ўтгандек бўлаверди. Маркес, Рульфо, Кортасар ва ҳоказо адиблар тасвирлаган кишилар бўлганиданми ёхуд қуёшнинг беминнат нурида тобланган, эҳтимол, қонлар-

нинг аралашуви натижасида дунёга келган пари-пайкар мисол қиз-жувонлар, болажонлар одамни эртаклар оламига келиб қолгандек ҳолатга туширади.

Назаримда, Калифорния жуғрофий харита ва сиёсий ҳудуд сифатида АҚШга қарашли бўлса-да, тил ва урф-одат, яшаш тарзи нуқтаи назаридан Мексикага қарашли вилоятга ўхшайди. Мексика чегараси ўттиз чақирим нарида, ойига у ердан 5 миллионгача одам ўтади. Бу томонга ўтиб яшаш истагидаги қочоқлар йил сайин кўпаймоқда.

Азалдан Америкага дунёнинг турли бурчакларидан ақлли одамлар оқиб келади, шунинг учун у ерда машҳур шахслар кўп, деган даъволар юради. Тўғри, «утечка умов» деган ибора ва унинг ортидаги маъно талқинлари турлича. Одатда бу жараёни «Америкада кўп бойлик орттириш мумкин» дея талқин қилишади. Бу ҳам тўғри. Аммо-лекин мазкур масаланинг бошқа жиҳати эътибордан четда қолади.

Етти иқлимдан Америкага истеъдод эгалари бой-бадавлат бўлиш ниятидагина эмас, биринчи навбатда, ўзларидаги истеъдодни, ақлий имкониятни, салоҳиятни намоён этиш мақсадида келадилар! Тасаввур қилинг, дунёда қанча одам бўлса, Парвардигор уларнинг ҳар бирига неча миллион хил иқтидор берган бўлса — шуларнинг барига Америкада юзага чиқаришга имконият ҳам, зарурият ҳам, маблағ ҳам топила қолади!

Бу, фавқулодда афсонавий шароит эмас, бу — энг оддий, энг табиий, энг нормал ва энг адолатли, инсоний ҳолат.

Ҳар бир инсон аввало инсон сифатида суюкли, ардоқли. Унинг фикри, тафаккури ҳам қадрли, эъзозли. Айниқса, бошқаларга зиён-заҳмат етмайдиган, ўзгалар қадр-қимматида дахл қилмайдиган қарашлар, ғоялар бўлса, марҳамат, намоён қил — қандингни ур! Ва шунга яраша давра давраинингни сур! Миллионер бўласанми, кўча-кўйларда дўконлардан чиқариб ташланган қоғоз қутиларга биқиниб тунайдиган дайди — бомж бўласанми — ихтиёр ўзингда! Бу ҳам ҳуқуқ, шу ҳам эркинлик!

Қизиқ, уй-жойсиз саёқ-дайдиларнинг ҳам ҳуқуқи бор — улар улкан дераза ойналаридан беҳисоб тилла тақинчоқлар товланиб турган дўкон зинапоясидан ҳам тунги бошпана топиб ётаверадилар. Ётадилару, эрталаб из қолдирмайдилар. Айрим хусусий уйлар эшигига илиб қўйилган. «Илтимос, бу ерда тунамангиз» деган огоҳлантирувчи ёзувларга итоат қиладилар...

Америкада фавқулодда «буюк дайди» бўлиш имкони ҳам бор...

Яна бир муҳим омил бор. Нима сабабдан Америкага борувчилар, ҳатто биринчи бор қадам босаётганлар ҳам у ердан таниш-билиш излашга кўпда эътибор бермайдилар? Қандай қилиб улар буюклар жунглисида оёққа туриб оладилар? Амма-хола, ака-тоға бўлмаса? Уруг-аймоқ бўлмаса? Ким ёрдам беради одамларнинг қадди-бабини тутиб олишга?

ҚОНУН!

Буни қаранг, дунёнинг истаган нуқтасига қўли етadиган, кўнгли тусаган дақиқада олис Ироқни ё Афғонистонни тўпга тутишга қўрби етадиган Клинтон собиқ маъшуқаси ёки қандайдир бир адвокатнинг оғзини юмдириб қўйишга чоғи келмади-ку?

Чунки Президентдан қудратлироқ қонун бор, жамоатчилик назоратидаги, матбуот назоратидаги, халқ назаридаги қонун бор мамлакатда!

Ана ўша қонун кишилар ботинида яшириниб ётган шахслик куртакларининг ўсиб-унишига ҳам замин яратади. Яъни, ким нимага интилса, жамиятга ўзининг соғлом интилишини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиши мумкин. Бунга ҳеч кимса тўсқинлик қилмайди. Тўсқинлик қила олмайди! Сунъий ғовлар яратиши мумкин бўлган кучлар, яъни масалан, пора талаб қилувчилар, таниш-билиш истовчилар қонундан қўрқади. АҚШда ота-онаси қилмаган яхшилиқни қонун қилади, ота-она яратиб бермаган шароитни қонун яратиб беради!

Марҳамат, бу ёғи ким нимага лаёқати бўлса, юзага чиқаверади.

Демак, демократик жамиятнинг мислсиз афзаллиги худди шу ўринда акс этади. Одамлар фақат ўзининг кучига ишонади, у четдан мадад истамайди. Мадад истамагач эса гинаси ўзидан — эришмаганининг аламини бировдан кўрмайди.

Хаёлан кўз ўнгимизга келтиришга уриниб кўрайлик: мамлакатимиз миқёсида жойдан-жойга кезиб юрган шикоят хатлар, арзномалар, илтимосномалар оқимини тасаввур қилайлик. Ҳам расмий, ҳам норасмий, ҳам ўринли, ҳам ўринсиз, битадиганидан битмайдигани кўп. Нега, нега шундай? Ким уларни сарсону саргардон қилиб қўйди? Кимга керак бировни юкинтириш? Кимга зарил одамларни (ўз ватандошларимизни) илтимосчиларга, бечораларга айлантيريш?

Ақл бовар қилмайди... Бундай ҳолатнинг жамики

моддий ва маънавий зиён-заҳматини қўя турайлик-да, у шахс камоли йўлидаги энг баҳайбат тўсиқ эканини мулоҳаза қилайлик. Одамни қарам қилиб қўяётган, мавжуд имкониятини тўғри ва фойдалироқ йўсинларга йўналтира олишга имкон бермаётган иллат шу эмасми? Қайси идорага ёки якка шахснинг хизмат дунёсига бош суқсангиз кимдандир шикоят қила бошлайди. Иши юришмаганининг минг битта баҳонасини дастурхон қилади. Айтганларининг қарийб барчаси қонунга хилофликдан келиб чиққан бўлади. Қонуннинг бузлишига йўл қўймасликка қурби етмайди оддий одамларнинг.

Чунки қонунни оддий фуқаролардан кўра гоҳида мансабдор кишилар қаттиқроқ, шафқатсизроқ бузадилар, оддий фуқаронинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатига тегишли баҳо бериш қийин кечмайди, амалдор ёки бой-вачча ёмгир остидан қуруқ чиқиш имконини топади.

«Чикаго трибюн» газетасининг Спирингфильд штати парламентидаги мухбири Кристи Парсонс хонимнинг маҳаллий қамоқхоналар ҳаётидан ёзган туркум мақолалари Пентагон томонидан тўхтатилган, мухбир даъво аризаси билан Олий судга мурожаат қилган. Олий суд мухбирнинг фаолияти қонунга зид эмаслигини тасдиқлагач, туркум мақолалар матбуотда эълон қилиниши давом этган. АҚШда губернатордан оддий раҳбаргача, «Қўлида қалами бўлган кишилар билан ўйнашма!» деган шiorга риоя қилишади.

Нью-Йоркда Журналистларни муҳофаза қилиш қўмитасида ўзбек журналистларига, матбуотига қизиқиб суҳбат қуришди...

Умуман, Америка ҳаётини, унинг икир-чикирларини ўрганиб танишганингиз сайин демократик жамият қуришнинг ҳам тош-тарозиси борлигини, жамият демократлашгани сайин инсон комиллигига шароит яратилишини, инсон ҳурлигига қарши кўрсатилган ҳар қандай қаршилик шу ватан, шу халққа кўрсатилган қаршилик, етказилаётган зарар сифатида баҳоланмоғи кераклигига иқрор бўласиз...

* * *

Сафар чоғидаги қайдлар:

Сент-Луисдан Спрингфильдгача автобусда келдик. Бора-боргунча дала, дала, дала. Миссисипи дарёсининг устидан ўтдик, яна дала. Лекин деҳқон зоти кўринмайди. Кетмон орқалаган, бели майишиб ўтоқ қилаётган хотин-халаж йўқ. Ҳамма иш техника зиммасида.

Америкада семизлар ҳаддан ташқари куп. Қадамингизда «пиш-пиш»лаб келаётган хомсемизлар учрайди. Уларнинг қадам олишини кўриб сиз қийналиб кетасиз. Овқат мўл, емиш мўл, юрган йўлида овқатланаётганларнинг саногии йўқ. Югураётганлар семизликдан қочиб бораётганларга ўхшайди. «Американинг бош муаммоси, ташвиши — семизлик!» дейишди. Билмадим, Америка семизликни кўтара олармикан?.. Уни абгор қиладиган ҳам шу семизлик эмасмикан?..

* * *

Нью-Йоркда Дакота деб аталган уй бор. Тўрт қаватли, эски, гиштин бино. Машҳур «Битлз»чи Жон Леннон отиб ўлдирилган дарвоза ёнида суратга тушдик. Ҳозир шу уйда Спильберг, Деми Мур, Стивен Кинг каби машҳур шахслар яшар экан.

* * *

Манхеттен. 18 минг талаба таҳсил оладиган, тарихида 20 нафар Нобель мукофоти совриндорини етиштирган Колумбия университетини айланиб ўтдик.

* * *

22 кунлик сафар чоғида нисбатан ифлос, қаровсиз манзаралар Нью-Йоркдаги Гарлем туманида кўринди. Шу районнинг ўзида 400 та черков бор. Жиноятлар ҳам шу ерда бисёр экан. «Якшанбага қолинглар, черков қўшиқларини эшитиб кетасизлар» дейишди. Черковда ибодат қилишгани қайдаю, яшаш жойларини бундайин тубан аҳволда сақлаш нимаси?..

* * *

Нью-Йорк. Бродвейнинг тунги манзараси, жозибаси, ғалатиликларини тасвирлаш учун бутун бошли китоб ёзиш керак бўлади. Бир жойда олти нафар ҳинду йигити миллий чолғу асбобларида ниҳоятда мунгли куй чалмоқда. Қўшиқ хониш қилишмоқда. Одам гавжум, «троф»даги шовқин ҳам қулоққа кирмайди, бутун фикр-хаёл, диққат-эътибор ҳинду қўшиқчи ва чолғучиларида. Ҳамроҳлар билан ўша ерда туриб, ҳинду куйига қулоқ бериб... Ўзбекистонни соғинди одам! Қанот чиқариб Тошкентга учгиси келди одам! Ваҳоланки, ҳинду куйида сўз йўқ эди, оҳанг бор эди, оҳанг!..

АҚЛЛИ КУЛГИ ЁХУД КУЛГИЛИ АҚЛ

Кундалик дафтарга ёзиб-чизиб ўтирганда хаёлга нималар келмайди дейсиз! Гоҳо теша тегмаган ҳайратомуз фикр туғилади, гоҳо мутолаа асносида лабингизда табассум «уйғотган» мутойибаларни қайд этасиз. Кунлардан бир куни қарабсизки, ақлли кулги ёхуд кулғили ақл ҳам бир дунё бўлиб қолади...

Ҳар нафас бир ҳикмат.

Йилнинг янгилангани яхши, одам эскилигича қолгани чатоқ.

Касалдан турган бемор ўзини шифокор ҳисоблайди.

Айрим кимсаларнинг қўлини ечиб юборсанг, сеникини боғлашга тушади.

Одам ўзини нодонроқ кўрсатиш учун ҳам ақл керак.

Оромкурси ҳам шимни тешади.

Жумласини ўқисанг тилинг чигаллашиб кетади.

Балиқ терлаб кетди.

Вайсақининг тили жиққа терга ботди.

Ўрдак — ғознинг паканаси.

Йўлда роман ўқиб юрма, ҳаётга туртиниб кетасан.

Бир донодан бир доно етишгунича, юз нодондан минг нодон урчиб улгуради.

Вужуд ва руҳ ўртасидаги уйғунлик муҳаббатли эркак ва аёл муносабатларига ўхшайди.

Ақлли иш қилиш учун ақлнинг ўзи ожизлик қилади.

Комедия йўқлигининг ўзи комедия.

Инсон яралганидан илгари тутиқушлар қайси тилда гапирган?..

Янги одамлар билан эски йўлдан юргунча, эски одамлар билан янги йўлдан юриш афзалроқ.

Ночорлик ҳалолликнинг дўсти.

Қатта гаплар айтиш учун катта хоналарда ўтириш керак.

Фикринг қанчалик ўткир бўлса, тилингни шунчалик ёмон кесади.

Тўппа-тўғри йўлдан ҳам турли йўналиш топадилар.

Ҳаётини тажрибанг ортгани сайин жуда оз нарсани билишингни англайверасан.

Елкамга қоқиб қўйишди деб бошим осмонга етган эди, билсам — чангимни қоқишган экан.

Ҳозирги замон қарғалари пишлоқни еб бўлгачгина тулки билан гаплашади.

Фарқ бўлаётган одамга қутқарув камерасини ирғитиб, унинг калласини пула қилишди.

Суҳбатдошинг вайсақи бўлса қулоқ бериб, унинг касалини зўриқтирма.

Ёмғир тинди, осмонда камалак товланди, ҳукиз кавш қайтариб ётаверди.

Маъқул кўрган китобингни дуч келган одамга айтаверма — кимлигингни билдириб қўясан.

Саҳнадан тушмай ўйналаётган майнавозчиликни комедия деб аташганидан кулгинг қистайди.

Ажралишни расмийлаштиргунча анча вақт тинч-тотув яшади.

Ҳаддан ташқари севиш қўлингга қанот, оёғингга ҳалқа боғлайди.

Виждон одамни кўп ҳолларда танг аҳволга солади, виждонсизлик эса энг танг ҳолатларда ҳам халос этади.

Қалби кўрнинг кўзи очиқлигига ишониш қийин.

Қалби суқирнинг очиқ кўзи тўғри йўлга бошламайди.

Об-ҳаво — табиатнинг самимий дил изҳорӣ.

Кўп нарсани билсанг қариб қоласан, дейишади, йўқ,
кўп нарсага ақли етган одам қариб улгурмайди...

Эрталабки туманда қуёш аранг кўринаётган эди, беш
ёшли Жамшид, «Қаранг, ада, қуёш тухумнинг саригига
ўхшайди» деди.

Қари дарахтнинг меваси майдалашиб кетади. Одам
қаригани сайин майда гап бўла боради.

Кўзи ожизни етаклаб олган одам ён-атрофга ундан
кўра кўпроқ хавотирда аланглайди.

Бўғзигача асалга ботирилган қошиққа азоб!..

Ҳидсиз гул — соқов.

Ота-бобонгиздан қолган тошойнага разм солинг —
улар сизга қараб турган бўлишади.

Табиат адолатсизлик қилмайди, адолатсизлик табиат-
нинг табиатини тушунмасликдан келиб чиқади.

Нега қулоғимиз иккита, оғзимиз битта?
Оз гапириб, кўпроқ тинглаш учун.

Яхшиямки ароқ шишасининг бўғзи тор...

Супурги кексайгани сайин қаттиқроқ ва тирнаб су-
пиради...

Ит билан ётсанг, бурга билан турасан.

Қармоққа илинмаган балиқ илинганидан каттароқ
туюлади.

Олимнинг сиёҳи ёвузнинг қонидан қадрли.

Танқидий мулоҳаза айтиш учун бор жасоратингизни
сарфлаб қўйманг, чунки танқид эшитиш учун ҳам жасо-
рат керак бўлади.

Ёйни ихтиро қилган шўрликни ёғочни букишда айб-
лаб сазойи қилишган.

Билимсизликдан фақат билимлилар азият чекадилар.

Дарёлар, океанлар, осмонўпар тоғлар на номини би-
лади, на ўзига битилган мақтовларни тушунади — лекин
яшайверади, камайиб қолмайди.

Тор хонада ўтирсанг ҳам дунёқарашинг кенг бўлиши
мумкин.

Ўткир мулоҳазаларни миянгдан авайлаб чиқариб ол-
масанг, бошингга шикаст етказиши мумкин.

Кўз мошдай очилганда хижолатдан кўзинг юмилиб
кетади.

Ўз фикрида қатъий қолиш — фикри билан ёлғиз қо-
лиш демакдир.

Ўзининг фикри бўлмаган одам ўзга фикрлар ичида
кун кечиради.

Бошқаларнинг фикри, таклифи дўкон растасида тур-
ган буюмдай нарса: уни тош-тарозига қўй, нарх-навоси-
ни суриштир — чоғинг келса оласан, йўқса — йўқ.

Пул танқислигида ақл ишга тушади.

Тасодикий омад ҳам бойга кулиб боқади.

Чарчаш ҳам гуноҳ.

Яхши одам бўлгунча, керак одам бўл.

Байроқ — бойроқларда.

Қонунни яхши билган одамнинг дўсти — қонун.

Ваҳшийлар орасида юввошлари ҳам бор.

Камбағалнинг бойлиги — сабр.

Ақлли бўлгунча, омадли бўл.

Журналистнинг тили узун, қўли қисқа.

Ақлли одамни алдаш осон.

Олим бўлсанг — алам сеники.

КАФТДАГИ ЧИЗИҚЛАР

Бу ёруғ олам ҳар қандай инсондан бир неча юз, минг, миллион карра кексароқ, кўҳнароқ ва бойроқ. Шунга қарамай, инсон ўзининг зиғирдек ақлига ана шу мўйсафид дунё савдоларини сиғдирмоқчи бўлади. Дунёнинг барча ҳикматини англаб етишга, улар устидан ҳукм чиқаришга уринади. Чиқарган ҳукмларининг бари кафтидаги чизиқларда ўз аксини топади. Ишонмайсизми, кафтингиздаги чизиқларга қаранг, улар — шунчаки чизиқ эмас, бари — ёзув! Фақат ўша ёзувларни ўқий олсангиз бас!..

Овоз

Инсон болалигидан ички овозига қулоқ тутиб яшайди. Фақат у улғайгани сайин, дунёнинг юмушлари, шовқин-суронлари шу қадар кўпаядики, у ички овозини эшитолмай қолади. Қулоқ солишга фурсати етмайди, баъзан ички овозини эшитмаслик учун атайин ўзини чалғитишнинг минг бир усулини ўйлаб топади. Тинимсиз шоду ҳуррамликка одатланган одамлар ички овозларига қулоқ тутолмайдилар, бундан қўрқадиладар, лекин банд борки, ўзини не кўйларга солмасин, қачондир ўз ички овозининг «қўлига» тушади. Шунда оғир кечади, у одам оқибатсизликлари учун ўз ички овози олдида ҳисобот беради, истиғфор айлайди, тавбалар қилади, бироқ аксарият бундай ҳолатларда кўпчилик жуда-жуда кечикканини... кечикиб англайди...

Орзу

Орзу одамни ҳаёт билан, ёруғ дунё билан боғлаб туради. Юксак орзулар маҳкамроқ боғлайди. Умидсизланишга йўл қўймайди.

Худога ёлбориб орзу-умидларини изҳор қилиш орқаи одам ўзини тарбиялайди. Яъни, Парвардигордан ёлбориб сўраётганларига етишиш учун ўз орзу-ниятига яраша саъй-ҳаракатда бўлади.

Орзунинг буюк амалий аҳамияти шу.

Орзу — ҳар ким ўзи учун яратган маёқ, ўзи учун яратган қўриқчи ва назоратчи ҳамдир.

Изтироб

Изтироб — инсонга ато этилган энг буюк туйғулардан бири. Изтироб чекалмаслиги, демак, ҳаётнинг ичида яшаймаслиги, ҳаётнинг қозонида қайналмаслиги. Ҳаётдан ташқаридаги одам изтироб чекмайди, тўқлик ва бедардлик фикрий танбалликка олиб келади. Танбал одам учун изтироб бегона. Изтироб чекмайдиган одам зерикиб яшайди. Изтироб чекишни унутган танбал одам ҳатто хавфли махлуққа айланиши ҳеч гап эмас.

Изтиробнинг тури кўп: маиший, жўн, ўткинчи, мутлақо шахсий-интим изтироблар бор. Ижтимоий, умуммиллий... коинот кенгликлари қадар бепоён чексизликни қамраб олувчи изтироблар беҳисоб. Ф. Достоевский буюк шахсларнинг изтиробини буюк бўлишини ёзган. Тўғри, катта изтироб катта ишонч-эътиқоддан қувват олади. Ўзида ишонч-қатъият топа олмаган одам улуғ мақсадларга йўналтирувчи изтироб чекишга ҳам қодир эмас.

Нотайин изтироб оғир кечади, мақсадли изтироб роҳат бағишлайди.

Эзгу орзу-ниятлар устма-уст рад этилаверганидан туғиладиган изтироб оғир ботса-да, бу ҳол одамга янги-янги ғоялар, куч-қувват бахш этади.

Изтиробга тиккасига юзма-юз бориш, ундан қочиш мумкин. Изтиробли уқубатларга тилни тишлаб дош бериш, унинг беталафот ўтиб кетишини кутиш мумкин.

Изтироб қандай яшамаслик кераклигини кўрсатувчи — сизни мудом ҳушёрликка даъват этувчи жарчи ҳамдир.

Андиша дўстми ё душман?

Ҳар қандай шарт-шароитда ҳам виждон виждонлигича, андиша андишалигича қолаверади. Қишда бир виждон, ёзда бўлакча виждон деган тушунчанинг ўзи кулгили. Инсонни инсон қилиб турган фазилатлар алоҳида-алоҳида ажралган ҳолда «яшамайди». Ҳатто иллатлар ҳам фазилатлар орасида «кун» кечиради.

«Андиша виждонга нисбатан тор тушунчами?» деб сўрашди. Тўғри, тор тушунча, бироқ бу билан андишанинг аҳамияти камайиб қолмайди. Таъбир жоиз бўлса, андишани таомнинг туз-намагига ўхшатиш мумкин. Туз-намак солинмаган ҳар қандай таомниқ таом ҳам бемаза бўлади.

Бошинг тепасида учиб турган қуш

Ҳар банданинг боши тепасида бир қуш учиб туради. Уни кўрадиганлар бор, кўрмайдиганлар ҳам талайгина. Кўрганлар орасида ҳам ўша қушни тириклайинг тутиб оладиганлар бор, ўлдириб қўлга туширадиганлар қанча.

У — омад қуши, фақат ўлдириб қўлга киритилган қушдан фойда йўқ...

Кўз нега олдинда?

Одам олға қараб юрсин учун. Орқага юриш раво кўрилганида, Худо кўзни орқа томонга ўрнатар эди.

Фақат вақти-вақти билан орқага назар ташлаб қўйсин деб бошни — бўйинни буриладиган қилди.

Одам қай тарафда?

Ҳаёт нафс ва иймон ўртасидаги тинимсиз олишувдан иборат. Қайси тараф ғолиб чиқиши эса инсонга боғлиқ: у нафс билан тил топишса — иймон мағлуб, иймонга қўшилса — нафс мағлуб...

Тилнинг суяги

Тилнинг бесуяклиги тўғри. Лекин инсоннинг ҳаётий тажрибаси орта боргани сайин, тилга ҳам суяк ато этилади. Фақат тилнинг суяги фаҳм-фаросатда бўлади.

Фикрпарварлик

Инсоннинг ўзини авайлаш-асраш — гуманизм, инсон фикрини эъозлаш ва қадрлаш эса янада юксакроқ гуманизм! Инсонпарварлик ғоятда гўзал фазилат, лекин фикрпарварлик ундан-да юксакроқ тушунча. Шунинг учун бўлса керак, инсонпарварликдан кўра фикрпарварлик қийинроқ кечади.

Бизда шаклланган баҳс маданиятида шу нарса яққол кўзга ташланади. Баъзан баҳс маданияти анчайин ибтидоий даражада қолиб кетаётгани ранжитади одамни. Баҳсдан мақсад суҳбатдошни енгиш, мот қилиш, кўпчиликнинг орасида изза қилиш бўлмаслиги керак.

Баҳс-мунозара чоғида шундай муомала ўрнатиш зарурки, токи суҳбатдошинг ўзидаги бор фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин баён эта олсин. Ҳатто «рақиб» ўз фикрини тўлароқ, чиройлироқ изҳор этишига кўмаклашиш ҳам мумкин. Ўрни келганда, суҳбатдан ҳосил бўладиган фикр учун ўз манфаатларингдан кеча билиш —

чинакам гуманизм шу! Шундагина фикр фикрдан қувват олади.

Суҳбатдошни чилпарчин этиш ниятидаги баҳс фикрнинг ҳам, фикрпарварликнинг ҳам душмани!

Камю билан баҳс

«Нас волнует прежде всего наша судьба, да. Но не «после» — «до» деб ёзган Камю кундалик дафтариди.

Эътибор қилдингизми, буюк файласуф адиб инсоннинг вафотига қадар бўлган тақдири ҳақида қайғурипти, унинг фикрича, кейин, яъни вафот этгач, у ёғи қизиқтирмайди.

Бундай қараш мусулмончилик одобига мутлақо зид. Чунки мусулмон киши «до»ни ҳам, «после»ни ҳам тенг кўради, ҳатто «до»да «после» учун, яъни икки дунё саодати ҳақида қайғуриб яшайди.

Муъмин киши учун «до» «после» учун имтиҳон, холос.

Ўзини кўрмаган одам

Бир хонадонга кирдим. Уч қаватли шоҳона қаср қурибди. Ғоятда замонавий, бағоят бой! Зина тепасида, равонда, иккинчи, учинчи қаватга кўтариладиган зинапоя майдончасида — ҳар қадамда бири биридан катта ва қимматбаҳо тошойна!

Меҳмонхонанинг шифтига, деворига тошойна қоплатибди.

Ҳавасим келди. Қандингни ур, дедим. Фақат шундай сарой қурган уй соҳиби кўзгуга разм солиб, ўзига қараганмикан? Ўзини танирмикан?..

Утопия: жозиба ва ҳалокат

Марксизм-ленинизм асосчилари буюк утопистлар эди. Улар ўзлари яратган хом хаёлларга бурканган назарияни амалга оширишга уриндилар ва шунга яраша аянчли ҳалокатга учрадилар.

Одамлар орасида майда ва жайдари утопистлар оз эмас. Улар кунига неча марталаб панд ейдилар, ҳалокатга учрайдилар. Фақат бу панд ейиш ва ҳалокат уларнинг ўзлари даражасида майда ва жайдари бўлади, шунинг учун ҳам улар бошқаларга сезилмайди.

Ҳар қандай одам табиатида у ёки бу даражада утопия гўзаллиги ва утопия хасталиги бўлади. Утопия — ҳаётга жозиба бахш этади, утопияни ҳаётга кўр-кўрона татбиқ этиш аянчли мағлубиятга, ҳалокатга олиб келади.

Касб

Одам жуда кўп жойда тили қисик бўлади, бошқаларнинг кумагига муҳтожлик сезади. Лоақал ўзинг танлаган касб-коринг бобида бировларга қарам бўлмасликка эришиш керак. Лоақал ўз касбингда хўжайиндек ҳис қил, ўзингни, инсон!..

Қизиқиш ва ҳайрат

Ҳаётда жуда кўп нарсалар қизиқишдан бошланади. Қизиқиш бўлмаса ҳаракат, интилиш сўнади. Ҳайратга тўйинган қизиқишгина узоқ давом этади, самара келтиради. Унинг чўғи учмайди. Вақти-вақти билан қизиқишнинг тафти пасайган тақдирда ҳам қудратли кучга эга бўлган ҳайрат қизиқишнинг сўниб қолаётган чўғи устига мой сепади. Ва қизиқиш фавқулодда шиддат билан яна олдинга бошлайди.

Ихлос

Одам бевосита ё билвосита мутлақ ҳақиқатни излайди. Аксари ҳолларда ҳақни одамларда кўради: ихлос қўяди, бўйсунеди, ишонади, улуғлайди, хушомад қилади ва бир куни... ишончи синиб, кўнгли қаттиқ озор чекади. «Фалончидан кўнглим ёмон қолди!» дея ёзғиради.

Ваҳоланки, мутлақиятни одамдан изламаслик керак эди. Чунки бандасида мутлақиятнинг қайсидир аломатлари мужассам топиши, у шу хислатлари билан ўзгаларни ром этиши мумкиндир, аммо-лекин у мутлақ ҳақ эмас. Мутлақ ҳақ бўла олмайди ҳам. Инсон — комилликка интилувчи жонзот, комилликнинг ўзи эмас, ахир!..

Муаммо

Илоҳий муҳаббат камдан-кам одамга насиб этади, лекин ундан кўпроқ кўнгилларни баҳраманд этиш учун нима қилмоқ керак? Илоҳий муҳаббатни самодан ерга олиб тушиш нечоғли мушкул бўлса, ҳиссиёти ва туйғуси ўлик бандаларни самовот юксаклигига кўтариш ҳам шунчалик азоб!

Одамнинг жони гўзал

Вафот этган одам совуқ ва ёқимсиз туюлади. Бу, бежиз эмас. Чунки одамнинг тафти, ҳарорати унинг жонига бўлади. Одамнинг гўзаллигию таровати ҳам жонда мужассам.

«Пардоз»ли чувалчанг

Туни билан ёмғир ёғди. Эрталаб ҳовлига чиқсам чувалчанглар ер юзига чиқиб, у ер-бу ерда чўзилиб ётибди. Битта-яримтаси аранг ғимирлайди. Биттаси шошаяпти чоғи, илдам сургалиб бораяпти. Диққатимни тортди. Бошига, белига олхўри гулининг оппоқ япроқчаси илашиб, безанибди.

«Пардоз» ҳатто чувалчангни ҳам кўзга яқинлаштириб қўйибди! Гуляпроқча ярашибди чувалчангга!..

Авлодлар занжири

Фарзандга муҳаббат моҳиятида авлоднинг давомийлигини сақлашга бўлган инстинкт даражасидаги майл намоён бўлади. Зеро, авлод занжирининг узилиш хавфи инсон учун ҳам, капалагу қумурсқа учун ҳам беҳад улкан хатардир. Она чаён айна очофатлик палласига кирган болаларини очликдан асраб қолиш ниятида, яъни авлодни сақлаш учун ота чаёни уларга ем қилади.

Тириклар ўтмишдан кўра келажак ҳақида кўпроқ қайғурадилар. Отадан кўра фарзандга бўлган муҳаббатнинг кучлилиги боиси ҳам шунда.

Бошқа мулоҳаза ҳам бор: дунёдаги энг беминнат ҳисобланмиш ота-онанинг фарзандга муҳаббати замирида ҳам худбинлик яширинган бўлади. «Жонимни берай» дейди, «Қариган чоғимда суянчиғим бўлармисан деб катта қилгандим» дейди. «Сени шу ниятда юиб-тарандимми?» дейди ва ҳоказо. Чунки у кексайган чоғида қаровчисиз қолади. Шундан хавотирга тушади.

«Алла — адабиёт

Болани ухлатиш ниятида «Кўзингни юм, ухла!» деб дағдаға қилиш реал ҳаёт. Алла айтиб ухлатиш эса бадий реаллик, яъни — адабиёт.

Боланинг хомуш кўзлари

Ҳаётнинг энг уқубатли манзараларидан бири — бола йиғиси. Гўдак боланинг хомуш ўйга толиши эса унданда оғир. «Боланинг оғир ўйга толиб туришига қараб туролмайман, — деб ёзади Ф. Достоевский. — Ширинлик узатсанг, оладию оғзига солмайди. Даҳшат».

Буюк адиб қамоқхонада азоб чекаётган аристонларни тасвирлаётиб, «Қирқ ёшли гўдаклар» дейди, болаларнинг ўзини эса эркаловчи қўшимчаларсиз тасвирлай олмайди. «Бечора одамлар»ни эсланг. Горшковлар оила-

сида бола ўлади. Унга тобут келтиришади. Ёзувчи тобут демайди, **тобутча** дейди, **одмигина** дейди. Ҳатто «довольно хорошенкий гробик» дея марҳум болакайнинг руҳини эъзозлайди.

Баландлик туйғуси

Оила аъзолари хонтахта теварагида нонушта қилиб ўтиришган эди. Тўсатдан хонтахта устига чиқиб олган уч ёшли Ботиржон қарасаки, бошқалардан, катталардан ҳам юқорилаб кетибди.

— Жимларинг! — деди у бирдан амирона товушда. — Ҳаммангни отиб ташлайма-ан-н!..

У шу важоҳатда хонтахта устидан сакраб пастга тушдию, бошқалардан кичик эканини пайқаб, жим бўлди...

Ачиниш заифлик... ми?

Оёқ остида қўл чўзиб ўтирган тиланчига садақа бериш савоб албатта. Бироқ...

Ачиниш, ҳамдардлик туйғуси кўпроқ кўнгли бўш одамларга хос. Кўнгил бўшлиги билан иродаси заифлик бир-бирига яқин туйғу. Иродаси маҳкам, дийдаси қаттиқ одам унча-бунчага ачинавермайди ҳам. Демак, кўнгилчан одамда хайр-садақа улашишга мойиллик кучли бўлади. Чунки ундай одам садақа эвазига келадиган савобдан умидвор бўлади. Тиланчига бор-шудини улашавермайдиган иродаси мустаҳкам одам, маълум маънода ўзидан, тақдир ўйинларидан чўчимайди.

Удум

Японлардаги аллақайси қабилада кексайган одамни кимсасиз жойга ташлаб келиб, баҳридан ўтиш удуми бор. Бунинг маъноси шуки, ўлимга маҳкум одам тирикларни дунё юмушларидан қўлини тутмасин!..

Ўзбек бундай қилмайди, ота-онасининг баҳридан ўтгунча, бундай шафқатсизлик эвазига келадиган тараққиётдан воз кечади.

'Мураккаб савол

Мусулмон киши Ницшени ўқий оладими? Фрейдничи?

Бу икки зотнинг асарларини ўқиш мусулмонни диндан чиқариб юбормасмикан?..

Камю, «Мусулмон сверхчеловек бўлиши мумкинми?» деб ёзибди.

Анча мураккаб ва ўйлатадиган савол...

Манфаат ва иймон

Тижорат яшаш учун зарур машғулот. Касб. Тижоратсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Лекин тижорат ҳар қандай тоза одамни йўлдан оздиришга қодир. Тасаввур қилинг: одам — иймон — манфаат.

Манфаат ва иймон бамисоли муҳолиф. Манфаат ҳамиша иймонни сиқиб чиқаришга уринади, иймон ҳам қараб турмайди. Иймонли киши тадбиркор бўлиши мумкин, лекин тадбиркор киши иймонни сақлаб қолиши ғоятда мушкул. Манфаат мақсадга айланавергач, томонлар ўртасидаги кучлар нисбати ўзгаради: одам манфаат томонга ўтса, иймон ёлғизланади. Иймон сабр-тоқатга ундаса, манфаат бунга тоқат қила олмайди, тоқатсизлик забтига олган лаҳзаларда одамнинг хатти-ҳаракати мутасил иймонга зид келади.

Мутлақ уйғунлик

Ҳаётнинг моҳияти умумуйғунлик — гармонияда!

Мутлақ бахт-саодат ҳам гармонияда!

Яхши инсонлар ўзларининг яхшиликлари билан, ёвуз кишилар ўзларининг ёвузликлари билан умумуйғунликка йўл излайдилар.

Умумуйғунлик учун ёвузлик зарурми?

Зарур, дейишга тил бормаиди, йўқ десак... нима сабабдан Одам Ато давридан буён инсоният ва дунё бирон муддат ёвузликдан халос бўла олмади?

Аллоҳ таоло инсонга бундай рўшноликни раво кўрмади...

Уйғунлик ниҳоятда кенг тушунча:

ахлоқдаги уйғунлик

санъатдаги уйғунлик

ижтимоий уйғунлик

оилавий уйғунлик

умуминсоний уйғунлик ва ҳоказо.

Жамики уйғунликларни умумлаштирувчи, қамраб олувчи тушунча бор, бу — ИЙМОН деб аталади. Инсоният тарихида бу тушунчадан кенгроқ маъно англатувчи сўз ё ибора йўқ.

Эҳтирос ҳақидаги биринчи мақола

Одам Ато билан Момо Ҳаво давридан инсонга эҳтирос мерос. Лекин 1884 йилга келибгина инглиз олими Уилям Жеймс «Эҳтирос нима?» деб номланган мақола ёзди ва эҳтироснинг назарий асосларини илмий нуқтаи назардан тушунтириб беришга ҳаракат қилди.

Қабиҳликда... эзгулик

Антон Чехов «Олтинчи палата» ҳикоясида ҳаётда қабиҳ ва ярамас ишлар ҳам зарур, ўз ўрнига эга деб ёзади. Асослайди ҳам. Яъни, гўнг чириб, қора тупроққа айлана боргани сайин, вақт-соати етиб, ярамаслик ва қабиҳликдан эзгулик униб чиқади... соғлом тафаккурлар ўсиб-униши учун иллатлар ўғит вазифасини ўтайди.

Изтироб улуғлайди

Қувонч ва шодумонликлардан кўра, азоб-уқубат, изтироб руҳни кўпроқ тозалайди. Ҳаётда кўпроқ азият чеккан одам бундай азобларга рўпара келмаган одамдан кўра тозароқ ҳисобланадими?..

Ўйлаб қоласан киши... Чехов қаҳрамонларидан бири эса, «Мен туғилганимдан то шу дамгача муттасил азоб чекиб келаман. Шунинг учун мен ўзимни сиздан устун ва ҳар тўғрида мўътабарроқ деб ҳисоблайман», дейди.

Ф. Ницше бу фикрни қувватлайди. «Только великая боль приводит дух к последней свободе: только она позволяет нам достигнуть последних глубин нашего существа» деб ёзади. С. Цвейг эса «только страдание дает мудрость» деб ёзади. Ҳатто «у здоровых людей нет психологии» дейди.

Тинимсиз кураш

Рустам Иброҳимбековда ўқигандим: «Каждый человек средоточие всего самого прекрасного и самого страшного на свете». Шундай бўлган тақдирда ҳам ҳамма даврларда инсон табиатидаги иллатларга барҳам бериш ва яхшилик уруғларини асраб қолиш учун тинимсиз кураш боради, инсоннинг инсонлиги шу билан белгиланади.

Сабоқ

Тут тез пишгани учун тез тугайди.

Қонуният

Ҳар бир қилган ишингиз ўз тушунчангиз ва имконингиз маҳсулидир.

Ёлғизлик

Ижодкор киши доим ўзини ёлғиз ҳис қилади. Башарти у кимгадир кўнгил қўйса, ўша севгилисига етишиш учун ўзининг ёлғизлик қўрғонини ташлаб чиқиб кетмай-

ди, балки севганини ёлғизлик қўрғонига олиб киради. Иккови бир вужудга айланиб ёлғизлик азобини, ёлғизлик лаззатини бирга баҳам кўради.

Баъзан...

Ўзинг истамаган ўйлар тирғалавериб, жонингга азоб беради. Хит қилиб юборади. Ўйлай десанг, чора йўқ. Қўл ишга бормади. Чалғишнинг иложини тополмайсан.

Яхшиси — уйқу. Бошингни ёстиққа қўясан, кўзингни юмасану, уйқуга кетасан.

Уйқу элитгунга қадар ҳам ўша машъум ўй хаёлингга «қаққайиб» тураверади. Кўзинг илинаётган сўнгги дақиқада «Ишқилиб тушимга кирмасин» дея илтижо қиласан.

Хайрият!.. Уйқуга кетасан. Ўжар ва чорасиз хаёллар исканжасидан халос бўласан. Бир пайт...

Ташқарида қалдирғоч вижирлайди. Кейин чумчуқ чирқиллайди.

Хаёллар туни билан сени ўз ҳолингга қўйганига писанда қилгандек кўзинг очилар-очилмас яна миянгга кириб олади...

Ёвуз кўнгил.... назокати

«Машхур» фашист Гиммлер канарейкаси ўлганда йиғлаган, пьесаларида ҳаддан ташқари кўп қон тукилади деб, Шекспирни ёқтирмаган.

Фурсат йўқ

Қувончли дақиқалар бўлади, ранжийдиган ҳолатларга тушасан. Қувониш учун ҳам, ранжиш учун ҳам улар ҳақида пича бўлса-да, ўй суришинг керак. Бироқ кундалик югур-югурлар шу қадар бошингдан ошиб-тошиб кетадики, дурустроқ қувонч туюшга ҳам, ранжишга ҳам улгурмайсан.

Буюк мувозанат

Цирк усталари ақл бовар қилмайдиган вазиятларда мувозанат сақлаб туриш маҳоратини намойиш этадилар, Уларни кўриб, завқланиб ҳайратдан лол қолади одам. Лекин икки оёқда ерда қаддингни тутиб туриш ва одим ташлаб боришдан кўра оддийроқ, мукамалроқ ва буюкроқ мувозанатни ҳали инсон ақл-идроки кашф этмаган...

Бевақт эмас...

«Дунёдан бевақт кетди» деган гап банданинг наза-

ридагина бевақт эканини кўпда эътиборда тутмаймиз. Ахир бизнинг назаримизда бевақт туюлган айрилиқ яратган Эгамизнинг ҳисобида айти вақтидир?..

Мутолаа — қарз

Мутолаа — қарз олиш, ундан туғилган таассуротни оммалаштириш — қарзни узиш.

Тутқинлик ва ҳурлик

Одат яхши, лекин одатларни енга олган одамларгина тараққиёт йўлини кўра биладилар. Шу маънода одат — тутқинлик, одатдан устун келиш — ҳурлик.

Кураш

Ёлғиз одам кўпчиликка қарши ақл-идрок билан курашади, кўпчилик эса ёлғиз одамни енгил, бадном этиш учун ақлни ишлатиб ўтирмайди, куч билан енгил қўя қолади.

Табиий офат

Бўрон, тўфон, тошқин, зилзила сингари табиий офатлардан даҳшатга тушамиз. Бундай офатлардан асрашни Аллоҳдан сўраймиз. Бироқ, одамлар табиатидаги иллатлар ҳам табиий офатдан кам эмаслигини унутамиз...

Диалектика

Ҳар бир давр «Дониш киму, жоҳил ким?» деган саволни кўндаланг қўяди ва ҳар доим бу саволнинг ҳақиқий адолатли жавобини аниқлаш келажак авлодларга қолади...

Қўрқувнинг қудрати

Қўрқув ақлни ўтмаслаштиради. Муттасил қўрқув остида яшаш натижасида зеҳни баттар занг босади. Айти вақтда қўрқув жазавази фавқулодда ишларга қўл уришга сабаб бўлади. Энг хотиржам пайтида қўрби, иродаси, ақл-идроки етмаган ишларни, қўрқув исканжасида зумда қойилмақом қилиш ҳеч гап эмас.

Умр ўтмоқда

«Иностранная литература»да эълон қилинган «Портрет художника в юности» повестини қайта варақладим. Чизиб-чизиб ўқиган сатрларимга кўз югуртирдим. Ўқиш-

га қизиқиб кетибман, кўзим ачишди. Ҳарфи жуда майдалик қилди.

Бир пайтлар уни кўзойнаксиз ўқигандим...

Паймона

Қуюқ дарахтзор. Кун бўйи тикилсанг-да, ҳушёр ва зийрак пойласанг-да, қай дақиқада қайси япроқ узилиб тушишини айтолмайсан... Атрофингда елиб-югуриб юрган одамларга ҳарчанд разм солма, уларнинг қай бири, қай лаҳзада омонатини топширишини башорат қилолмайсан.

Минора

Ҳар ким ўзининг ёшига тенг баландликдаги минора тепасидан қулайди. Бу минорани у савобу гуноҳ гишталаридан бунёд этади. Қулаш чоғида нечоғли озорли ё озорсиз тушиши мазкур минора гишталарининг қанчалик савоб ё гуноҳ лойидан қорилганига боғлиқ...

МУНДАРИЖА

Давом этаётган фасл	3
Истиқлол тонгининг ҳикмати	4
Ун йил ўтмоқда	4
Ун беш дақиқалик йўл	6
Уч фараз	6
Олижаноб дард, ардоқли ёлгон	17
Адабиёт — одам	17
Бадий дид ва савия	22
Остонадаги одам	24
Эҳтирос ҳиссиётни тарбиялайди	27
Отабек шуурининг оний сурати	30
Нажот муҳаббатдами ё.. нафратда?	35
Оқимга қариши оққан гул	41
Кечиккан ҳайрат	45
Тошкентни соғинган кунларим	49
Энг юксак чўққи	49
Коинотнинг меҳвари	51
Лондонда етти кун	58
Берлин манзаралари	72
Ерости йўллари мамлакати	79
Хурлик ва хавфсизлик: мувозанат истаги	82
Ақлли кулги ёхуд кулгили ақл	96
Кафтдаги чизиқлар	100

Ижтимоий-публицистик нашр

ХУРШИД ДУСТМУҲАММАД

ОЗОД ИЗТИРОБ ҚУВОНЧЛАРИ

Тошкент «Маънавият» 2000

Муҳаррир Р. Қўчқоров

Рассом С. Соин

Бадий муҳаррир С. Аъзам

Техн. муҳаррир Т. Золотилова

Мусафҳиҳ Ҳ. Аҳмедова

Теришга берилди 20.09.2000. Босишга рухсат этилди 03.10.00. Бичими 84×108¹/₃₂. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 5,88. Шартли кр.-отт. 6,3. Нашр т. 5,95. 3000 нусха. Буюртма № 188. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 25—00.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида chop этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй, 2000.